

ОГ МАНДИНО

821.512
М 24



ДУНЁНИНГ ЭНГ
БУЮУК
САВДОГАРИ

ОГ МАНДИНО

**ДУНЁНИНГ
ЭНГ БУЮК
САВДОГАРИ**

«DAVR PRESS»

Тошкент

2020

Ог Мандинонинг миллионлаб нусхада чоп этилган китоблари уни инсоният тараққиёти муаммоларини ечишга ҳаракат қилган буюк ёзувчи сифатида дунёга танитди. Унинг асарларини бутун дунёда — Америка корпорацияси маъмурларидан тортиб, япон фабрикаларининг оддий ишчиларигача, Мексика камокхоналарида ётган маҳбуслардан тортиб, оддий немис уй бекаларигача, қўйингки, миллати, ирки, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсон севиб мутолаа қилади.

“Дунёнинг энг буюк савдогари” асарида муаллиф оддий савдо қилиш қонун-қоидаларини ҳаётий, фалсафий фикрлар билан уйғунлаштирган.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.


Рус тилидан Рустам Жабборов таржимаси.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.

“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма руҳсатсиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-6292-3-3

© «DAVR PRESS» НМУ, 2020



МУҶАДДИМА

Салом... Мен — Ог Мандино. Олис болалик хотираларимнинг аксарияти кечадигидек якқол кўз ўнгимда: ҳар доим уларни ёдга олганимда энг аввал жиккаккина малласоч аёл — онамнинг сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Унинг ўз ўғли ҳақидаги орзулари ўта антиқа эди: “Қачондир, сен ёзувчи, жуда ҳам машҳур ёзувчи бўласан”, деган гапни кўп қайтарарди.

Мана, унинг орзуси амалга ошди. Кўпгина болалар ота-оналарининг ўз келажаклари ҳақидаги режаларини хафа бўлиб эшлашади. Аммо, менга онамнинг орзуси жуда ёқарди. Машҳур ёзувчи! Мен мактабда илк баҳоимни олиб келгунимга қадар, ойим кутубхонадан турли хил китобларни олиб келарди. Мен дастлаб ўзим тўқиган митти ҳикоячаларни ҳам илк бор ойимга кўрсатганман. Юқори синфга ўтганимда сўнг синф деворий газетасининг муҳарририга айландим. Албатта, у пайтларда жуда баландпарвоз режалар тузардим — Миссиури университетига ўқишга кирмоқчи эдим, чунки мамлакатдаги энг яхши журналистлар ўша ерда тайёрланишига ишонардим. Аммо, кутилмаганда... мактабни битиришимга олти ҳафта колганида, онам вафот этди. Ажал унга ошхонада, одатдагидек мен учун таом пишираётганида чанг солди. Мен айрилиқ азоби билан олишарканман, жуда мудҳиш дамларни бошдан кечирдим. 1940 йилда ўзим ўйлагандек, ўқишга эмас, қоғоз комбинатига ишга жўнадим. 1942 йилда ҳарбий

хаво корпусига хизматга олиндим. 1943 йилда, менга, ҳарбий авиация аскарига зобитлик рутбасини беришди ва “кумуш қанот” билан тақдирлашди. Мен ўттиз марта Германияни Б-24 “Liberator” билан бомбардимон қилганман. Уруш тугагач, Америкага қайтдим ва бомбардимончи авиациянинг собиқ зобити учун иш топиш осон эмаслигини билиб олдим.

Бир неча ой ишсизлик нафақаси билан амал-тақал кун кечиргач, суғурта агенти бўлиб ишлашга қарор қилдим. Урушга боришдан аввал севган қизимга албатта уйланаман, деб сўз бергандим. Энди ваъдамни бажаришим керак эди. Ўн йил хотиним, қизим ва мен Яратганнинг марҳамати остида бирга кун кечирдик. Мен оиламни боқиш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлардим. Бирок, кун сайин қарз ботқоғига ботиб боравердим. Кунларнинг бирида одатий кўнғироқлар, таклифлар ва эътирозлардан чарчаб, уйга қайтарканман, хумордан чиққунча ичгим келди. Чамамда мен бунга ҳақли эдим. Шу тахлит, уйга ҳар куни ичиб келадиган одат чиқардим. Бу аҳвол ҳар куни такрорланавергач, хотиним ва қизим мени ташлаб кетишди.

Икки йил азоб-укубатлар ичида ўтди. Шалоқ машинада иш кидириб, мамлакатни дарбадар кезишга тушдим. Бир шиша арзон шароб учун ҳар қандай ишни бажариб кетаверадиган бўлдим. Кечалари дуч келган харобаларда тунаб қолар ва ўзимнинг ночор қисматимга аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкардим. Кливленднинг одатий қаҳратон тонглиридан бири умрбод хотирамда муҳрланиб қолиши баробарида, ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Ломбард идораси ёнидан ўтиб борарканман, унинг чанг босган деразасидан кичикроқ тўппончани кўриб қолдим. Унга нархи кўрсатилган сарғиш қоғоз

ёпиштириб қўйилганди — 29 §. Чўнтагимни ковлаштириб роппа-роса учта ўнталикни топиб олдим. Бу менинг бор бойлигим эди ва ўша онда ягона тўхтамга келдим: “Ҳаммасига нукта қўядиган вақт келди. Тўппончани сотиб оламан-да, хароба кулбамга бориб, уни ўқлайман, кейин пешанамга тираб тепкини босаман... шу билан ҳар куни кўзгуда дуч келадиганим — бахтиқаро дайдининг туркини қайтиб кўрмайман”.

Ҳозир ўша пайтдаги руҳий ҳолатимни сўз билан ифода-далаб беролмайман. Ҳозир ўша ҳолатни эслаб, кулгим келади. Наҳот шу даражада иродасиз бўлган бўлсам, дея ҳайратга ҳам тушаман.

Табийки, тўппончани сотиб олмадим. Бир оз сандирақлаб, яна ўша ломбард биноси олдига етиб борганимда атрофни оппок қор колаганди. Бу пайтда ломбард ёпилган, мен эса, яна изғий-изғий жамоат кутубхонаси олдига келиб қолгандим. Назаримда унинг ичи анча иссиқ эди. Мен кутубхонага кириб, минглаб китоблар орасида кезарканман, ҳаётда ўз йўлини топмоқчи бўлганлар учун зарур маслаҳат бера оладиган адабиётни излардим. Мен бир қанча ана шундай китобни танлаб олдим-да, столга мук тушиб мутолаага шўнғидим. Мен қаерда адашдим? Наҳотки, мен олий маълумотли бўла туриб, тўғри йўлни топа олмасам? Нимагадир умид қилсам бўладими? Ичкиликбозлик асоратидан кутула оламанми? Мен ҳаётда ҳаммасини йўқотиб бўлдимми? Наҳотки, мен бу дунёга фақат азоб тортиш, кўз ёш тўкиш учунгина келган бўлсам?

Мен ўзимни топиш учун мамлакат бўйлаб узоқ вақт бемақсад кездим. Кливленд кутубхонаси ана шу йўлдаги биринчи бекат эди. Яна аллақанча кутубхона ва ўқув хоналарида бўлдим. Мукамалликка эришиш,

алкоголдан кутулиш йўллари кўрсатувчи кўплаб китобларни ўқиб чиқдим. Нью-Хемпшир шахрининг Конкорд шаҳар кутубхонасида ўзим учун замонавий оламнинг мумтоз адабини кашф этдим. Бу В. Клемент Стоун эди. Унинг “Ишонч — муваффақият гарови” номли китоби менинг ҳаётимни буткул ўзгартириб юборди. Стоуннинг омад фалсафаси менга шу қадар таъсир қилдики, ажойиб кунларнинг бирида вужудимга ғойибдан жуда катта куч-ғайрат ёғилиб келаётганини хис этдим. Назаримда мен ҳар қандай мақсадга эриша олардим. Шундан сўнг мен ҳамма ғамларимни энгиш учун берилиб меҳнат қилишим лозимлигини пайқадим. Жаноб Стоун “Combined Insurance Company of America” (Бирлашган миллий суғурта агентлиги) президенти экан.

Узоқ изланишлардан сўнг ушбу фирманинг Бостондаги филиалига суғурта агенти бўлиб ишга жойлашдим. Бу орада мен ўзимга нисбатан қудратли куч ва умид уйғонишида катта ҳисса қўшган, мени жонидан ортик сева оладиган аёлни учратдим. Компания мен сингари 32 ёшли омадсиз кимсани ишга олган чоғда биз оила қурдик. У билан биргаликда ўтказган 40 йиллик умрим ҳаётимнинг энг яхши онларига айланди.

Бир йил ичида мен ушбу компаниянинг Шимолий Мэн округидаги менежери вазифасига тайинландим. Мен тасодикий ёлланма меҳнатга ўрганган кишиларни ишга олиб, уларга Стоун фалсафасини ўргатиб кўрдим. Натижа кутилганидек бўлди ва биз компания миқёсида рекорд натижаларга эришдик. Фойдаланилмаган дам олиш кунларим ҳисобига тежаб қолинган бир ҳафталик маблағга ёзув машинкасини сотиб олиб, ижодга қўл урдим. Энди болаликдаги ёзувчи бўлиш орзусини амалга ошириш фурсати етиб келганди. Менинг биринчи

асарим қишлоқ жойларида суғурта хизматини ташкил этиш борасида тавсиялардан иборат эдим. Мен бу қўлёзмани компьютерда китобчага ўхшатиб, чоп этдим-да, компаниянинг Чикаго офисига жўнатиб, меҳнатларим эътирофини интиқлик билан кута бошладим.

Мўъжиза юз берди! Шу тариқа мен, Бетти ва кичкинтойимиз биргалиқда бор ашқол-дашқолимизни машинамизнинг томига юклаб, Чикагога йўл олдик. Мени дарҳол савдо бўлимига ишга олишди. Ҳисоботларнинг бари менинг қўлимдан ўтарди. Кейин эса... Мен ниҳоят ёзувчи бўлиб кетдим.

Жаноб Стоун ўша пайтларда “Чексиз омад” деб номланган оз нусхали нашрни таъсис этди. Бу нашр барча ходимлар ва ҳиссадорларга тарқатилар эди. Мен офисда бир неча ой ишлаб, жаноб Стоуннинг яқин дўстига айландим.

Худди шу пайтга келиб, ушбу нашрнинг муҳаррири ишдан бўшаб кетди. Албатта, бу борада менда тажрибанинг ўзи йўқ эди. Аммо, жаноб Стоун бу вазифани менинг зиммамга юклади. Мен эса бу тармоқ нашрини умуммиллий журнал даражасига олиб чиқдим. Ўн йил ичида ижодий жамоамиз аъзолари сони икки кишидан олтмиш икки кишига етди. Шу тариқа журналимиз адади чорак миллиондан ошди.

Кунларнинг бирида журналнинг навбатдаги сонини ёпиш учун биттагина мақола етмай қолди. Газета-журналлар тахламини титкилаб ҳам тайинли материал топа олмадим. Шундан сўнг уйга келдим-у, даҳшатли автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолган Бен Хоган исмли кимсанинг кечинмаларини қоғозга туширдим.

Бу мард инсон кейинчалик наинки оёққа туриб кетди, балки мамлакат очик чемпионатининг ғолибига ҳам

айланганди. Мақола “Чексиз омад” журналида босилди. Бу гал ҳам омад менга кулиб бокди. Мана, столим устида Нью-Йорк нашриётдан келган мактуб ётарди. Нашриёт муҳаррири Хоганнинг кечмишлари ҳақидаги мақола жуда ёққани, агар истасам нашриёт билан ҳамкорлик қилишим мумкинлиги ёзилганди.


Орадан 18 ой ўтиб, ушбу нашриётда менинг “Дунёнинг энг буюк савдогари” деб номланган шапалоқдеккина китобчам дунё юзини кўрди. Албатта ўша пайтда Ог Мандино деган муаллифни ҳеч ким танимас, шу боис китоб адади ҳам ўзига яраша эди. Беш мингта!

Яна менга омад кулиб бокқанди. Магнат Де Вос, “Amway Corporation” раҳбарларидан бири компания мажлисларидан бирида нутқ сўзларкан, Ог Мандино деган кулгили бир исм соҳиби ёзган “Дунёнинг энг буюк савдогари” деган асарни ўқиганини кистириб ўтди ва ҳаммага бу китобни ўқишни тавсия қилди. Де Воснинг бу тавсияси сабабли ушбу китобга бўлган талаб ҳаддан ортиб кетди. Икки йил ичида 350 минг нусха китоб сотилиб кетди. “Bantam Books” нашриёти китобнинг нашр этиш ҳуқуқини сотиб олди. Йил сайин бу китобга бўлган талаб ортса орткики, асло камаймади. Гарчи бу китоб чоп этилганидан буён ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, бу китоб кўлма-кўл ўқилмоқда. Қайта-қайта турли тилларда нашр қилинмоқда. Ўша пайтдан бошлаб то ҳозиргача ҳар ҳафта ўқувчиларимдан ўртача 18–20 та хат оламан. Улар асосан битта саволни сўрашади? “Бу китоб сизнинг ҳаётингизни ҳам ўзгартирдимиз?” Бундай одамлар орасида оддий ўқувчилардан ташқари машҳур тадбиркорлар, шоу-бизнес вакиллари, машҳур спортчилар ҳам кўп эди.

Албатта, мен бу хатларнинг ҳар бирига ёзма жавоб қайтараман ва уларнинг шахсий характери мени кўпроқ қизиқтиради. Шу боис, мен бу одамларнинг исмларини айтиб ўтирмайман. Дарҳақиқат, мен бахтли одамман. Севимли онажоним бу дунёни тарк этганидан бери орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Агар онамнинг руҳи ҳозир чиндан ҳам самоларда парвоз қилиб юрган бўлса, у мени кўриб, эшитиб юрган бўлса, мендан фахрланармикин? Ҳар қалай шунга умид қиламан!

Энди эса... марҳамат, “Дунёнинг энг буюк савдогари”ни ўқинг!

1990



САХОВАТДАН САХОВАТГАЧА

Хафид бир муддат биринж (бронза)дан ишланган кўзгу қаршисида тўхтаб, ўзининг сайқалланган маъдан сатҳидаги аксига кўз ташлади:

– Ортда қолган ёшликнинг излари фақат кўзлардагина сақланиб қолади, – дея пичирлади у шинам мрамарли хона тарафга одимларкан. У ҳолсиз оёқларини аранг судраб босаркан, ақиқ тошидан тарашланиб ишланган, олтин ва кумушдан сайқалланган шифтни кўтариб турган устунлар орасидан ўтиб, сарв ёғочи ва фил суягидан ясалган қадимий хонтахта қаршисида тўхтади. Ойнадек силлиқланган тошбақа косаларининг хира ёғдуси ҳар ёқда — деворларда, турли суратлар, нақшланган қимматбаҳо ёпинчиқлар ташланган диван ва каравотларда кўзга ташланиб турарди.

Улкан биринж тувакларда бир неча авлодни кўрган, юз йилларни қаритган баҳайбат пальмалар ўртадаги антиқа фаввора дилни яйратади. Фаввора атрофида, саватларда гуллар ва қимматбаҳо тошлар тутиб турганча бир-бири билан ҳусн талашаётган нимфаларнинг ҳайкаллари ўрнатилган эди. Хафиднинг бу қасрига кириш шарафига муяссар бўлган ҳар бир инсон қаср хожасининг афсонавий бойлигига шубҳа қилиши мумкин эмасди.

Мўйсафид хожа қаср ҳовлисидаги гулзор оралаб, кичкина йўлакдан юриб борди ва омборхонага тушди. Бу улкан омбор тахминан шу қасрнинг ҳажмига тенг бўлиб, узунлиги беш минг кадамдан кўпроқ чиқарди. Хафиднинг бош ҳисобчиси Эрасмус хожасининг ташрифи ва янги амрларини итоаткорона илтифот ила кутиб турарди.

– Хайрли кун, хожам!

Хафид жимгина бош ирғаб, одимлашда давом этди. Эрасмус хожасига эргашди. Ҳисобчи хожасининг айнан шу ерда кутиб туришни буюрганини англолмай турарди. Хафид пастки майдончага етганида, яқинда келтирилган молларни қандай жойлаштирилиши ва уларнинг нарҳини билиш учун тўхтади.

Моллар орасида жун, зиғир матолари, пергамент, Кичик Осиёдан келтирилган мушк-анбар, ойна, малҳам, Хафиднинг ватанидан олиб келинган ёнғоқ ва анжир кокиси, Тадморнинг ранг-баранг матолари ва доридармонлари, занжабил, долчин, Арабистоннинг лаъл-жавохирлари, Мисрдан келган базальт ва ганч, Римда ишланган суратлар, Юнонистон ҳайкаллари қалашиб ётарди. Чолнинг сезгир димоғига олма, олхўри, пишлок ва занжабил аралашмасидан тайёрланган малҳамнинг ҳавода сузиб юрган ёқимли ифори кирди.

Ниҳоят у Эрасмусга юзланди:

– Қадрдон дўстим, ғазнамиздаги ҳамма бойликларнинг қиймати қанча?

Эрасмуснинг ранги оқарди.

– Ҳамма бойликларни дедингизми, хожам?

– Ҳа, ҳаммаси.

– Охирги ҳисоб-китоблар аниқ эсимда қолмаган, аммо тахминан айтишим мумкин. Адашмасам, етти миллион олтин динордан ошганди.

– Агар биз ҳамма молларимизни тиллага чақадиган бўлсак, қанча бўлиши мумкин?

– Ҳали ҳисоб-китоб ишларимиз тугамади, хожам. Аммо бу моллардан қолган фойданинг ўзи камида уч миллион динор бўлади.

Хафид коникиш маъносида бош ирғади.

– Энди мол сотиб олишни тўхтат. Менга тегишли ҳамма молларни қисқа фурсатда тилла ёмбиларга айлантириш чорасини кўр.

Кутилмаганда ҳисобчининг оғзи ланг очилиб қолди. У шу қадар ҳайратга тушган эдики, бир муддат ҳатто тили калимага келмай турди, ниҳоят ҳушини сал тўплаб олгач, аранг тилга кирди:

– Тушунмадим, хоҷам. Бу йил биз учун анча баракали келди. Барча дўкдорларингиз моллар олдинги йилга нисбатан кўпроқ сотилганини айтишди. Ҳатто Рим легиони ҳам бизнинг буюртмачимизга айланди. Шундай экан, сиз икки ҳафта бурун Қуддус ҳукмдорига ваъда қилинган икки мингта араб тулпорини етказиб беришдан воз кечмоқчимисиз? Мени маъзур тутинг, аммо камина амрингиздан не муддаони кўзлаганингизни англолмай турибман.

Хафид кулимсираб, эски кадрдонининг кўлини сиқиб кўйди.

– Азиз биродарим, мендан илк бор топширик олган кунинг эсингдами? Бунга кўп йиллар бўлди. Ўшанда эндигина кўлимга ишга келгандинг.

Эрасмуснинг юзи бир зум тиришиб, кейин ёришгандек бўлди.

– Хоҷам, ўшанда “йиллик фойдамизнинг тенг ярмини ғарибларга тарқатиб чиқ” дегандингиз.

– Сен эса мени савдо ишида нўноқликда айблаб, айтганимни қилмагандинг, – муғамбирона лўқма ташлади Хафид.

– Мен бирор ноҳушлик юз беришидан хавфсираганим, хоҷам.

Хафид тоғдек уюлиб ётган молларга ишора қилди:

– Энди ўша хавотиринг беҳуда эканини тан оласанми?

– Ҳа, хоҷам.

– Ҳозир ҳам мен ўз режаларимни сенга тўла ошкор этмасимданок, амримни бажаришга киришавер. Мен қариб қолдим, эҳтиёжларим ҳам шунга яраша. Маҳбубам гўзал Лиша мени ташлаб кетганидан бери анча йиллар ўтди. Шундан бери мен фақат ўз бойлигимни

шаҳримизнинг фақирларига тарқатиш ҳақида ўйляпман. Тинчгина умргузаронлик қилишим учун ўзимда энг зарур нарсаларни олиб қоламан. Сен мол-мулк рўйхати билан бирга барча дўконларимни ўз эгаларига ҳадя қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрла. Шунингдек, барча бошқарувчиларига шунча йиллик садоқатли хизматлари учун 5 минг талант олтинни адолат билан тақсимлаб беришингни сўрайман. Улар бу пулларни ўз эҳтиёжлари учун хоҳлаганларидек ишлатишлари мумкин.

Эрасмус нимагадир эътироз билдирмокчи бўлиб оғиз жуфтлаганида, Хафид уни қўл ишораси билан тўхтатди.

– Менинг кўрсатмаларим сенга манзур эмас шекилли?

Ҳисобчи мажҳул қиёфада бош чайқаб, жилмайишга уринди.

– Йўк, хоҷам, фақат сизни бундай қарор қабул қилишингизга нима сабаб бўлганини билолмаяпман, холос. Сиз худди ҳаётдан умиди батамом сўнган кимсалардек гапирмокдасиз.

– Худди сендек йўл тутяпман, азизим Эрасмус. Сен ҳар доим менга ўзингдан-да кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиб келдинг. Сен шу пайтга қадар ўз келажагинг ҳақида ўйлаб кўрдингми? Борди-ю, бизнинг тижоратимиз касодга учраса нима қилардинг?

– Биз узоқ йиллардан бери дўстмиз, – шошилиб жавоб берди Эрасмус. – шундай экан, мен қандай қилиб фақат ўзим ҳақимда, ўзимнинг ҳузур-ҳаловатим тўғрисида ўйлашим мумкин эди?

Хафид дўстини маҳкам бағрига босаркан деди:

– Сўзларинг самимийлигига заррача шубҳам йўк. Сенга эллик минг талант олтинни ўз номингга ўтказишингни айтдим. Энди то менга аввалдан топширилган ишни ниҳоясига етказгунимга қадар, ёнимда қолишингни сўрайман. Бундан ташқари бу қаср ва омборни ҳам сенга қолдириб кетаман. Шундан сўнг мен хотиржам маҳбубам Лиша ҳузурига боришим мумкин.

Кекса ҳисобчи ўз хожаши ва устозига синчковлик билан тикилди. Айни чоғда у эшитган ҳамма гапларини идрок эта оладиган ҳолатда эмасди.

– Эллиқ минг олтин талант? Қаср... омбор... Йўқ, хоҷам, мен бундай олий марҳаматга лойиқ эмасман!

Хафид бу гал ҳам қатъият билан бош ирғади:


– Мен сени ҳамиша энг яқин дўстим деб билганман, Эрасмус. Сен олий марҳамат деб ўйлаган нарсалар аслида сенинг беҳад садоқатинг ва фидойилигинг олдида ҳеч нарсага арзимаёди. Сен бошқалар бахти учун яшаш санъатини пухта эгаллагансан ва бу хислат ҳаммасидан ўта юқори баҳоланади. Энди сен менинг ҳамма режаларимни амалга ошишини тезлата олишингга ишонманам. Ҳозир мен учун ўтаётган вақтнинг ҳар зарраси бебаҳо.

Бу сўзлар ҳисобчининг қулоғига худди дафн мусикасидек чалинди. Эрасмус юзларини юваётган аччиқ кўз ёшларини тўхтата олмай, дўстига термилди:

– Ваъдангиз нима бўлади? – сўради у. – Улар ўз кучида қоладими? Биз ҳар доим худди ака-укадек бўлиб келсак-да, бу ҳақда оғиз очмагансиз.

Хафид кўлларини кўкраги устида ковуштириб, сирли кулимсиради:

– Биз ҳали бу ҳақда гаплашамиз. Сен ҳозирги топшириқларимни бажариб бўлганингдан кейин, сенга шу пайтга қадар ҳаммадан яшириб келган сирни очаман, – Хафид бир оз сукутга чўмиб, сўнг давом этди. – Бу ҳақда фақатгина севимли аёлим Лишага, унинг ўлими олдидан айтгандим, холос. У ҳам бу сирни ўзи билан олиб кетди.



САНДИҚЧАДАГИ СИР

Орадан кунлар ўтиб, тоғ-тоғ олтин юкланган карвон ишончли сокчилар куршовида Дамашқдан йўлга чикди. Кекса карвонбошининг сафар халтасида зарур хужжатлар қатори найча шаклида ўралган нома ҳам бор эди. Унда хожанинг барча олтинларни хожага тегишли дўконлар ўртасида тарқатиш ҳақида сўз борарди. Карвон Хафидга тегишли барча дўконлар олдида тўхтаб ўтарди. Ҳар бир савдогар ўз хожасининг бу антиқа қарорини катта хайрат ва сукут билан қарши оларди

Антират шаҳридаги дўконга етганда, хожанинг топшириғи тўла-тўқис якунига етказилди. Карвонда битта ҳам қуйма олтин қолмаган, бари тарқатиб бўлинганди.

Ўша пайтларда ҳали Ер юзида бирор-бир тожир дунёнинг энг буюк савдогари — Хафид эришган даражадаги қудратли савдо салтанатини ярата олмаганди. Эрасмус юраги қон-зардобга тўлганча, ўз хожасининг амрини ижро этмоқда. Омборлар бўшаб, Хафид салтанатининг тамғаси дўконларни безамай қўйди. Хожа юборган чопар Эрасмусга хожаси уни фаввора ёнида кутаётганини айтди.

Хафид кекса дўстининг юзига боқиб сўради:

– Ҳамма топшириғимни бажардингми?

– Ҳа, хожам!

– Унда, кўнглингни хотиржам қил-да, орқамдан юр.

Улар юриб боришаркан, қадам товушлари қаср деворларига урилиб, акс садо берарди. Хафид сирли йўлак сари олиб борадиган мрамар зинапоялар сари бошлади. Зиналардан кўтарилиб, яширин эшикдан ўтишди ва илгарилашди. Улар норанж ёғочидан ясалган баланд

таглик устига ўрнатилган гулдон олдида тўхташганда, уларнинг каршисида бекиёс даражада гўзал манзара юз очди. Ойнадан оқаётган қуёш нурлари оқ, пушти ва бошқа турфа рангларда товланарди. Ҳар икки дўстининг серажин юзларига табассум ёйилди. Икковлон бир зум пастда туришгач, кейин қаср гумбазининг ички қисмига жойлашган хона тарафга кўтарилишди. Зинапоя олдида кечаю кундуз навбатчилик килиб турадиган посбонларнинг бугун йўқлиги Эрасмуснинг диққатини торгди.

Улар ниҳоят айланма зиналардан кўтарилиб, кенг майдончага чиқишди ва нафас ростлаш учун тўхташди. Хафид белбоғига илинган кичикроқ қалит билан оғир эман эшикни очди. Эшик секин ғижирлаб очилди. Эрасмус эшик олдида иккиланиб турганини кўрган хожаси унга киравер дегандек имо қилгач, остона ҳатлади. Бу хужрага қарийб ўттиз йилки, хожасидан бўлак ҳеч ким қадам босмаган эди. Шу боис, Эрасмус хона ўртасида қаққайиб туриб қолди. Хонада йиллар давомида йиғилиб қолган чанг туфайли тепадаги туйнуклардан зўрға инаётган ёруғлик ҳаммаёқни кулранг тусга киритганди. Эрасмус кўрқиб кетганиданми, то кўзлари қоронғиликка кўникиб улгургунча, жим қолди. Хафид эса, дўстининг хонани айланиб чиқишини кузатиб турди. Кейин шошилмасдан олдинга ўтди-да, деворга тақалиб турган баланд таглик устидаги, заранг ёғочидан ишланган мўъжаз сандиқчага кўлини қўйди.

– Эрасмус, нега ҳафсаланг пир бўляпти? – сўради Хафид дўстига юзланаркан.

– Очиғи, нима дейишга ҳам ҳайронман, хожам!

– Хонанинг ўта одми жиҳозлангани сени ажаблан-тирмаяптими? Дарвоқе, манавини, – у сандиқчани кўрсатди, – жиҳоз деб аташ ҳам кулгили туюлади. Бу кичик хужрани шунча йил кўз қорачиғидек асраб келиш сенга мантиқсиз бўлиб туюляпти, тўғрими?

Эрасмус бош ирғади.

– Сиз ҳақсиз, хожам. Мен гумбаз ичидаги бу яшин хужрангиз ҳақида жуда кўп узункулоқ гаплар эшитгандим.

– Биламан. Айрим гап-сўзлар ўзимнинг ҳам қулоғимга чалинган. Бу ерда олмос тоғи ёхуд ёввойи қушлар сақланишини ҳам айтишган. Эронлик бир гиламфуруш савдогар бу ерда кичик бир ҳарам сақлашим ҳақида писанда қилган. Бу ҳақда эшитган Лиша роса кулганди. Одамларнинг тасаввур имкониятлари ҳайратланарли даражада кенг. Мени сал бўлмаса, ғирт хотинбозга чиқаришган. Дўстим, сени ишонтириб айтаманки, бу ерда кўча-кўйда, дўконларда кулоққа чалинган нарсаларнинг ҳеч бирини кўрмайсан. Манави мўъжаз сандиқчани айтмасак, албатта.

Дўстлар сандиқнинг икки тарафида жойлашиб олишгач, Хафид унинг белига ўралган тасмаларни ечишга тушди. Сандиқчанинг қопқоғи сапчиб очилган пайтда уларнинг димоғига заранг ҳиди урилди. Кўтарилган куюк чанг Эрасмусга сандиқ ичидаги нарсаларни аниқ-тиниқ кўриш имконини бермади. У ўзини сал орқага олиб, кўзларини қисганча олдинга назар солди. Кейин у нигоҳини ўз хожасига қаратди ва паришонлик билан қўлларини ёйди. Сандиқ ичида на олмос, на бошқа хазинадан ном-нишон кўринар, унда фақат бир неча чарм ўрамларидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди... Хафид оҳиста қўл узатиб ўрамлардан бирини олди. Кейин ўша ўроғлиқ тери парчасини кўксига босиб, кўзларини юмди. Хафиднинг юзида сокинлик ва хотиржамлик акс этди, ажинлар йўқолиб, ўтган йилларнинг аянчли излари йўқолиб кетгандек бўлди.

– Бу хужра кўплаб инсонларнинг бойликка, қиммат-баҳо тошлар ва олмосларга интилишлари билан тўлган. Аммо, бу ерда бойликдан асар ҳам йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро. лүнённинг барча олтинлари сенинг

қаршинда турган бу хазинага тенг келолмайди. Бу ўрамларда менинг бутун бисотим — омад, бахт, муҳаббат, гўзаллик ва умрбоқийлик жамланган. Нимага эришган бўлсам, мен ана шу ўрамлардаги номалар сабаб эришдим. Мен бу номалар ва уларни менга ишониб топширган донишманд олдида қарздорман.

Хафиднинг овозида янграган нотаниш оҳанглар Эрасмусни хийла чўчитиб қўйганди:

– Сиз менга қандай сирни очмоқчисиз, хожа? Наҳотки, мана шу сандиқ сизга шунча давлат ва қудратни бахш этган бўлса?

– Ҳар икки саволингга бирдек жавоб бераман: ҳа!

Эрасмус пешанасидаги тер томчиларини қўли билан артаркан, Хафидга шубҳали тикилди:

– Ҳар қандай хазинадан қимматроқ турадиган бу номаларда нималар битилган ўзи?

– Битгасидан ташқари қолган ҳамма номаларда қонунқоидалар деймизми, тартиблар, муқаррар ҳақиқатлар деймизми, хуллас нима деб номланишидан қатъи назар, ўта гўзал, ҳамма тушунадиган тилдаги сирли ҳикматлар битилган. Савдо санъатидан пухта хабардор бўлишни истаган ҳар бир инсон бу ҳикматларни англаши, қулоғига қуйиб олиши ва ундан унумли фойдаланиши лозим. Бу номалардаги талабларни мукамал равишда бажарганларнинг ҳар бири маълум даражадаги бойликка эриша олади.

Эрасмус эски битикларга тикилганча ҳайратдан қотиб турарди.

– Айтмоқчисизки, мен ҳам бу номаларнинг сирини билиб олсам, сиздек бой-бадавлат бўла оламан, тўғрими?

– Истасанг бундан кўпроғига эришасан.

– Сиз битгасидан бошқа ҳамма номаларда тижорат қоидалари битилган дедингиз. Охирги нома нима ҳақида?

– Сен охирги деб атаганинг, – тушунтира бошлади Хафид, – аслида энг биринчисидир. Шундан сўнг но-

маларни фақат тартиб бўйича ўқиш керак. Тартиб асло бузилмаслиги лозим. Биринчи номада ўта камдан-кам одамларгагина маълум бўлган сир ҳақида сўз боради. Нафсиларни айтганда, колганларини яхшилаб тушуниш учун биринчи номани пухта англаб олиш лозим бўлади.

– Сизни тўғри тушунган бўлсам, ҳар бир инсон буюк савдогар бўлишга қодир.

– Ҳа, бу аслини олганда унчалик қийин иш эмас. Бирок сен бунинг учун ўз вақтинг, кучинг ва имкониятларингни аямаслигинг керак бўлади. Эсингда тут — фақат бу ҳикматларнинг ҳар бири сенинг вужудингга, борлигингга, қон-қонингга сингиб кетмоғи керак. Шундагина улкан бойлик соҳибига айланасан.

Эрасмус қўл узатиб, сандиқдаги ўрамлардан бирини қўлини олди. Уни бармоқлари орасида оҳиста тутиб тураркан, Хафидга юзланди:

– Маъзур тутинг, хоҷам, нега сиз ўзингизнинг тажрибангизда синалган усулларда эмас, айнан ушбу та-мойилларга таяниб иш тутишни макбул кўрдингиз? Мен сизни тушунмаяпман. Сиз ҳамиша ўз олийжаноблигингиз ва саховатингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келдингиз. Нега сиз бу ҳикматларни шу чоққача бойлигингизга катта ҳисса қўшган дўкандорларингизга раво кўрмадингиз? Улар ҳам бойиб кетиши мумкин эди-ку? Эҳтимол улар бу қоидалардан хабардор бўлишганида, сизга янада каттароқ фойда келтирган бўлар эдилар. Нега сиз шунча билим ва кўникмани бошқалардан сир тутиб келдингиз?

– Менинг бошқа иложим йўқ эди. Кўп йиллар аввал менга бу номаларни ишониб топширишган чоғда, мен бу қадимий сирни ҳеч кимга очмасликка онт ичгандим. Ўша пайтда мен бу ғаройиб илтимос ортида яширинган асл сабабни билмасдим. Бу ҳикматларга амал қилиш учун фақат менгагина изн берилган эди. Фақат, бу ҳикматларни излаб юрган ва уларни билишга мендан-да муносиброқ бир одам топилмагунча, уларни сир


тутишим керак эди. Бу номалар менга топширилганида, мен жуда ёш эдим. Менга ушбу номаларни олиш учун келадиган одамнинг ўзига хос сирли белгилари бўлади деб айтишган. Эхтимол, ўша нотаниш одамнинг ўзи ҳам бундан беҳабар бўлар? Лекин мен уни дарров таниб оламан ва бу омонатни унинг қўлларига топшираман. Мен уни сабр-тоқат билан кутдим, – давом этди Хафид. – Шу вақт мобайнида ҳаётим ушбу ҳикматларга қаттиқ боғланиб қолди. Мен ушбу номалардаги сирлардан шахсий мақсадлари учун фойдаланишга рухсат этилган санокли одамлардан бири эдим. Мен ушбу ҳикматларни ўрганиб, уларни ҳаётда қўллаб, кўпчиликнинг таъбири билан айтганда, дунёнинг энг буюк савдогарига айландим. Бир пайтлар бу номаларни менга қолдирган одамларни ҳам шундай аташган. Эрасмус, эхтимол анча вақт ўтиб, нима сабабдан узок йиллар давомида менинг айрим хатти-ҳаракатларим сенга ғалати, ҳатто мантиқсиз туюлганининг боисини билиб олгандирсан. Лекин бу ҳаракатларнинг барчаси менга омад олиб келган. Бунчалик катта бойликни топиш учун фақат ўз ақл-идроким эмас, ушбу номалардаги ҳикматларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

– Сиз бу номаларни топширишингиз керак бўлган одам тезда қаршингиздан чиқишига ишонасизми?

– Ҳа,– деди Хафид номаларни сандиққа солиб, унинг қопқоғини ёпаркан. – То ўша муддат келгунича сен менинг ёнимда бўласанми, Эрасмус?

Эрасмус дўсти тарафга бир қадам босди ва шу онда туйнукдан тушаётган ёруғлик устида икки дўстнинг қўллари туташди. Эрасмус розилик аломати ўларок, бош ирғади ва ҳужрани тарк этди. Шу билан бирга кекса Хафиднинг дўсти садокатига бўлган заррача шубҳалари ҳам унинг юрагидан ўчиб кетди. Сандиқни аввалги жойига қўяркан, бир оз унинг тепасида туриб қолди ва кичкина минора томон одимлади. Кейин

томнинг дарчасидан ҳатлаб, қасрнинг баланд гумбазини ўраб олган ички панжара олдида тўхтади. Ташқаридан оқиб кираётган илиқ баҳор шабадаси унинг юзларини сийпалаб ўтди. Дунёнинг энг буюк савдогари шундайгина қаршисида ястаниб ётган Дамашк манзарасига улуғвор табассум билан тикилган онда, хаёл арғумоғи уни олис ўтмиш сари олиб учди.





ХАФИДНИНГ БОЛАЛИГИ

Зайтун тоғи узра киш ўзининг каттол ҳукмини юргизмоқда эди. Қуддусдан бошланиб, Кидрон водийси томон узанган торгина сўқмоқлар бўйлаб, енгилгина тутун кўтарилиб турарди. Шамол олиб келаётган дудмал ладан (баъзи ўсимликлардан олинадиган, диний маросимларда тутатиладиган хушбўй смола) ва қовурилган гўшт хиди тоғда ўсаётган гиёҳлар ва буталарнинг ачимтир хидига қоришиб кетганди. Тоғ ён-бағридаги ялангликда, Бетпаге қишлоғи яқинида тадморлик машхур савдогар Патроснинг ҳашамдор карвони тунни ўтказиш мақсадида қўним топганди. Кеч тушиб қолган, савдогарнинг сеvimли жийрон оти ҳам ёқтирган эрмаги — писта япроқларини чайнашдан тўхтаб, дафна буталарига суяниб қолганди. Қатор саф тортган чодирлар ортида тўрт туп асрий зайтун дарахтлари саф тортган, уларнинг шохларида йўгон каноп арқонлар осилиб турарди. Бу арқонларга одатда карвондаги уловлар боғлаб қўйиларди. Айни чоғда туя ва эшакларнинг шарпаси олисдан қорайиб кўзга ташланар, жониворлар совқотмаслик учун бир-бирининг пинжига кириб олганди. Фақат карвон юклари олдида қўриқчилик қилаётган икки соқчидан бўлак ҳамма уйкуга кетганди. Тик этган товуш эшитилмасди. Фақат Патроснинг эски терисидан ишланган каттакон чодирининг деворларида сирли соянинг ҳаракати кўзга чалинарди. Унинг ичида хожанинг ўзи нимадандир норизо кайфиятда у ёқдан бу ёққа юрарди. Патроснинг юзи буришиб кетган, оғир хўрсиниб нафас олар, бошини жаҳл билан чайқаб қўярди. Ниҳоят у ўзининг барваста

гавдасини тилла иплар билан тўқилган гилам устига ташлаб, йигитчани ёнига чорлади.

– Хафид, мендан бўлак ҳеч киминг йўқ, лекин мен сенинг ғалати илтимосингдан таажжубдаман. Сен кўлимда ишлаётганингдан хурсандмисан?

Йигитчанинг нигоҳлари гиламдаги мураккаб нақшларга муҳрланди.

– Эҳтимол бизнинг карвонимиз жуда кенгайиб кетгани сабабли сен туяларга қарашга қийналиб қолгандирсан?

– Йўқ, холам.

– Унда марҳамат қилиб, менга тушунтириб бер-чи, сенинг бу кутилмаган, антиқа илтимосинг замирида қандай мақсад бор?

– Мен сизнинг молларингизни сотадиган савдогар бўлмоқчи эдим. Оддий туякаш бўлиб юравериш жонимга тегди. Мен сиздан мол олиб ўзларининг дўконида сотадиган Хадад, Симон, Калев ва бошқа савдогарлар сингари ўз тижоратимни йўлга қўйишни истайман. Улар ҳам сизга, ҳам ўзларига катта даромад олиб келишяпти. Мен ҳам савдо билан шуғулланишни, аҳволимни ўнглаб олишни истайман. Туяларнинг ортидан қачонгача чоригимни судраб юраман? Мен сизнинг дўкондорларингиз қаторидан жой олсамгина, катта бойлик ва муваффақиятга эришаман.

– Нега бунча ишонч билан гапиряпсан?

– Сиздан кўп бор эшитганман: ҳар қандай одам савдогарлик туфайли қашшоқликдан бойликка томон интилиши мумкин.

Патрос бир оз ўйланиб турди ва йигитчага синчков назар солди:

– Сен Хадад ва бошқа савдогарлардек бўла олишингга ишонасанми?

Хафид ўз хожасининг қатъиятли нигоҳларидан кўзини узмасдан, жавоб қайтарди.

– Калев ҳам бир пайтлар сизнинг олдингизга ўз моддий аҳволидан шикоят қилиб келганини неча марталаб эшитганман. Ахир сиз унга қайта-қайталаб, ҳар қандай одам истаса савдогар бўла олишини айтмаганмидингиз? Сиз савдо ишининг қонун-қоидаларидан хабардор бўлган ҳар бир одам яхши савдогар бўла олади, деб айтгансиз. Агар сиз ҳамма аҳмоқ деб биладиган Калевнинг шу даражада омадли савдогар бўлишига ишонган экансиз, нахотки мен ҳам тижорат сирларини ўзлаштира олмасам?

– Агар сен ҳам бу билимларни эгаллаб, савдогар бўлсанг, бу ҳаётдаги асосий мақсадинг нима бўлади?

Хафид бир оз чайналиб жавоб берди:

– Бутун жаҳонда сизнинг омадли ва бадавлат савдогар эканингизни билишади. Ҳали бу олам сизникидек улкан савдо салтанатини кўрмаган. Сиз машҳур савдогарсиз, аммо мен ўз олдимга сиздан-да бой ва машҳур бўлишни мақсад қилиб қўйганман. Мен дунёнинг энг буюк, энг бой ва энг машҳур савдогари бўламан!

Патрос ёстикқа ёнбошлаганча, йигитчанинг офтобда қорайган юзларига тикилди. Хафиднинг уринган кийимлари жониворларнинг терига ивиган, аммо унинг юзларидан алланечук исёнкорлик яққол акс этарди.

– Сен бундай катта савдо салтанатига, беҳисоб бойликларга эга бўлсанг, бунча давлатни нима қиласан?

– Бу ҳақда ҳам ўйлаб қўйганман. Энг аввало ўз оиламни ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун қўлимдан келганини қиламан. Қолганини муҳтожлар, бева-бечоралар билан баҳам кўраман.

Патрос ажабланиб, қошларини чимирди.

– Ўғлим, бойлик ҳеч қачон биринчи ўринда турмаслиги ва ҳаётнинг асосий мақсади бўлмаслиги лозим. Сенинг гапларинг жуда чиройли ва ишонарли чиқди. Аммо, булар шунчаки қурук гап холос. Пулнинг бир учи билакда бўлса, иккинчи учи юракда бўлади. Шу боис, уни бошқалар билан баҳам кўриш осон кечмайди.

Хафид гапида туриб олди.

– Менинг хожама бадавлат эмасмилар?

Йигитчанинг гапини эшитган савдогар кулиб юборди.

– Хафид! Мени моддийлик кизиқтира бошлаганидан бери, мен билан Ирод қасри деворлари остида тиланиб ўгирадиган гадоёллар орасида битта йирик тафовут бўй кўрсатди. Гадоё фақат бугунги кунини амаллаб ўтказиш ҳақида ўйлайди. Мен эса эртанги кун нима ейишим мумкинлиги ҳақида ўй сурардим. Ўғлим, бойликка хирс кўйма, фақат фойданинг орқасидангина кувма. Сен фақат севиш ва сеvimли бўлишни ўз олдингга мақсад қилиб кўй. Асосийси, қалб хотиржамлиги ва гўзалликка интилиб яша.

Хафид яна ўжарликда давом этди:

– Бирок, сиз айтган нарсаларнинг барчасига олтин керак бўлади-ку? Ахир қашшокликда яшаб, инсон хотиржам бўлиши мумкинми? Нахотки инсон йиртик яктак ичида, бўш ҳамён билан ўзини бахтиёр сеза олса? Ёйишга ноним, кийишга кийимим, бошимда бошпанам бўлмаса, менинг оиламга бўлган муҳаббатим бир чақалик қимматга эга эмас-ку? Ахир сиз атрофингдагиларга хурсандчилик улаша олган бойликкина ҳақиқий хазинадир, демаганмидингиз? Унда нима учун менинг бойликка интилишим ёмон иллат бўлади? Фақирлик фақатгина Парвардигорнинг ризоси учун саҳроларни яланг оёк кезиб юрган авлиёгагина зийнат бахш этар. Чунки унинг ўзидан бошқа бойлиги йўқ. Менимча, фақирлик ё бирор нуқсон, ё қобилият, ё такаббурликдан дарак беради.

Патрос хийла қовоқ уйиб, бир оз жим қолди ва деди:

– Сенинг томдан тараша тушгандек бу иддаоларингнинг боиси не? Сен оиланинг фаровонлиги ҳақида гапиряпсан. Ахир сенда оиланинг ўзи бўлмаса. Отананг ўлатдан вафот этишгач, сени асраб олганимни яхши биласан.

Хафиднинг куёшда қорайган териси унинг хижолатдан юзига тепган қоннинг алвон рангини яширолмади.

– Бу сафарга чикмасимиздан олдинроқ... биз ҳали Ал-Халилда турганимизда, мен Калнехнинг қизини учратиб қолдим. У... у...

– Э, мана гап қаерда экан! Энди тушундим ҳаммасини. Қандайдир баландпарвоз ғоялар эмас, айнан муҳаббат менинг соддагина туякаш боламини бутун жаҳонга довруғ солишга тайёр жасур жангчига айлантирибди. Калнех афсонавий бойликлар эгаси. У қизини чўпонга бермайди. Фақат ёш, бой ва чиройли савдогарни куёв қилиши мумкин. Ана шунақа. Баракалла, азамат! Мен сенга савдода муваффақият қозониш йўлларини ўрганишингда ёрдам бераман.

Хафид миннатдорчилик юзасидан тиз чўкиб, Патроснинг этагини ўпди.

– О, марҳаматли хоҷам! Сизни Худо ёрлақасин! – дея хитоб қилди у. – Сизнинг бу олийжаноблигингизга қандай жавоб қайтарсам экан?

Савдогар этагини йигитчанинг чангалидан оҳиста бўшатди.

– Миннатдорчилик билдиришга шошилмасанг ҳам бўларди. Сенга кўрсатган энг катта ёрдамим ҳам ўзинг енгиб ўтишинг керак бўлган тўсиқлар, ўзинг мустақил равишда қилишинг керак бўлган ишлар олдида денгиздан томчи ҳам бўлмайди.

Хафиднинг кўзларида чакнаган қувонч ёлқини сўнди.

– Сиз мени дунёдаги энг буюк савдогар бўлиш сирлари, қонун-қоидалари билан таништирмайсизми?

– Сенга ҳеч қачон ҳеч нарсани ўргатмайман, – деди Патрос. – Шусиз ҳам менинг қанотим остида болалик йилларинг анча сокин ва енгил ўтди. Сени анчагина эркалатиб ҳам кўйдим. Орқаваротдан келаётган гап-сўзларга кўра, сенинг туякашликдан юкорироққа кўтарилишингга тўскинлик қилармишман. Менимча,

агар одамнинг юрагида кичик бир учкун бўлса бас, у қачондир алангага айланади. Агар ўша учкун бўлса, ўша бола эртами-кечми, ҳақиқий эркак бўла олади. Унутма, олдинда катта машаққатлар турибди. Демак, энди сен ўспирин эмас, катта эркак сифатида ишлашинг керак. Сен ана шундай қийинчиликларга тайёрмисан? Сенинг бугунги илтимосинг мени анча қувонтирди. Бугун кўзларингда ғурур учкунларини кўрдим. Ажойиб, мен сенинг фикрларингга қўшиламан. Бироқ бу гапларинг ҳавога учмаслиги, алалоқибат ўз исботини топиши керак.

Ҳафид жим қолди, Патрос эса давом этди:

– Сен аввало, тижоратнинг барча қийинчиликларига бардошинг етишини менга, янада аниқроғи, ўзингга ўзинг исботлашинг керак. Бу иш эса, камдан-кам одамларнинг қўлидан келади. Такрор бўлса ҳам айтаман, буюк мукофотлар учун бир эмас, бир нечта мураккаб ишларни бажариш керак. Баъзилар бошларига тушган арзимас ташвишларни енгиб ўтиб, ўзларини бойликка эришиш учун етарлича тажрибага эга бўлдим, деб ҳисоблашади. Бошка бировлар эса, ўз йўлларида учраган ҳар бир муаммони малъун, ашаддий душман ўрнида қабул қилишади. Аслида эса, бу машаққатлар уларнинг содик дўстлари ва ёрдамчилари эди. Тўсиқлар — муваффақиятга эришишда, жумладан савдо ишида ҳам жуда зарур. Асосий нарсани унутмаслик керак — ғалаба жуда кўп ва катта талафотлар ортидан етиб келади. Бинобарин, ҳар бир тўқнашув, ҳар бир инкироз савдогарнинг кучи ва маҳоратини чархлайди, уни чиниктиради, совуққон ва жасур қилиб тарбиялайди. Тажриба шу тахлит орта боради. Демак, ҳар бир машаққат — сенинг чапани дўстинг. У сени ё ҳаммадан юксакликка кўтаради, ё четга чиқариб қўяди. Ҳар бир тўсиқ — бу комилликка олиб чиқувчи нарвоннинг бир поғонаси, қисматнинг бир чақириғи ва агар сен жавоб қайтариш учун ўзингга куч топа олмасанг, қийинчиликлардан қочсанг, улардан юз

ўгирсанг, билиб қўй, сен ўз келажагингни барбод қилган бўласан!

Йигитча бош ирғаб, жавоб бериш учун оғиз жуфтлаганида, кекса савдогар қўлини кўтариб, уни тўхтатди.

– Ҳали энг асосийсини айтмадим. Сен ўзингни бахш этмоқчи бўлган касб мунтазам ёлғизлик билан боғлиқ. Ҳатто оддий солиқ йиғувчи ҳам кун ботиши билан уйига қайтади. Гарчи казармани уй деб аташ қийин бўлса-да, Рим аскарининг ҳам ўз уйи бор. Бироқ сен ойлаб кун ботиши-ю, тонг отишини дўстларингдан, яқинларингдан узоқда қарши оласан. Айниқса, бирор кулба олдидан ўтаётиб, бахтиёр оиланинг кечки овқат устида жамулжам ўтирганини кўрсанг, юрагингни соғинч тимдалай бошлайди. Бу оламда ёлғизликдан ҳам ёмонроқ нарса йўқ, – дея оғир хўрсинди Патрос. – Сени олдинда ана шундай синовлар кутиб турибди. Сенинг муваффақиятинг ушбу синовларни қанчалик тез ва осон енга олишингга боғлиқ. Йўлларда ҳамиша сенга кўркув ҳамроҳ бўлади. Қалин ўрмонзорларда, хувиллаган биёбонларда ҳам ёлғиз бўласан. Кўп ҳолларда савдогарлар соғинч ва ташвиш ичида ўз мақсадларини унутиб қўядилар ва ёш боладек ғамхўрлик, меҳр истаб қолишади. Бу туйғулар унинг бутун ўй-хаёлларини эгаллаб, бошқа мақсадларни сиқиб чиқаргудек бўлса, савдогар ўз кучи, мавқеини йўқотади. Минглаб иқтидорли савдогарлар ана шу туйғулардан енгилиб, ўз иқтидорини қурбон қилишган. Бундан ташқари, гавжум шаҳарларда ҳам сен ёлғиз бўласан, ҳеч ким сенинг қалбингни қувонтирмайди, ҳеч ким сенга тасалли бермайди. Айрилиқ азобида ўртанаётганингда ҳеч ким дардингга малҳам бўлолмайди. Фақат гоҳида сени ҳамёнингдан жудо қилишга чоғланганлар учраб туради.

– Мен жуда эҳтиёткор бўламан ва насиҳатларингизни асло унутмайман.

– Начора, унда сенга бу ҳақда бошқа умуман оғиз очмайман. Демак, сен ўзингни савдода синаб кўрмоқчисан. Унда билгинки, сен ҳозир ғўр мевасан, ҳатто мева деб аташ ҳам қулгили. Фақат пишиб етилганда мевага иланасан, ҳар бир савдогарга керак бўладиган даражада билим ва тажриба тўплайсан.

– Қачон иш бошлашим мумкин?

– Эрталаб, ушбу суҳбатимиз ҳақида Сильвиога айтсанг, у сенга энг яхши ишлардан тўқилган, калин ёпинчиклардан бирини беради. Унинг матоси эчки жунидан тўқилган бўлиб, ҳар қандай ёғингарчиликка дош беради. Унинг қизил рангли бўёғи рўян илдизидан олинган. Ёпинчикнинг бир четидаги митти юлдузча тасвири унинг ушбу маҳсулотни тайёрлашда бутун дунёда биринчи ўринда турадиган Толи хунармандлари қўлидан чиққанини билдиради. Юлдузча ёнидаги тўртбурчак тасвири эса менинг муҳрим ҳисобланади. Ҳар икки белги ушбу маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлайди. Бир пайтлар мен бу ерга ана шундай ёпинчиклардан мингтасини олиб келиб сотганман. Мен яҳудийлар ичида жуда кўп савдо қилганман, улар бундай ёпинчикни або деб аташади. – Патрос бир оз тин олди. – Битта хачирга ўтириб, ана шу ёпинчиклардан бирини ол-да, Байт-Лахм (Вифлеем) шаҳрига жўна. Бу шаҳарни бизнинг карвон четлаб ўтганди. У ерда яқин орада менинг савдогарларимдан ҳеч бири бўлмаган. Бу шаҳарда савдо қилиш вақтни бефойда ўтказиш билан баробар дейишади, лекин мен уларга негадир ишонмадим. Бу ерда маҳаллий чўпонлар билан савдо қилганман, улар бундай ёпинчикларни жон деб олишади. Хуллас, Байт-Лахмга югур ва ёпинчикни сотмасдан қайтиб келма.

Хафид қувончини сездирмасликка тиришиб, бош ирғади. У ўзининг илк тижорат сафарига чиқиш учун ошиқарди.

– Мен бу ёпинчикни қанчага сотаман, хожам?

– Мен ўз ҳисоб-китоб дафтаримга сенинг номингни ёзиб, унинг тўғрисида қарзингни — бир дирхам деб ёзиб қўяман. Ана шундан ортиққа сотолсанг, фойдаси ўзингда қолади. Бошқача айтганда, сен бу маҳсулотга истаганингча нарх қўйгин ва истаган ерингда сотишинг мумкин. Бозор шаҳарнинг жанубий дарвозаси олдида жойлашган. Шунингдек, ёпинчикни кўчаларда юриб ҳам сотсанг бўлади. Истасанг, уйма-уй юриб сот. Йўлингда минглаб уйлар учрайди. Лекин ҳар қалай сен бу матони гавжум жойларда олиб юрсанг сотишинг осонроқ бўлади. Тушундингми?

Хафид тасдиқ маъносида бош ирғади. Хожасининг гаплари унинг қулоғига деярли кирмас, у ўзини аллақачон Байт-Лахм бозорида юргандек ҳис этарди.

Патрос қўлини йигитчанинг елкасига қўйиб уқтирди.

– Сен қайтиб келгунигча ҳеч кимни ўрнингга ишга олмай тураман. Агар сендан савдогар чиқмаслигига ишонч ҳосил қилсанг, иккиланмай ёнимга қайтавер. Асло ташвиш тортма. Мен сени тўғри тушунаман. Қайсидир касбга лойиқ бўлолмаслик бу фожиа эмас. Сен нимагадир уриниб кўрсанг ва бундан ҳеч нарса чиқара олмасанг, асло уялиб ўтирма. Сенинг бу ҳаракатинг ҳеч нарса қилмасдан вақтини бекорга ўтказган одамга нисбатан минг чандон яхшидир. Сен қайтиб келганингдан кейин ҳаётингни қай тариқа давом эттириш ҳақида биргаллашиб ўйлаб кўрармиз.

Хафид таъзим қилиб, кетишга чоғланганида, хожаси яна уни тўхтатди:

– Ўғлим, – дея давом этди у. – Сен янги ҳаёт бошлаяпсан. Яна бир насиҳатимни тингла ва уни ҳеч қачон унутма. У сенга йўлда учраган энг кийин муаммоларни ҳам осонгина енгиб ўтишингда ёрдам беради.

– Яна қандай маслаҳат бермоқчисиз менга, хожам? – сўради Хафид.

– Агар сен омадингни излаб йўлга чиккан бўлсанг ва унга эришишингга ишончинг комил бўлса, тўсиклар олдида туриб қолма ва уни ошиб ё айланиб ўтишга ҳаракат қил, – деди Патрос ва йигитчага яқинлашди. – Сен менинг гапларимни яхшилаб тушуниб олдингми?

– Ҳа, хожам.

– Ҳамма гапларимни эсингда сақлайсанми?

– Ҳа, – деди Хафид. – Менинг қарорим қатъий ва ҳеч бир ғов менинг йўлимни тўса олмайди.





БАЙТ-ЛАХМГА ҚИЛИНГАН САФАР

Хафид бир бурда нонни чайнарган, ўзининг аччик қисмати ҳақида ўйларди. Патрос унга ёпинчикни сотиш учун тўрт кун муҳлат берди. Эртага бу муддат тугайди. Хафид уч кунни Байт-Лахмда ўтказди. Бироқ ўз хожасидан қатта ваъдалар ва ўзига ишонч билан олгани — биргина ёпинчикни сота олмади. У айни чоғда шаҳар девори яқинидаги бир ғорда, бўҳчасини ёнига қўйганча, хаёл суриб ётарди. У ёпинчиғини бир бўҳчага туғиб, карвонсарой яқинидаги ғорда, хачирининг ёнига ташлаб келганди. Хафид стол атрофида ўтирган одамларнинг гап-сўзларини эшитмас, ўз хаёллари билан банд эди. Олдида турган овқатга ҳам қўл урмаганди. Йигитчани дунё яралганидан бери барча савдогарларга таниш бўлган шубҳа-гумонлар қийнади: “Нега мени эшитишмаяпти? Мен одамларнинг эътиборини қандай тортсам бўларкин? Нега кўпчилик ҳали мен гапимни айтмасимдан эшикни ёпиб олишяпти? Нега мен йўловчиларни тўхтатиб, ўз молимни уларга таърифлай бошлаганимда, мendan юз ўгиришяпти? Менинг молим билан ҳеч ким қизиқиб кўрмади. Ёки бу ернинг одамлари ўзлари учун энг керакли нарсани сотиб ололмайдиган даражада камбағалми? Ҳа, аслида кўпчилиكنинг бу нарсани сотиб олишга қурби етмайди. Лекин бошқалар бу ерда қандай қилиб савдо билан шуғулланишаркин? Нега мен бирор дарвоза олдида тўхтасам, юрагимни алланечук ваҳима босади? Уни қандай енгсам экан? Балки мен бу ёпинчикқа жуда қиммат нарх қўйгандирман? Балки бошқа савдогарлар бу молни арзонроқ нархда пуллаётгандир? Хафидни ўз-ўзидан қоникмаслик, ҳатто нафрат хисси тобора чуқурроқ

камраб ола бошлади. У ҳамма учун зарур маҳсулотни сота олмагани учун ўз-ўзидан жаҳли чиқарди.

Хафид энди ўзи танламоқчи бўлган касбга номуносиб эканини англай бошлаганди. У бир неча бор, ҳаммасини йиғиштириб, тинчгина туякашлигини қилиб юриш ҳақида ўйлаб кўрди. Ўша ишнинг орқасидан беш-тўрт чақа бўлсаям топиб юрганди. Ҳозир эса Патрос майда-чуйда харажатлар учун берган пулларни ҳам харжлаб бўлди. Хафид энди ёпинчикдан сотиб фойда килиш ҳақида ўйламай ҳам кўйганди. Ўз нархига сотса ҳам майли эди. Ҳар қалай хожаси уни савдогар сифатида тан олармиди?

Нима бўлганда ҳам у карвонга ёпинчиксиз қайтиши шарт. Ўшанда Патрос уни нима деб атаганди? Ёш жангчи деганмиди? Хафид кинояли илжайди: “Мен жангчи эмишманми?”

Шу чок беихтиёр у ўз туялари олдига қайтгиси келди. Кейин эса, дафъатан хаёллари Лиша томон кетди. У билан бирга кизнинг бадқовоқ отаси ҳам кўз ўнгида гавдаланди. Калнех! Шунда унинг ҳамма гумонлари эриб битгандек бўлди. Унинг ёнидаги чақалар жуда оз қолган, уларни тежаб қолиш учун бугун ғорда қолишга қарор қилди. Лекин унинг эртага қандай бўлмасин ёпинчикни сотиш ҳақидаги қарори янада қатъийлашган эди. Тезда бу қарори мутлақ ишонч тусини олди. У эртага молини шундай мақтайдики, уни албатта яхшигина пулга сотиб олишади. Хафид савдони эрта саҳарлаб бошлайди. Шаҳар дарвозаси олдида туриб олади, чунки шаҳардаги энг гавжум жой ўша ер. Бу ердан жуда кўп одам кириб чиқади, демак жуда борса пешингача сота олади. Кечга яқин эса кумуш танга билан карвон тўхтаган Зайтун тоғига йўл олади.

Бу фикридан Хафиднинг кўнгли худди молини аллақачон пуллаб бўлгандек кўтарилиб кетди. Бу хурсандчилик унинг иштаҳасини ҳам очиб юбордими,

апил-тапил овқатланиб олди. Устози ҳам шогирднинг илк муваффақиятидан роса қувонса керак. Балки Хафид билан фахрланар? Йўқ, Хафид устозининг юзини ерга қаратмайди, у албатта омадли савдогар бўлишнинг уддасидан чиқади.

Албатта, биттагина маҳсулотни сотиш учун тўрт кун жуда кўплик қилишини Хафид тушунарди. Аммо, бу ҳали бошланиши-ку? Патрос унга бунақа маҳсулотларни янада тезроқ, уч, икки кунда сотиш йўлларини ҳам ўргатади. Ҳали шу даражада тажрибаси ошиб кетадики, бир соатда бунақа матоларнинг бир қанчасини сота олади. Шу тарика қачондир унга ҳам ҳақиқий шон-шуҳрат кулиб боқади.

Хафид сершовкин карвонсаройни тарк этиб, ғорга йўл олди. Йигитча кетиб бораркан, унинг сандаллари остидан қиров босган ўтларнинг нолон ғижирлаши эшитиларди. Хафид бугун хачирининг ёнида, ғорда тунашни кўзлаганди. Эртага Хафид учун энг бахтли кун бўлиш аниқ. Гарчи у эндиликда бу овлоқ шаҳарни савдогарлар нима сабабдан четлаб ўтишини тушунган бўлса-да, унинг албатта омади чопади. Гарчи кўпгина савдогарлардан, байт-лахмлик харидорлардан кинояли гап-сўзлар эшитган бўлса-да, Хафид бу гапларни кулибгина эсга олади. Агар Патрос бир неча йил аввал бу ерда юзлаб ёпинчикларни сота олган экан, нега энди Хафид лоақал биттагинасини сота олмаса?

Яна ким билсин... балки ўтган йиллар мобайнида бу ерда ҳам кўп нарса ўзгаргандир? Қолаверса, Патрос ёшлигида ҳам ақлли ва омадли савдогар бўлгандир?

Йигитча илкис қадамларини тезлатди. Борди-ю, ғорга майда ўғрилардан бирортаси кириб қолган бўлса-чи? Хафид ўзини кутилмаган олишувга руҳан тайёрлаб, ўзига таниш тирқиш томон ошиқди. Хафид бу ерда қимматбаҳо ёпинчикни олиб кетишни кўзлаётган муттаҳам ўғрини

кўраман, деб ўйлаган эди, аммо тамомила бошқа ман-
заранинг устидан чиқди.

Хафид ғорга кираркан, вужудидаги нохуш ҳислар
ўрнини алланечук ёруғлик, енгиллик эгаллаётгандек бўл-
ди. Хира ёруғлик остида у ҳайратдан донг қотиб қолди.
Ғор деворидаги кичик бир тоқчага шам қўйилганди.
Унинг заиф ёғдусида соқолли эркак ва бир ёш аёлнинг
ғира-шира қиёфаси кўзга ташланарди. Улар совуқдан
қалтираб, бир-бирининг пинжигга тикилиб ўтиришарди.
Уларнинг оёқлари остида, чорвадорлар чорва озукасини
тайёрлайдиган япаски тош устида чақалоқ ётарди. Хафид
табиий тарзда чақалоқнинг эндигина туғилганини анг-
лади: гўдакнинг кип-қизил жиш териси бужмайиб
кўринарди.

Болани совуқдан ҳимоялаш учун эркак ва аёл ўз
кийимлари билан гўдакнинг устини ўраб қўйишган,
аммо бу увада кийимлар чақалоқнинг бошини ўрашга
етмай қолганди. Хафидни кўриши билан ҳалиги
эркак айбдорона жилмайди. Аёл йигитчага хийла
шубҳали тикилди, кейин худди кутилмаган кўноқдан
жигарпорасини ҳимоя қилмоқчи бўлгандек унга қўл
узатди. Ҳамма жим, ҳеч кимнинг товуши чиқмасди.
Аёлнинг қанчалик совқотаётгани унинг кўкариб кетган
юз-кўзларидан ҳам аён эди. Чақалоқ ҳам увада кийимлар
ичида совқотаётгани аниқ эди. Ғор эса зах тортиб ётибди.
Хафид тош устида ётган чақалоққа, унинг уйқусида
жилмаяётган оғизчасига термилди. Балки Хафидга
шундай туюлгандир? Унинг вужудини ғалати ҳиссиёт
камради. Дафъатан Лишани ёдга олди. Ғор оғзидан
окиб кираётган изғирин аёлнинг ихчам вужудини янада
жунжиктириб қўйганди.

Бундан Хафиднинг юраги яна эзилди.

Бир неча дақиқалик сукунатдан сўнг, бўлажак сав-
догар ҳачири тарафга юрди. У хуржун ичидаги тугунни
чиқарди. Эркак ва аёл Хафиднинг ҳаракатларини

хам қизиқиш, ҳам хавотир билан кузатиб туришарди. Йигитча тугунчани очиб, ичидан ёпинчикни чиқарди. Шамнинг хирагина ёғдусида ҳам мато четидаги тамгалар яккол кўриниб турарди. Байт-Лахмда ўтган уч кун ичида Хафид бу матонинг ҳар бир чоки ва накшини ўрганиб олганди. Чунки у ушбу матони кўлида неча соатлаб бесамар кўтариб юрганди. Ёпинчиқ ростдан ҳам ўта пишиқ тўкилган бўлиб, у ўн йиллаб ўз сохибига хизмат қилиши мумкин эди. Хафид кўзини юмиб, хўрсинди. Кейин яна эркак ва аёлга кўз ташлаб, ухлаб ётган чақалок томон юрди.

Хафид боланинг устига ташлаб қўйилган эркак ва аёлнинг кийимларини ўзларига қайтарди. Аёл ҳам, эркак ҳам унга ҳамон таажжуб билан тикилиб туришарди. Йигитча ёпинчикни очиб, унга чақалокни эҳтиёткорлик билан йўргаклади. Йигитча кеч тушганига қарамай, ғорнинг оғзи худди кундузгидек ёришиб кетганидан ажабланди. Хафид осмонга қараб, фавкулудда ёрқин нур таратаётган юлдузни кўрди ва кўзлари қамашиб кетди. Бирок, кўзлари ёшлангунча ундан кўз узмади. Сўнг бошини қуйи солганча, карвон қўним топган водий томон йўл олди.





ЭҲСОН ҚИЛИНИАН ЁПИНЧИҚ

Хафид тепасида чарақлаб йўлини ёритиб турган юлдузга эътибор бермасликка тиришиб, ўз карвонига ошиқарди. У паришонхотирлик билан оҳиста одимларди. Уни бундай аҳмоқона йўл тутишга нима ундади? Ахир у ғорда учратган одамларини танимасди-ку? Нега қимматбаҳо ёпинчиқни сотиш ўрнига уни садақа қилиб юборди? Патросга ва қолганларга нима дейди энди? Унинг гапини эшитганлар ётиб олиб кулмайдами?

О, сенга ишониб топширилган қиммат молни дуч келган одамларга эҳсон қилиш — бу янги савдогар учун қойилмақом ибтидо. Ғорда кимнингдир боласига ичи ачишганмиш! Хафид шу каби истехзоли гапларни эшитиши аниқ. Шу боис уларга бошқа, ишонарлироқ баҳона тўқиб бориши керак. Шундай гапирсинки, Патрос унга чиппа-чин ишонсин. Очиғи у Патросга ҳақиқатни айтиб, хожасидан маломатга қолишни истамасди. Балки йўлда қароқчиларга дуч келдим деса тўғрироқ бўлар? “Мен йўғимда хачирнинг хуржундаги матони ўғрилар шилиб кетибди”, деса-чи? Патрос бу чўпчакларга ишонармикин? Балки ишонар? Ахир ҳозир ҳамма бурчақда ўғри-ю, қароқчилар изғиб юрган бўлса? Ҳар қалай эҳтиётсизлик сабабли айбланиш савдодаги нўноқлик боис маломатга қолишдан афзалроқ. Мана ниҳоят, Хафид ўзига таниш сўқмоққа ҳам етиб келди. Буёғига оз қолди. Мана, Гефсиман боғи ҳам кўриниб турибди. Ундан нарёғида эса, карвон жойлашган. Хафид нохуш учрашувни тезлаштириш учун хачирини қичади. Шундагина Хафид атрофи кундузгидек чароғон эканини пайқади. Дафъатан унинг қалбига қувонч тўлқини

ёпирилиб кирди. Бироқ карвонга яқинлашиб, Патросни кўриши билан бу қувонч ўрнини яна ташвиш эгаллади.

Патрос ўз чодирининг ёнида осмонга тикилиб турарди. Хафид четроқдан туриб хожасини кузатаркан, унинг назарига тушмасликни ич-ичидан тиларди. Аммо йигитчанинг бу тилаги амалга ошмади. Патрос унга қараб кела бошлади. Йигитча ўз хожасининг овозидан хайрихохлик ифодасини укди:

– Сен Байт-Лахмдан келяпсанми?

– Ҳа, хожам!

– Сени таъқиб қилиб келаётган анави юлдуз сенга ғалати туюлмадими?

– Юлдуз? – елка қисиб сўради Хафид. – Мен... эътибор бермабман.

– Эътибор бермадинг?! – ажабланди Патрос. – Бу юлдуз икки соат илгари Байт-Лахм устида пайдо бўлди, ўшандан бери ундан кўз узмай ўтирибман. Шу пайтга қадар ҳали бундай ёрқин ва чиройли юлдузни кўрмагандим. Ўша ондан бери бу юлдуз Байт-Лахмдан бизнинг карвонга қараб ҳаракатланиб келаётир. Қара, у бизнинг устимизда нур сочаётир. Сен тўхтаганинг учун у ҳам тўхтаб қолди, – Патрос йигитчанинг юзига тикилди. – Айт, ўғлим, Байт-Лахмда нима қилдинг? Бирор ғайриоддий воқеага дуч келдингми?

– Йўғ-э, хожам?

Кекса савдогар кўкка ўйчан тикилиб турарди:

– Ҳали умримда бундай антика туннинг шоҳиди бўлмагандим. Бугун ҳаммаси менга сирли туюляпти: манави юлдуз, юрагимдаги жўшқин ҳислар...

Хафид кўзларини айбдорона пирпиратди.

– Мен ҳам бу тунни ҳеч қачон унутмасам керак.

– О, кўриб турибман, ниманидир яширяпсан. Нега бунча кеч қайтдинг?

Хафид ҳамон жим эди. Кекса савдогар хачирнинг хуржунини пайпаслади:

– Бўм-бўш! Лоақал битта савдогаримнинг иши юришибди-ку? Юр, менинг чодиримга! Бунга қандай эришганингни айтиб берасан. Агар Парвардигорнинг ўзи тунни кунга айлантиришни истаган бўлса, мен ҳам ухламай қўя қоламан. Балки, сени изингдан келаётган анави юлдузнинг сирини менга айтарсан?

Хафидни кўкдаги юлдуздан кўра ичидаги ташвишлари кўпроқ ўйлантирарди. Ана шу ташвиш билан чодир томон юрди. Патрос юмшоқ болишига суянганча, шогирдининг ҳикоясини тинглаш учун кўзларини юмди. Хафид ҳаяжон билан Байт-Лахмда кўрганларини ҳикоя қилишга тушди. У билан гаплашишни истамаганлар, шаънига ёғдирилган таҳқирлар ҳақида гапирди. Шунингдек, у йиғлагудек бўлиб, бир кулол уни ўз ҳовлисида кувиб солгани, римлик бир аскар ёпинчиқ нархини туширмагани учун шу матоҳни юзига итқитганини сўзлади. Патрос унинг ҳикоясини тингларкан, гоҳида ҳамдардлик билан бош ирғаб қўярди. Мана, ниҳоят у карвонсаройда ўз иктидоридан шубҳага тушган онларига етиб келди.

Патрос илкис йигитчанинг гапини бўлди:

– Хафид, илтимос, ўша онда мияннга нима келган бўлса, ҳаммасини гапириб бер.

Хафид хожасининг айтганини қилиб, ўша дамдаги кечинмаларини бир бошдан гапириб берди.

– Қайси фикр сенинг ўзингга нисбатан шубҳаларингни тарқатиб юборди? – сўради Патрос.

Хафид бир зум ўйланиб, қатъий жавоб кайтарди.

– Ўша дамда Калнехнинг қизи эсимга тушди. Бадбўй карвонсаройда ўтирарканман, бу аҳволда мен Лишанинг висолига ҳеч қачон етолмаслигимни англадим, – деди Хафид овозидаги титроқни аранг босиб. – Энди эса, сизнинг ишончингизни оқлай олмаганимдан сўнг, у кизни мутлақо унутиб юборсам ҳам бўлади.

– Нега? – деб сўради Патрос. – Ёпинчиқ йўк, сен уни сотгансан!

Хафид шу қадар паст овозда гапирардики, Патрос унинг овозини яхшилаб эшитиш учун эгилиб кулок тутишга мажбур эди. Хафид унга ғорда юз берган ҳодисаларни бир бошдан айтишга тушди. У гапидан тўхтамас, ёркин юлдуз эса, чодир дарчасидан мўралаб, ичкарини ажиб нури билан ёритарди. Борган сари чолнинг серажин юзида ёқимли табассум ёйилиб борарди. Йигитча ҳикоясини тугатиб, оғир хўрсинганидан сўнг, чодир ичига улуғвор сукунат чўкди. Хафид бошини куйи солиб ўтирар, ҳоҳасининг кўзларига қарашга-да, журъат этолмасди. Уни тушқунлик тамомила чулғаб олганди. Ахир у топширилган вазифани уддалай олмади, шарманда бўлди, энди эса ўзининг ҳақир қисматига бўйин эгишдан бошқа чораси йўқ. У уятдан ўзини кўярга жой тополмай, югуриб чодирдан чиқиб кетмоқчи бўлганида, хожа унинг елкасидан тутиб қолди.

– Менга қара, – Хафид аранг бошини кўтарди. – Ўғлим, илк тижорий сафаринг сенга бирор фойда олиб келмади.

– Ҳа, хоҷам, – деди Хафид бўғиқ овозда.

– У менга фойда келтирди. Сенга эргашиб юрган бу юлдуз мени узоқ йиллик шубҳаларимдан ҳам, кўзимни коплаган пардадан ҳам халос этди. Нега? Нима бўлди? Бунинг сабабини мен сенга Тадморга борганимиздан сўнг айтаман. Энди эса, сендан бир илтимосим бор. Эшит.

– Илтимос? – ажабланди Хафид. – Сиз менга буюр-сангиз бас, хоҷам.

– Тонгга қадар менинг савдогарларим қайта бошлайди, уларнинг уловларига қарашга тўғри келади. Сен аввалги ишингни давом эттирасанми?

Хафид сапчиб турди ва валинеъматига куллуқ қилди.

– Амрингизга мунтазирман, хоҷам, – деди у итоат-корлик билан. – Мени афв этинг, сизнинг ишончингизни оқлай олмадим.

– Унда бориб, хозирлигингни кўравер, тонгга яқин савдогарлар қайтишади. Биз эса, сен билан Тадморда гаплашамиз.

Хафид чодирдан чиққанида тепасидаги юлдуз яна унинг кўзларини қамаштирди. Йигитча кўзларини кафти билан бекитди. Шу онда уни яна ортидан Патрос чақирди. Хафид қайтиб яна хожасининг амрига шай турди. Патрос туриб Хафидга яқинлашди ва унинг елкасини қокди.

– Хавотир олма, ўғлим. Тунинг осуда ўтсин. Сен ҳеч нарса ютқазмадинг, балки ютдинг.

Хафид ҳеч нарсани тушунмай, чодирни тарк этди. Ёрқин юлдуз ҳамон борлиқни нафис ёғдулари билан ёритиб турарди.





СИРЛИ НОМАЛАР

Карвон Тадморга етиб келганидан сўнг, орадан икки hafta ўтди. Ишлар билан бўлиб, Хафид хожасининг гапини ҳам эсидан чиқараёзди. Бироқ, кунларнинг бирида хожасининг югурдаги келиб, уни уйғотди ва Патрос йўклаётганини айтди. Хафид унинг учун тўшак вазифасини ўтаб келаётган сомон уюми устидан туриб, кийим-бошини қокди-да, хизматкорнинг ортидан эргашди. Уни Патроснинг ётоғига олиб киришди. Хафид серҳашам хонага кираркан, хожаси ётган каравотдан анча берида тўхтаб, таъзим қилди.

Патрос кўзларини очди-да, қоқсуяк қўлларига таяниб, гавдасини кўтарди. Хожанинг юзлари қордек оқариб кетган, қоқсуяк қўлларидаги томирлари бўртиб турарди. Хафид ўзининг аввалги хожасини аранг таниди. Охириги учрашувларидан бери орадан бор-йўғи 12 кун ўтган, бедаво дард аллақачон ўз ишини қилганди.

Патрос қўлини аранг кўтариб, Хафидга ўтириш учун жой кўрсатди. Йигитча жойлашиб олгач, Патрос гап бошлади:

– Ўғлим, орадан бир неча кун ўтди. Бу вақт ичида сен келгусидаги режаларингни қайта кўриб чиқдингми? Сен ҳозир ҳам ўзингга ишонасанми? Савдогар бўлиш фикридан воз кечмадингми?

– Йўқ, – тан олди Хафид.

Патрос бош ирғади.

– Унда гап бундай, – деди у. – Мен сенга кўпроқ вақт ажратмоқчи эдим. Аммо, кўриб турибсанки, режалар ўзгариб кетди. Гарчи сен мени яхши савдогар ҳисобласанг-да, битим тузишга лойиқ деб билсанг-да,

мен ўлим билан келишолмаяпман. У худди ёввойи мушук сингари эшигимни тимдалаяпти. Ўзинг биласанки, ажалдан омонлик йўк.

Илкис бошланган йўтал Патроснинг гапини бўлиб кўйди. Хафид унинг даҳшат ичида ютоқиб нафас олишини кузатиб турарди. Йўтал тўхтагач, Патрос заифгина кулимсиради.

– Менинг вақт-соатим ҳисобли, кел тезроқ ишга ўтайлик. Аввал, каравотимнинг тагида турган заранг сандиқчани бу ёққа ол.

Хафид эгилиб, пастда турган, тасмалар билан боғланган сандиқчани олди. Кейин уни кўрпа устига, хожасининг оёқ томонига кўйиб, ўз ўрнига қайтди.

Кекса савдогар йўталиб, гапида давом этди:

– Мен кўп йиллар аввал туякашликдан ҳам куйироқ ишларни бажариб юрган бола эдим. Менинг чекимга Шарқдан келаётган бир йўловчини кароқчилар ҳужумидан халос этиш тушганди. Ёшлигимда жуда бакувват йигит эдим. Қароқчилар билан курашиш мен учун у қадар катта машаққат туғдирмади. Мен ўшанда шунчаки бурчимни бажардим, деб ўйлагандим. Шу пайт ҳалиги йўловчи мени тўхтатди ва бу яхшилиқнинг мукофотини олишимни сўради. У пайтда на оилам, на мол-давлатим бор эди. Йўловчи мени ўз уйига олиб кетди. Мени янги танишимнинг яқинлари, оила аъзолари эски кадрдонлар сингари кутиб олишди. Кунларнинг бирида мен янгича ҳаёт тарзига буткул кўникиб бўлганимда, у менга мана шу сандиқчани кўрсатди. Унинг ичида ўнта терида битилган номалар жойланган эди. Биринчи номада сирларни англаш йўриқномаси акс этган, қолганлари савдода катта муваффақият қозонишнинг сирлари ва қоидаларидан иборат эди. Кейин йил давомида мен ус-тозимнинг кўмагида ушбу қадимий номалардаги хикматларни бутун борлиғимга сингдириб олдим. Биринчи номадаги йўриқнома сирларини ўрганиб бўлгач,

бошқаларга ҳам ўта бошладим, бора-бора бу тамойиллар наинки менинг кун тартибимга, балки ҳаётимнинг бир қисмига айланди. Бир оз вақт ўтиб, мезбон менга ушбу ўнта нома солинган сандиқчани ва эллик тилла солинган ҳамённи муҳрланган мактуб билан кўшиб топширди. Мени кузатишаётганда, бу мактубни фақат ўз уйимда, бу ердан узоклашганимда ўқишим лозимлиги уқтирилди. Мен бу оила аъзолари билан куюқ хайрлашгач, омадимни излаб сафарга отландим. Ваъдага биноан Тадморга олиб борадиган йўлга тушганимдан кейингина мактубни очиб ўқидим. Хатда бу пулларимни ўз эҳтиёжларимга қараб сарфлашим, ҳар бир ишни қилишдан аввал номалардаги кўрсатмаларга амал қилишим лозимлиги ёзилганди.

Шунингдек, мактубда топган-тутганимнинг ярмини фақирларга ва омадсиз одамларга улашишим айтилганди. Фақат терида битилган номаларни ҳеч кимга бермаслигим, хатто кўрсатмаслигим қаттиқ тайинланган эди. Мен номалар солинган бу сандиқни муайян белгига эга бўлган одамгагина омонатга топширишим керак эди.

– Сизни тушунмаяпман, хожа, – деди Хафид хайрон елка қисиб.

– Шошма, мен ҳаммасини тушунтираман. Мен ўша шартли белгига эга одамни ҳар доим кутиб яшадим. Мен ҳамиша ўзлаштирган тамойилларим асосида давлатимни кўпайтириб бордим. Охир-оқибат мен кутган одам келмаслигига ишона бошладим. Агар сен Байт-Лахмга бормасанг, мен шу ишонч билан ўтиб кетардим. Сен ортингдан ёрқин юлдузни эргаштириб келган чоғингда, мен омонатни беришим керак бўлган одам сен эканингни тушуниб етдим. Очиғини айтсам, бир оз муддат иккиланиб турдим, сен билан юз берган ходисанинг моҳиятини тўла англолмадим: Энди эса, омонатнинг навбатдаги эгаси сен эканингга шубҳам йўқ. Мен ҳам маъбудлар иродасига қарши боролмайман. Айниқса, сен анави гўдакни ёпинчиқ билан йўргаклаганингда,

кандай воқеанинг иштирокчиси бўлганингни тушундим ва менинг ҳақиқий воришим эканингга ишондим. Энди бу хазинани сенга топшираман. Қизиқ, мен бу ҳақиқатни англаган чоғимда, ҳаётий куч-қувватим мени тарк этаётганини ҳис этдим. Менинг куним битган, аммо хотиржамман. Чунки, сени топдим.

Кекса Патроснинг овози пасайиб борарди. У ожизгина муштини қисиб, бор кучини тўплашга тиришди:

– Ўғлим, мени диққат билан эшит ва эслаб кол. Чунки, айтган гапларимни такрорлаш учун менда куч қолмаган.

Хафид кўз ёшлари ёноқларини ювиб тушаётганини англади. Сал илгарилаб, қўлини кекса устозининг елкасига қўйди. Патрос йўтала-йўтала гапида давом этди:

– Сенга жуда катта бойлик яширилган бу сандиқчани топшираман. Аммо, сен баъзи шартларни бажаришинг керак. Сандиқчада юз тилла солинган ҳамён ҳам бор. Бу пул сенга бир оз мол сотиб олиб, тижорат ишини бошлашингга етиб қолади. Мен сенга жуда катта бойлик қолдиришим мумкин эди. Аммо бу бойлик сенга фойда бермаслиги мумкин. Сен ўзинг бахтингни топишинг, Ер юзидаги энг қудратли, буюк савдогар бўлишинг керак. Кўряпсанки, сенинг энг катта мақсадингни мен унутганим йўк.

Патрос жуда кийналиб гапирар, бир оз жим туриб, куч тўплаб яна давом этарди:

– Ҳозироқ сафар тадоригини кўр, Дамашққа отлан! У ерда сен номаларда акс этган ҳикматларни ҳаётда қўллаб кўриш учун барча имкониятларга эга бўласан. Ўзингга макбул ерда жойлашиб олганингдан кейин, биринчи номани очиб ўқи. Бу номада бошқаларида битилган кўрсатмаларни англаб етишинг учун керакли билимга эга бўласан. Сен бу битик маънисига тўла-тўқис етгунигча, уни қайта-қайта ўқи. Фақат биринчи номани тўла тушуниб етганингдан кейин, қолганларига ўтишинг мумкин. Сен шу номаларни ўқиб боришинг билан

ўз молларингни сота бошлайсан. Номалардан олган билимларингни шахсий тажрибангда қўллаб боришинг керак. Кўп ўтмай, сен қанча кўп номаларни ўқисанг, савдонг шу қадар юришиб кетишини тушунасан. Демак, менинг биринчи шартим — биринчи номада кўрсатилган коидаларга тўла амал қиламан, деб қасам ич.

– Қасам ичаман, – деди Хафид.

– Яхши, жуда яхши, – деди Патрос. – Сен номаларнинг сирини тўла англаб, дилингга жо қилиб бўлганингда, жуда бадавлат одамга айланасан. Ҳатто мендан ҳам бойиб кетишинг мумкин, – Хафиднинг хайратомуз нигоҳини кўриб, Патрос кўшиб кўйди. – Ҳа, ҳа, сен қандай катта хазиначиларга эга бўлишингни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Энди иккинчи шартимни эшит. Топган-тутганингнинг ярмини мухтож кишиларга тортиқ эт. Сен ҳеч қачон фақир ва бева-бечоралардан ўз ёрдамингни аямасликка қасам ич.

– Қасам ичаман, хошам!

– Энди эса асосий шартимга ўтаман. Сен номалардан ўрганганларинг ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаслигинг керак. Сен ҳам кун келиб, менга ўхшаб, худди сенинг йўлингни ёритиб келган юлдуз сингари шартли белгига дуч келасан. Сен билан ғорда содир бўлган воқеа эса менинг ҳамма шубҳаларимни тарқатиб юборди. Сенга ҳам ўз қисматидан, вазифасидан беҳабар бўлган одам ана шундай шартли белгини олиб келади. Сен уни диққат билан кузатасан ва унга йўл берасан. Шундай одамни сенга юрагинг кўрсатади. Сен ўз қароринг тўғрилигига амин бўлганингдан кейин, худди мен каби, ўша шартли белгини кўрсатган одам эркак бўладими, аёлми, ушбу сандиқча ва унинг ичидагиларни беришинг керак. Бу омонатни унга топшириш чоғида унга ҳам мана шу шартларни эслатасан. Менга бир неча йил аввал топширилган номада айтилишича, бу сандиқчани қабул қилиб олган учинчи одам агар ўзи истаса, унда

кўрсатилган сирларни бутун жаҳонга ошкор қилиши мумкин. Сен бу топшириқларни бажара оласанми?

– Ваъда бераман, хожам!

Патрос худди елкасидан тоғ қулагандек, енгил тин олди. Заифгина кулимсираб, Хафиднинг юзини силади.


– Ҳозирок, сандиқни ол-да, жўна! Менинг эзгу тилакларим сенга ҳамиша йўлдош бўлсин, ишонаманки, сенинг маҳбубанг Лиша албатта сен билан ўз қисматини бўлишишга рози бўлади.

Хафид йиғлаб юборди, аммо кўз ёш тўкканидан уялди. Эгилиб сандиқчани олди-да, эшик томон юрди. Остонага етганида, тўхтаб ортига ўгирилди. Хожаси Хафиднинг ортидан термилиб турарди.

– Агар мен ўз қароримда қатъий турсам, ҳеч қандай тўсиқ мени тўхтата олмайдими? – сўради Хафид.

Кекса Патрос аранг кулимсираб, бош ирғади.

Кейин эса Хафид билан видолашмоқ учун оғирлашиб қолган қоқсуяк қўлларини кўтариб, зўрға силкиди.





ОРЗУЛАР САРИ ИЛК ҚАДАМИ

Хафид хачирда баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган Дамашкнинг Шарқий дарвозаси оркали кириб, марказий кўчадан кета бошлади. Йигитчанинг калби ҳаяжон ва шубҳалар ичида титрар, улкан савдо шахрининг талотўплари уни ваҳимага соларди. Унинг қаршисида икки йўл турарди: ё қўриқчилар ҳамроҳлигида катта карвон билан савдо қилиш ёки Патроснинг маслаҳатларига кўра, яккаю ёлғиз савдо билан шуғулланиш. Савдогарлар бозорни бошларига кўтариб, харидорларни чорлар, ўз молларини оғиз кўпиртириб мақташарди. Айрим кўча олибсотарлари эса, ўз матоҳини сотмоқчи бўлиб, Хафиднинг бурнига тикиштирар, бў эса гўр йигитчани баттар кўрkitарди.

У мана шундай қатъий ва шафқатсиз шароитга мослаша олармикин? Хафид шилқим сотувчилардан бирининг молини нари итариб, Дамашк бозори жойлашган катта майдонга чиқиб олди. Ўнгу сўлда бозор расталари қатор тизилиб ётарди. Олтин ва кумуш тақинчокларнинг ялтир-юлтиридан кўз камашарди. Хафид кўнчилар, тикувчилар, гиламфуруш ва атторларнинг расталаридан бирма-бир ўтиб борарди. Хачир билан ҳар қадам масофани босиб ўтиш унга қийинчилик туғдирар, айрим ҳолларда дўконлар олдида тўпланган оломон орасида тикилиб қоларди. Ҳамма томондан ёпирилган савдогарлар Хафиднинг енгидан тортиб, ўз дўконларидаги молларни сотиб олишга ундашарди. Гоҳида савдогарларнинг ҳайқириғини тиланчиларнинг мунгли нолалари босиб кетарди.

Хафид беихтиёр олисдан кўзга ташланиб турган Эрмон тоғи чўққиларига тикилди: ҳозир ёз чилласи бўлишига қарамай, тоғ чўққилари оппоқ қор билан қопланган эди. Пурвиқор тоғ унинг оёқлари остида ўрмалаб юрган майда одамларга улуғвор назар ташлаб турганга ўхшаб кўринарди. Хафид яна бир оз юриб, марказий кўчадан чапга бурилиб, ўткинчилардан ижара учун жой сўрай бошлади. Сўраб-суриштириб, шинамгина карвонсаройни топиб борди. Карвонсарой соҳиби Антоний Хафиддан бир ойлик ижара пулини олдиндан олиб, энг яхши хужралардан бирига жойлаштирди-да, хачирни отхона тарафга етаклаб кетди.

У хужрага қамалиб оларкан, заранг сандиқчани олиб, унинг белидаги тасмаларни ечди. Сандиқчанинг қопқоғи осонгина очилди. Мана, ўша сеҳрли номалар. Хафид уларга қўл узатаркан, сапчиб тушди. Чарм ўрамлар худди тирик жонзотдек ўзидан иссиқлик таратиб турарди. У дарҳол қўлини тортиб олди ва хужранинг ташқаридан панжараланган деразаси томон юрди. Гарчи карвонсарой бозордан анча олисда жойлашган бўлса-да, кўчадан савдогарларнинг бақир-чақирни эшитилиб турарди.

Яна Хафиднинг юрагини таниш кўрқув ва ҳаяжон қоплади, ич-ичидан тижорат йўлини танлагани учун пушаймонликни туйди. У ўз кучига ортиқча баҳо бериб юбормадимикин? Ниҳоят бу мубҳам ўйлар уни маҳв этди, бу қийноқларга бошқа бардоши етмаслигини билиб, деворга беҳол суянди. Шу топда унинг қалбидан бир нидо отилиб чиқди:

– Мен қанчалар аҳмоқман! Ўзимча савдогар бўлмоқчи бўлдим. Ахир оддий туякаш қаерда-ю, савдогарлик қаерда? Менда на тажриба, на журъат бўлмаса. Ҳатто савдо расталарини оралашга ҳам кўрқаман. Мен бугун юзлаб савдогарларни кўрдим. Уларнинг ҳар бири савдо, олди-сотди бобида мени ярим йўлда қолдиришади. Мен улар билан тенг бўла олармидим? Эҳтимол, менда хоҳиш,

ғайрат, интилиш бордир? Аммо, буларнинг ўзи савдогар бўлиш учун етарли бўлармиди? Ахир Дамашқдаги ҳамма савдогарларда бу хислатлар ошиб-тошиб ётибди. Йўқ, мен бундай номутаносиб курашда енгиб чиқолмайман. Фақат ўта аҳмоқ ёки ўзига ҳаддан ортиқ ишонган одам бу ерда нон топиб кета оламан деб ўйлаши мумкин. Патрос, қадрдоним Патрос, мен яна сизнинг ишончингизни оқлай олмайдиганга ўхшайман.

Хафид ўзини гилам устига ташлаб, узоқ йиғлади, кейин эса тинчиб ухлаб қолди.

У кўзини очганида аллақачон тонг отганди. Илкис қулоғига қушларнинг чирқиллаган товуши эшитилди. У ўрнидан туриб, кўзларига ишонмади. Деразадан хужрага қалдирғоч учиб кирган, сандиқчанинг очиқ қопқоғи устида кўниб олганча, ўз тилида бир нималар деб чулдирарди. Хафид дераза олдига югуриб борди. Кўча четида, дераза ёнида ўсган дарахт шохларига юзлаб қалдирғочлар кўниб олган, вижирлаганча янги кунни қутлашарди. Хафид уларга қараб кулимсираб кўйди. Мана, улардан бири дераза олдига учиб келди, аммо Хафиддан кўрқиб яна ортига қайтди. Йигитча ортига ўгирилиб, яна хона ўртасида турган сандиқча устида ўтирган, чақирилмаган меҳмонга қаради. Қушча ҳамон кичкина бошчасини эгиб ўтирарди.

Хафид сандиқчага яқинлашиб, қўлини чўзди. Қушча дадиллик билан унинг кафтига қўнди.

– Қара-я! Юзлаб қушлар дарахтда ўтиришибди, хатто деразага яқинлашишга ҳам кўрқишяпти. Фақат сен кўрқмасдан менинг хужрамга кира олдинг.

Қушча Хафиднинг кафтини чўқиб, оғритиб юборди. Хонтахта устидаги тугунчада нон ва озроқ пишлок бор эди. Хафид тугунчани очиб, унинг ичидаги ноннинг бир бўлагини майдалади. Кейин пишлокнинг ҳам бир қисмини майда увокларга ажратди. Қушча унинг


кафтидан пирр этиб учиб, хонтахта устига кўнди ва ушокларни чўқишга тушди.

Хафид ўйчанлик билан яна дераза олдига борди ва панжараларни пайпаслади. Панжаранинг тирқишлари жуда кичкина ва тор эди. Қизик, қалдирғоч бу ердан қандай учиб кирдийкин? Шу онда унинг қулоғи остида Патроснинг сокин овози янграгандек бўлди:

– Агар қароринг қатъий бўлса, бирор бир тўсик йўлингда ғов бўлолмайди.

Хафид яна ортига қайрилиб, сандиқча ичидаги номаларни кўлига олди. Номалардан бири бошқаларига қараганда анча уриниб қолганди. Хафид айнан ўша ўрамни очди. У ўтириб олди-да, ўқишга тутинди. Айни дамда унда кўрқувдан асар ҳам қолмаганди. Хафид номадан нигоҳларини узиб, хонтахтага қараганда, қалдирғоч аллақачон учиб кетганди.

Фақатгина хонтахта устида сочилган нон ва пишлок қолдиқлари кичкина довярак қушчанинг ғаройиб ташрифидан дарак берарди. Хафид яна нигоҳини номага қаратди ва илк қаторни ўкиди: “Биринчи нома”. У бутун вужуди билан мутолаага шўнғиди.





БИРИНЧИ НОМА

Мен бугун янги ҳаёт бошлайман

Бугун мен турли жароҳатлар, яра-чақалар билан тўлиб тошган эски теримдан воз кечаман. Бугун мен янгидан туғилдим. Мен туғилган жой худди ҳар ким ўзи истаган мевани уза оладиган боғга ўхшайди. Бугун ўзим танлаган касбнинг оқилу донолари томонидан экилган, наслардан наслларга ўтиб келаётган энг баланд ва энг гўзал донишмандлик дарахтининг мевасини узиб оламан. Бугун мен ана шу ҳаётбахш мевани истеъмол қиламан, унинг вужудимга инган уруғидан бахт ва толе униб чиқади, қаршимда янги ҳаётнинг дарвозаси очилади. Мен танлаган йўл ёқалаб имкон атиргуллари ўчириб ётибди. Аммо, бу гулларнинг шохлари пушаймонлик ва изтироб тиканларига тўлиб тошган. Бу гулларнинг тагида мақсадига ета олмаган қанчадан қанча йўловчиларнинг хазон бўлган умидлари сочилиб ётибди.

Мен юрмокчи бўлган бу йўлдан кимлар ўтмаган, бу йўлда мағлубиятга учраганларнинг ҳам сон-санови йўқ. Лекин, мен бу йўлда ғолиб чикканлар қаторидан жой олишимга ишонаман. Чунки менинг қўлимда ҳамиша олдинга бошловчи бебаҳо ҳикмат турибди. Мен унинг ёрдамида ҳамма тўсиқларни енгиб ўтаман, бепоён денгиз ва уммонлардан сузиб, мен учун олис орзу бўлиб туюлган муваффақият соҳилига етаман. Менинг барча ҳаракатларим мағлубият эмас, ғалаба олиб келади. Шу ондан эътиборан, табиатнинг ўзи мен ҳақимда қайғуради, вужудим оғриқларни, руҳим ғам-андухни писанд қилмайди. Омадсизлик ҳам худди оғриқ каби мени четлаб ўтади. Мен уларни ўтган ҳаётимда бошдан кечириб

бўлганман. Мен энди уларни инкор этаман. Мен энди зулматдан бойлик ва фаровонлик зиёси билан ёришган кенгликларга олиб чикувчи ҳикмат ва насиҳатларни қабул қилишга тайёрман. Мен ҳали шундай буюкликка эришаманки, Геспериднинг олтин олма ўсадиган боғлари ҳам менинг қаршимда ўз ҳашаматини йўқотади.

Вақт — инсон учун энг яхши мураббий. Менга инсоний донишмандликнинг барча ҳикмати аён бўлиши мумкин, аммо мен абадий яшамайман. Мен қанча яшашимдан қатъи назар, сабр қилиш санъатини ўрганишим керак, зотан, табиат шошқалоқликни ёқтирмайди. Зайтун ниҳоли дарахтга айлангунича юз йил керак бўлади. Бир бош пиёз эса, тўққиз ҳафтада қартаяди. Менинг ҳаётим ҳам пиёзга ўхшайди. Лекин мен бу ҳаётдан қониқмайман. Мен шу ондан зайтун дарахтига — энг буюк савдогарга айланаман.

Аммо, бунга қандай эришаман? Ахир буюк бўлиш учун менда на билим, на тажриба бўлмаса... Мен кўпинча ўзимга ўзим ачинаётганимни ҳис қиламан. Жавоб жуда оддий. Мен бу йўлга қадам кўярканман, миям кераксиз билимларнинг юкидан зирқирамайди, елкамни ҳеч кимга керак бўлмаган, мантиксиз тажриба юки босмайди. Мени табиат ҳар қандай чангалзор жонивори ҳавас қила оладиган билим ва фаросат билан тақдирлаган, тажриба эса ўз-ўзидан келаверади. Ҳа, одатда, тажрибага гоҳида юкори баҳо берилади.

Тажриба жуда кўп нарсани ўргатади, у жуда кўп йилларни ямламай ютгани боис, унинг сабоқлари юсак қийматларга муносиб. Йўқотилган йилларнинг баҳоси қиммат туради. Сен бу йўлдан бориб, кўп нарсани ўрганасан, аммо у пайтда ёшинг бир жойга бориб қолади. Қолаверса, тажриба худди урфга, одатга ўхшайди. Кеча қойилмақом туюлган нарса бугун талабга жавоб бермай қолади. Фақат менинг кўлимдаги қонунлар ва тамойилларгина абадий яшайди. Бу номаларда битилган

ҳақиқатлар мени буюклик сари бошлайди. Улар мени мағлубиятдан қочиб, ғалаба қозонишга ундайди. Муваффақият эса, қалбнинг ҳолатидир. Мингта донишманддан “омад нима?” деб сўрасанг, уларнинг ҳар бири айрича жавоб қайтаради. Аммо, улардан омадсизлик нима, деб сўрасанг, ҳаммаси бир хил жавоб беради: “Омадсизлик — бу катта ё кичик бўлишидан қатъи назар ҳаётий мақсадларга ета олиш қобилиятига эга бўлмасликдир”. Омадли ва омадсиз одамнинг ўртасида биргина фарқ бор. Уларнинг одатлари турлича. Яхши одатлар — муваффақиятга, ёмонлари эса омадсизликка, келажакнинг ёпиқ эшиклари сари бошлайди. Демак, мен амал қилишим керак бўлган энг асосий ва энг биринчи қоида — мен ўзим учун энг яхши одатларни ўйлаб топаман ва уларнинг қулига айланаман. Болалигимда мен ўз истакларимга тобе эдим. Энди эса ҳамма эркаклар қатори ўз одатларимга боғланиб қолганман. Менинг ўтган умрим келажакимга таҳдид солмаслиги учун энди ана шу одатларимни тартибга солишим лозим. Менинг ҳаракатларимни қизғанчиклик, эҳтирослар, хавотир, шубҳа-гумонлар, худбинлик, кўркув, муҳаббат сингари туйғулар ва бошқа турли бўлмағур одатлар бошқармоқда, улар менинг устимдан ҳукмронлик қилишмоқда.

Лекин улар орасидан энг ёмон хусусиятларим ва одатларимдан тезликда воз кечишим, агар кимгадир тобе бўлишим керак бўлса, фақат ижобий сифатларимга бўйсуним лозим. Ёмон одатлардан қатъий воз кечаман. Яхшилик уруғи мўл ҳосил бериши учун уни ҳосилдор ерга қадамоқ лозим. Демак, мен ижобий одатларимнинг қулига айланаман.

Бу мушкул вазифани қандай адо этаман? Бу ишда менга ушбу номалар ёрдам беради: чунки уларнинг ҳар бирида мени ёмон одатлардан халос этиб, вужудимни улардан поклаб, ўрнига мени омад сари янада яқинлаштирадиган эзгу ҳисларни жо эта олувчи

қоидалар битилган. Табиат қонунларига кўра, эски одатлардан янгиларини жорий этиш ҳисобига воз кечиш мумкин. Шу боис, ушбу номадаги ҳикматлар ҳаётда ўз самарасини бериши учун мен ўзимнинг янги одатимни шакллантиришга киришаман. Хўш, қандай қилиб? Ҳар бир номани мен ўттиз кун давомида қайта-қайта ўқийман ва шундан кейингина навбатдаги номани очаман. Энг аввало, мана шу номалардаги ҳар бир сўзни уйғонишим билан ичимда ўқиб чиқаман. Тушдан кейин яна бир бор такрорлайман. Уйкуга кетишдан аввал ҳам, фақат бу гал овоз чиқариб ўқийман. Эртаси куни ҳам уларни шу тахлит ўқиб чиқаман ва бу ҳолат ўттиз кун такрорланади. Бу давр мобайнида номалар мен учун кундалиқ мутолаа қуроли бўлади ва бу ишни ўзим учун илк ижобий кўникмага айлантираман. Хўш, мен уларни ўқиш орқали нимага эришаман? Бу одат инсон эришиши мумкин бўлган ҳамма нарсалар сирини ўзида мужассам этади. Мен номадаги сўзларни қайтаравериб, уларни тафаккуримнинг ажралмас қисмига айлантираман, улар менинг қон-қонимга сингиб кетади. Ҳушёрлик пайтимда ҳам, уйкуда ҳам улар мени тарк этишмайди, ҳар қандай вазиятда менга ақли хулосалар чиқариб, тўғри ҳаракат қилишни ўргатади. Номалар менинг сирли, иккиламчи тафаккуримдан жой олганда, мен шу чокқача ўзимга маълум бўлмаган янги қувват вужудимга оқиб кирганини ҳис этиб, уйкудан уйғона бошлайман. Мен ўзига ишонган, кучли, иродали инсонга айланаман. Кўрқувдан ҳалос бўламан ва атрофдагиларга нисбатан хавотирим йўқолади. Дунё мен ўйлаганчалик хатарли эмаслигига ишонишим билан ўзимни янада бахтлироқ ҳис этаман. Юрагимда ғам-ташвиш, андух учун ўрин қолмайди. Натижада ўзимга бўлган ишонч мени олдинга бошлайди, мени таъқиб қилаётган машаққатларни енга оламан. Мен номаларда қандай кўрсатилган бўлса, шу тахлит ҳаракат қиламан ва бу ҳаракатлар кундалиқ ҳаёт тарзимга

айланади. Мана, мен яна бир одатни ўзлаштирдим ва бу одатдан ҳеч қачон воз кечмайман. Бироқ у менга ҳалал бермайди, аксинча хуш кайфият бағишлайди. Шу тариқа менинг ҳаётим қувонч ва шодликка тўлади. Ва энг муҳими шундаки — тез-тез қайтарилган ҳаракат одатга айланса, мен бу одатнинг қули бўлсам, аммо бу эзгу одат бўлса, демакки, бу менинг хоҳиш-иродам демакдир.

Демак, мен бугун янги ҳаёт бошлайман!

Мен ўзимга ўзим тантанали ваъда бераманки, мени бу ривожланиш йўлидан ҳеч нарса қайтара олмайди. Мен бир кунимни ҳам бекорга йўқотмайман, аммо бу ҳикматли номаларни қайта-қайта ўқийман. Зеро, йўқотилган кунни ортга қайтариб бўлмайди. Вақт тез оқувчи дарёга ўхшайди. Мен бу номаларни ҳар кунни ўқишни қанда қилмайман, чунки мутолаа учун кетадиган бир неча дақиқа мен эришишим мумкин бўлган бахт ва муваффақиятга арзийди. Мен амал қилишим лозим бўлган бу сўзларни қайта-қайта ўқир эканман, улар қанчалик содда туюлмасин, чуқур мантиғига шубҳа қилмайман. Улар энг муҳим ва вожиб нарсалар ҳақида сўзлайди. Шароб тайёрловчи минглаб узум доналарини янчиб, пўстлоқ ва уруғларини ажратиб, қушларга бераркан, ўзи учун бир кўза шаробни олиб қолади. Менинг қаршимда асрлар давомида қиёмига етган ҳикмат шароби турибди. Кўп нарсалар йўқолиб кетди, шамолга соғурилди. Номалардаги сўзларда эса, рад этиб бўлмас ҳақиқат сақланиб қолди. Мен бу ҳикмат шаробининг бир томчисини ҳам қолдирмай ичаман ва у билан бирга вужудимга омад уруғлари ҳам оқиб киради. Бугун менинг эски терим чанг-тўзонга айланади. Мен бошимни баланд кўтариб, олға бораман. Одамлар ҳам мени танимай қолишади. Чунки мен энди бошқа одамман. Мен иккинчи ҳаётимни бошладим.



ИККИНЧИ НОМА

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Энди мен буюк сирни — ўй-хаёллардаги ҳар қандай орзуни рўёбга чиқара олишни биламан. Менинг мушуқларим худди пўлат сингари мустаҳкам. Агар истасам, қалқонни ҳам теша оламан. Мен ўз ҳаётимни ўзгартира оламан. Лекин инсонлар қалбини кашф этадиган ягона куч — бу муҳаббат. Мен ана шу санъатни мукамал ўзлаштира олмас эканман, бозордаги ҳам-мол даражасидан юксала олмайман. Муҳаббатни энг қудратли қуролга айлантираман, шунда мен юзланган бирор инсон менга қарши тура олмайди. Далилларимга улар ўзларича жавоб беришлари, менинг қарашларимга ишонмасликлари мумкин. Майли менинг ҳақиқатларимни улар киноя билан қарши олишсин, майли менинг ташқи кўринишим уларга ёқмасин. Ҳатто менинг мурасасозлигимни улар нотўғри тушунишар. Яъни, мен нима демай, нима қилмай, уларда шубҳа уйғотарман. Фақат менинг қайноқ муҳаббатим ҳар қандай музни ҳам эритишга қодир бўлган қуёш нурлари сингари уларнинг қалбига илиқлик олиб киради.

Демак, мен бугун янги ҳаёт бошлайман!

Бу муҳаббатга қандай эришиш мумкин? Жуда оддий. Ҳозирдан бошлаб, мен худди янги туғилгандай, атрофимдаги ҳамма нарсага, ҳайрат ва муҳаббат билан боқаман. Мени ҳарорати билан иситгани учун Қуёшни

яна бошқатдан севаман. Менинг қалбимдаги ғамларни ва тушкун ҳисларимни ювиб кетаётгани учун ёмғирга ҳам ўз севгимни тортиқ этаман. Йўлимни ёритгани учун — мен нурни севаман. Ўз бағрида юлдузларни яширгани учун — қоронғиликни севаман. Мен бахтни шодон қарши оламан — чунки у ҳаётимни янада гўзаллаштиради. Мен қайғудан ҳам ранжимайман, чунки у ўз ботинимни чуқурроқ англашимга кўмаклашади. Ҳар бир мукофотни керагидек қарши оламан, ҳар бир қаршиликни ҳам тақдирнинг даъвати сифатида қабул қиламан. Биринчисини қувонч билан кутиб оламан, кейингисини енгиб ўтаман. Нимаики қилмай, ҳаммасига севинч ва муҳаббат билан ёндашаман.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Ҳатто нуткимни ҳам ўзгартираман. Мен ғанимларимни мақтайман — улар менинг дўстларимга айланишади. Дўстларимни улуғлайман — улар менинг туғишганларимга айланишади. Ҳар доим ва ҳамма учун макташга асос қидираман. Ҳеч қачон бировни ғийбат қилиш даражасида тубанликка тушмайман. Ким ҳақдадир ёмон гап айтишдан тилимни тишлайман. Кимнидир макташ керак бўлса, бу ишни бор овозим билан, сидқидилдан адо этаман. Қушлар, денгиз, шамол, бутун борлик Яратганга шукронасини бор овози билан изҳор этади-ку? Уларнинг мусиқасини эшитиб, қалбларимиз шодланади. Мен ҳам шундай гапираманки, сўзларим худди одамларнинг қулоғига мусиқадек оқиб киради. Бугундан бошлаб, мен бу сирни ёдимда сақлаб қоламан ва у ҳаётимни ўзгартиради.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Мен қандай ҳаракат қиламан? Мен одамларнинг хатти-ҳаракатларидан қатъи назар уларни яхши кўраман. Чунки ҳар бир инсоннинг яхши жиҳатлари бўлади, фақат уларни қидириб топиш керак. Дикқат қилсам, ана шу жиҳатларни топа оламан. Мен муҳаббат билан одамларнинг юракларидаги шубҳа ва нафратни парчалаб ташлайман. Уларнинг қалбларига кўприк соламан ва бу қалбларни муҳаббат билан тўлдираман. Мен ўзимнинг такаббурона ҳаракатларимни ҳам яхши кўраман, чунки улар менга илҳом бағишляпти. Мен ўз омадсизликларимни яхши кўраман, улар менга сабоқ беришляпти. Мен ўз ҳукмдоримни севаман. У менинг бошим узра соябон. Мен фақирлар ва беморларни яхши кўраман. Зотан уларга қисмат шуни раво кўрган. Мен бойларни севаман, чунки уларнинг аксарияти ёлғиз. Мен қашшоқларни севаман. Чунки улар бу оламда ҳад-хисобсиз. Мен ёшларни уларнинг имони ва ишончи учун севаман, кексаларни донолиги ва идроки учун яхши кўраман. Мен гўзалларни ғамгин кўзлари сабабли севаман, мен хунукларни сокин қалблари учун учун севаман.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Лекин бошқаларнинг менга муносабатига қандай жавоб қайтараман? Албатта муҳаббат билан. Муҳаббат бу қалбларга йўл очадиган курулгина эмас, балки юрагимни нафрат ўқлари ва адоват пайконларидан асрайдиган мустаҳкам қалқондир. Мен гумонлар ва нохушликларни ана шу гўзал қалқоним билан даф қиламан. Бу қалқон мени савдо жараёнида ҳимоя қилади, ёлғизлик онларида қўллаб-қувватлайди. Оғир мусибат дамларида у мени оутади ва таскин беради. Шу тариқа у борган сари

и устаҳкамланиб, кучайиб бораверади. Кунларнинг бирида мен усиз кўрқмасдан одамларнинг қаршисига чиқа оламан. Аммо, бу пайтда мен ҳаёт эҳромининг энг баланд қисмида бўламан.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Мен одамлар билан қандай мулоқот қиламан? Бунинг биргина йўли бор — кимгадир қараб туриб, ичимда шу сўзларни айтаман: “Мен сени яхши кўраман!”. Тилга кўчмаган бу сўзлар, менинг кўзларимда ва юзимдаги табассумимда акс этади. Менинг бу муносабатим қаршимдаги одамга ҳам кўчиб ўтади. Ана шу дамда мен муҳаббат билан тақлиф этаётган молни қайси харидор рад эта оларкин?


Аммо, мен ҳаммадан кўра кўпроқ ўзимни севишим керак. Бу муҳаббат мени қалбимга, онгимга, кучоғимга интилаётган ҳамма нарсага ўта сергак ва тирак боқишга ундайди. Мен ўзимга тегишли ҳамма нарсага эътиборли бўламан. Вужудимни ва руҳимни покиза сақлайман. Менинг кўзларим ҳеч кимга бефарқ бокмайди, ҳеч қачон тушкунликка тушмайман. Атрофимдаги ҳамма нарсага мен ўзлаштирган асрий ҳикматлар нигоҳи билан қарайман. Ҳеч қачон ўз қалбим ва руҳимнинг шафқатсиз, ҳиссиз бўлишига имкон бермайман. Тафаккур ва эътиқод менинг асосий тамойилим бўлади. На алам, на худбинлик қалбим ва руҳимни ёриб кира олмайди. Юрагим беғоналарнинг кечинмаларига бефарқ бўлганидан кўра тарс ёрилиб кетгани афзал.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан!

Ҳозирдан эътиборан мен ҳамма одамларни яхши кўраман. Нафрат мени буткул тарк этади ва менинг бутун борлигимни муҳаббат эгаллайди. Кимдандир ғазабланишга, асабийлашишга вақтим бўлмайди, бор вақтимни муҳаббатга бахш этаман. Бугун мен одамлар орасидаги одамга айланиш учун илк қадамимни ташлайман. Муҳаббат менинг даромадларимни юзлаб, минглаб маротаба кўпайтиради ва мен ер юзидаги энг буюк савдогарга айланаман. Менинг одамларга меҳр кўрсатишдан бошқа хислатим йўқ ва мен бундан унумли фойдаланаман. Муҳаббатсиз менинг ҳамма бошлаган ишларим касодга учрайди. Менинг барча режаларим, ҳатто улар шуҳратпарастликка хизмат қилса-да, муҳаббат асосига қурилган. Муҳаббат энг буюк билим ва ҳунар демакдир. Бу ҳунарнинг эгаси ҳар қандай мақсадига эришади.

Мен бу кунни муҳаббат тўла қалбим билан қарши оламан ва у менга омад олиб келади!





УЧИНЧИ НОМА

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Мен бу оламга синовларни енгиш учун келганман. Менинг томиримда мағлубларнинг эмас, фақат ғолибларнинг қони оқмоқда. Мен чўпоннинг таёғи келиб тушишини сабр билан кутадиган қўй эмасман. Мен шерман! Мен қўйлар подасида юришдан воз кечаман. Мен уларнинг шикоятомуз маърашини эшитишни истмайман. Омадсизлик — юқумли касаллик. Қўйларнинг ўрни подада, борар жойи эса, кушхона. Менинг қўлатим бўлак.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Тақдирнинг тухфалари саёҳатнинг бошида эмас, охирида бўлади. Мен ўз мақсадларимга етишиш учун қанча йўл босишимни билмайман. Мен ҳар доим, ҳатто ҳар қадамда омадсизлик билан тўкнаш келишим мумкин. Бироқ, омад олдинда, исталган муюлишда кутиб турган бўлади. Агар мен омадсизликни енгиш ва ўша муюлишга етиб олиш учун ўзимда куч топа олмасам, ҳеч қачон мақсадимга етиша олмайман. Ҳеч нарса мени иккинчи қадамни босишимдан қайтара олмайди. Агар у ҳам менга омад олиб келмаса, учинчи қадамни қўяман. Ҳеч ким мени тўхтатолмайди. Мен олға юришдан қийналмайман.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Ҳозирдан бошлаб, мен ўзимни худди ўтин ёрувчидек ҳис этаман. Менинг омад сари кўйган ҳар бир қадамим бу болтамнинг мустаҳкам эман тўнкасига тушган бир зарбасидир. Биринчи зарба кундадан кичик бир заррани кўпориб чиқаради, иккинчи ва учинчи зарбалар ҳам камроқ самара бериши мумкин. Бироқ, минглаб зарбалар натижасида бу кунда майдаланиб кетиши муқаррар. Мен зарба беришни бугундан бошлайман.

Мен худди тоғларни вайрон қилишга қодир ёмғир томчисига, шерни еб битира оладиган чумолига, ерни ёрита оладиган юлдузга, эҳром бунёд этишга қодир қулга ўхшайман. Ғишт ортидан ғишт, тош ортидан тош кўйиб, ўз қасримни тиклайман. Сарфланган куч ва уринишлар қанчалик кўп бўлса, сон ҳамда сифатга таъсир қилади, пировардида мен ғолибга айланаман.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Мен ҳеч қачон мағлубият ҳақида ўйламайман. Ўз нутқимдан “енгиламан”, “эпложмайман”, “қўлимдан келмайди”, “мумкин эмас”, “ишониш қийин”, “кучим етмайди”, “омадсизлик”, “фойдасиз”, “умид йўқ”, “чекинаман” сингари сўзларни чиқариб ташлайман. Майли бу сўзларни омадсизлар қўллайверсин. Мен тушкунликка ҳам тушмайман. Шу иллат менга илакишиб қолган тақдирда, тушкун кайфиятда ҳам ишлашни давом эттираман. Меҳнат қиламан ва ҳар қандай синовга дош бераман. Мен энди олдимда турган тўсиқлар ҳақида эмас, балки ярқираб кўзни олаётган мақсадлар ҳақида ўйлайман. Мен саҳрода дайдиб юрган бир йўловчиман: бу саҳронинг ортида эса ҳамиша баҳор боғ-роғлар, гулу

гулзорлар, шарқироқ дарёларга тўла мамлакат ястаниб ётибди.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Мен ҳамиша рақамларнинг қадимий қонунини ёдда тутаман ва уни ўз ҳаётимда татбиқ этаман. Савдо жараёнида тўпланган ҳар бир кўникма мени омад сари етаклашини доимо ёдда тутаман. Мен эшитган ҳар бир “йўқ” жавоби олдинда кутаётган “ҳа” жавобларига яқинлаштиради. Мен дуч келган ҳар бир норозилик мени шодон табассумлар сари бошлайди. Тун ҳамиша кунга ўз ўрнини бўшатади. Мен куннинг кадрига етишим учун тунни ҳис қилишим керак. Мен бир уринишда ва мутлақ муваффақиятга эришишим учун жуда кўп омадсизликларни енгиб ўтишим лозим.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Мен ҳеч қачон тўхтаб қолмайман, аммо мунтазам изланиш ва интилишда бўламан. Мен тўсиқлардан ҳеч қачон қочмайман, улар йўлимда қанча кўп учраса, шунча яхши. Улар мени фақат тоблайди. Мен иродали бўламан, худди қутураётган уммонга ўз кемасини суриб бораётган денгизчи сингари ўз маҳоратимни такомиллаштириб бораман.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Ҳозирдан танлаган касбим сирларини мендан яхшироқ биладиган одамлардан ўрганиб, уларни амалда қўллай бошлайман. Кун мен учун омадли ё омадсиз

келишидан қатъи назар кечгача яна бирор ишга улгуриб қолиш ҳақида ўйлайман. Агар кўнглимда бирор шубҳа пайдо бўлса, уларни нари қуваман ва яна интилавераман. Мен ғалабага яқинлашиш учун яна уриниб кўраман, агар бу гал ҳам кутилган натижага эришмасам, такрор ва такрор ҳаракат қилавераман. Куним омадсиз тугашига йўл қўймайман. Шундагина мен эртанги омад уруғини ўстира оламан ва омадсизлик олдида бошини эгиб қолган одамлардан олдинга ўтиб кетаман. Одамлар ноилож қўл қовуштириб турган жойда, мен курашни давом эттираман ва бу қайсарлигим мени мақсадга эриштиради.

Мен муваффақиятга эришиш йўлида қатъиятли бўламан!

Аммо, кечаги омад ҳеч қачон мени қониқтирмаслиги керак. Чунки бу келгусидаги омадсизлик учун йўл очади. Мен ўтган кунги воқеаларини — хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, унутаман. Ҳар бир янги кунни “бу менинг ҳаётимдаги энг яхши кун” деган ишонч билан қарши оламан.

Мен нафас олар эканман, ҳаракатдан тўхтамайман. Энди менга омаднинг энг муҳим қоидаларидан бири аён: қанчалик қатъиятли бўлсам, ғалаба ҳам шу қадар яқин бўлади.

Мен қатъиятли бўламан ва албатта ғалабага эришаман!



ТҮРТИНЧИ НОМА

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Ахир, дунё яралганидан бери ҳали айнан фикри, юраги, кўзлари, кулоқлари, қўллари, сочлари ва оғзи меники билан бир хил бўлган инсон туғилмаган, на яшаб ўтган, на тириклар, на кейин туғиладиганлар орасида мендек юрадиган, менга ўхшаб гапирадиган ва ўйлайдиган одам учрамайди. Ҳамма одамлар — менинг биродарларим, аммо мен ҳеч кимга ўхшамайман.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Мен ҳам жонзотлар оламига мансубман, аммо бошқа жонзотларнинг эҳтиёжлари билан чекланиб қолмайман. Менинг ичимда авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир олов ёниб турибди. Унинг ҳарорати мени доим ҳаракатланишга ундайди. Менинг руҳим исёнкор. Нигоҳларим қатъий. Мен ҳозиргидан-да яхши бўлишим учун тинмай ҳаракат қиламан. Шубҳалар оташи ва муваққат омадсизлик кайфиятини енгиб, бутун оламга ҳеч кимга ўхшамаслигимни кўрсатаман. Ҳеч ким менинг болаларимни, ҳаракатларимни, фикрларимни, имзомни такрорлай олмайди ва ҳеч ким мендек савдо қилолмайди. Энди мен ўз бетакрорлигимни ўз фойдамга йўналтираман, у менинг энг гўзал хислатим бўлиб, фолибликка етаклайди.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Мен бошқалар қилган ишни такрорлашга уринмайман. Бунинг ўрнига, мен нафакат ўз молимни, балки беназирлигимни ҳам савдога қўяман. Ана шунда менинг савдом юришади. Мен ҳозирдан ўзимнинг ҳеч кимга ўхшамаган томонларимни кўпроқ намоён этишга, бошқаларга ўхшаш жиҳатларимни яширишга уринаман. Мен сотаётган моллар ҳам фақатгина ўзимга хос жиҳатларимни кўрсатиши лозим. Ҳар бир савдогар ўз қиёфаси билан ғурурланиши керак. Бу унинг савдосида ҳам акс этади.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Мен — ноёб буюмман, аммо ҳар бир буюмнинг ўз қиймати бор. Фақат, менинг қиймагим жуда баланд. Мен минг йиллик ривожланишнинг сўнгги маҳсулиман, мен ўзимдан аввалги аждодларнинг онгу тафаккурини ўзимга сингдириб олганман. Агар мен ақлим, қалбим, вужудим ва қобилиятимдан унумли фойдала олмасам, уларни йўққа чиқарган бўламан. Менинг имкониятларим чекланмаган. Мен ўз миям ва мускулларимнинг жуда оз қисмини ишлатяпман, холос. Энди мен ўз имкониятларимдан тўлалигича фойдаланаман ва мен бошлаган ҳамма ишлар омадли якун топади. Мен бу ишни эртага эмас, бугуноқ қиламан. Менинг эртанги куним ҳар қанча омадли бўлмасин, эришганларим билан қаноатланиб қолмайман ва ҳеч қачон ўзимни кўкка кўтариб мақтамайман. Менинг дастлабки ғалабаларим бу ҳеч гап эмас. Мен олға интиламан ва бундан-да кўпроғига эришаман. Мен ўйлаганларимнинг барига етаман. Акс ҳолда табиат мени бу қадар қийинчилик билан яратмаган бўларди. Мен табиатнинг мўъжизаларидан бири эканман, унинг қудратини ўз ишларимда кўрсатишим керак.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Мен бу оламга тасодифан келиб қолганим йўқ. Мен муайян мақсадлар учун яралганман. Мен қум зарраси эмас, тоғ бўлишим керак. Ҳозирдан мен ҳамма кучимни шу мақсад учун сафарбар этаман. Мен ўзимни аямасдан ишлайман.

Мен доимий равишда одамларни ҳам, ўзимни ҳам, сотаётган молларимни ҳам ўрганиб бораман ва шу тахлит ўз савдомни янада яхшилаيمان. Ўз маҳсулотимни сотар эканман, ҳар бир сўзимни ўйлаб, сайқаллаб, кейин тилимга кўчираман. Менинг нутқим — порлоқ истиқболимнинг пойдеворидир. Савдода зафар қозонишнинг асосий воситаси гапириш услуги эканини асло унутмайман. Кўплаб савдогарлар айнан тўғри ва ўринли гапира олиш санъати сабабли катта ютуқларга эришганлар. Ҳамиша ёдда тутишим керакки, менинг ишимда, гапириш усулим, қўл ҳаракатларим, гап оҳангим катта аҳамиятга эга, қанчалик чиройли ва самимий гапирсам, харидорни шу қадар тез ва осон жалб қиламан.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Мен кераксиз нарсаларни ҳаёлимдан чиқариб, бугун эътиборимни бугун қилишим керак бўлган ишларга қаратаман. Уйдаги ташвишларнинг барини уйда қолдираман. Мен дўконимда савдо қиларканман, уй, оила ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиламан. Акс ҳолда бу менга халал бериши мумкин. Уйга қайтгач, дўкондаги ишларимни, кўрган фойда ёки зараримни эсдан чиқараман. Ишдаги ҳеч бир нохушлик менинг уйга, оиламга, болаларимга бўлган муҳаббатимга дахл қилолмайди, бироқ ютуқларим бу муҳаббатни ошириши мумкин. Мен ишда эканимда, юрагимда оилам учун жой бўлмайди, уйга қайтарканман, иш ҳақидаги бирор ўй-хаёлни ўзимга яқин олмайман. Аввал бошданок, мен оиламни ишдан ажратаман, бу эса ҳар иккисига бўлган муносабатимни мустаҳкамлайди. Иш уйдаги ташвишлардан холи бўлиши керак, акс ҳолда мен ҳеч

качон юксала олмайман. Ҳаётнинг ўзгармас қонун-қоидаси шунақа.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Менга кўриш учун кўз, фикрлаш учун ақл берилган. Энди мен ҳаётнинг буюк сирини биламан — ниҳоят тушуниб етдимки, менинг барча муаммоларим, ташвишларим, кайғуларим, кулфатларим аслида менинг имкониятларимни намоён этишим учун кенг майдон экан. Менинг кўзларим энди уларнинг ташқи кўринишига алданмайди. Энди мен ҳамма нарсанинг асл моҳиятига назар солишни ўргандим. Бинобарин, энди мени ташқи қиёфа алдай олмайди.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Менинг ҳайвонот ва наботот олаmidан, шамол, ёмғир, тоғу тошлардан фарқим шундаки, мен бу оламга муҳаббат билан, маълум мақсадлар билан келганман. Бу ҳақиқат шу дамга қадар мен учун сир бўлиб келганди, энди бу сирни ҳамиша ёдда тутаман, у менинг ҳаётимга мазмун бағишлайди ва олға бошлайди.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!

Табиат мағлубиятни билмайди. Табиат ҳар доим ғолиб келган, мен ҳам ғолиб чиқишим керак. Ҳар бир ғалабамдан сўнг, навбатдагиси олдингисига қараганда енгилроқ кўлга киритилади. Менинг қўлим ҳамиша баланд келади, мен буюк ва бетакрор савдогар бўламан.

Мен табиат яратган энг катта мўъжизаман!



БЕШИНЧИ НОМА

Мен бугунни худди сўнги кунимдек яшайман!

Мен бу қимматбаҳо кунимни нимага сарфлашим мумкин? Энг аввало мен ҳаётимнинг бирор томчиси кумга томмаслигини истайман. Мен бугуннинг бир сониясини ҳам кечаги кундан афсусланиш ҳисси билан ўтказмоқчи эмасман. Кечаги омадсизликлар, аламлар, ташвишлар мени йўлдан қайтаролмайди. Агар мен бугун қанча яхши ишлар қилишим мумкин бўлганида, нима учун мен кечаги ёмон ишлар ҳақида ўйлашим керак? Ахир кумсоат ичидаги кум тепага қараб оқмайди-ку? Куёш Ғарбдан чиқиб Шарққа ботмайди-ку? Йўқ, мен шундоғам кеча йўл қўйган хатоларимни бугун тузата олмайман. Ахир мен бугун ҳам кечаги дард учун қайғуриб, уни даволай олмайман-ку? Ёки мен бугун кечагидан кўра ёшроқ бўла оламанми? Йўқ, кечаги кунга қайтиб бўлмайди. Мен кеча йўл қўйган хатони бугун тузата олмайман, кечаги оғриқни бугун даволаб бўлмайди. Кечаги кун тарихга айланиб бўлди, уни қайтариб бўлмайди.

Мен бугунни худди сўнги кунимдек яшайман!

Бугун мен нима қила олишим мумкин? Мен энг аввало кечаги кунни унутиб, эртанги кун ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиламан. Мавҳум эртани ўйлаб, бугунги кунни йўққа чиқариш мумкинми? Эртанги кун келажакка тегишли, кумсоатдаги эртанги кун соатлари ҳеч қачон бугун оқиб келмайди. Ёки бугун куёш икки марта чиқадими? Йўқ, албатта. Бугуннинг ўзида эртани ясаб бўлмайди. Эртанги куннинг тилла тангасини бугун

хамёнингга сололмайсан. Эртага туғилиши керак бўлган чақалоқ бугун дунёга келмайди. Эртанги ўлим бугун бошинг узра қанотларини ёймайди. Мен эртани ўйлаб надомат чекишим қандай наф беради? Бугунги қувончни нега тушкунликка алмаштиришим керак? Ҳеч қачон менинг йўлимда кўндаланг бўлмайдиган саволлар билан ўзимни қийнаб нима қиламан? Йўқ, мен на кечаги, на эртанги кун ҳақида бош қотираман.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Бугун! Менинг ихтиёримда бор-йўғи шу — бугун бор. Мен бу кунни ўлимга ҳукм қилинган, аммо яшаш учун бир оз фурсат берилган маҳкумнинг қувончи билан қарши оламан. Кўлимни кўкка чўзиб, менга берилган бебаҳо неъмат, бугунги кун учун Яратганга беҳад шукроналар қиламан. Мен фақат бугунни кўриш бахтидан бенасиб қолганларга ачинаман, холос. Мен яшашга яна бир кун ҳадя этилгани боис, ўзимни энг бахтиёр одам дея ҳисоблайман. Зотан, мен бугун арзийдиган иш қилдимми, йўқми, ўзим ҳам билмайман.

Яна яшашга мендан-да ҳақлироқ бўла туриб, бугун тириклар сафида бўлмаган одамлар ҳақида, нега уларнинг ўрнига мен ҳаётда борлигим ҳақида ўйлайман. Эҳтимол, улар ўз олдига қўйган ҳамма мақсадларга етиб бўлишгандир? Мен ҳали қилишим керак бўлган ишларим сабабли тирик қолгандирман? Эҳтимол бу кун ўз орзуларимга етишим учун яна бир имкониятдир! Демак, мен табиатнинг иродасини бажараётган эканман-да. Эҳтимол, мен бугун ўз мақсадларимга етарман ёки унга озгина бўлса ҳам яқинлашарман.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Менинг ҳаётим бор-йўғи бир дона, аммо ҳаёт шунчаки вақт ўлчови холос. Демак, мен улардан бирини сарфласам, иккинчисини ҳам йўқотаман. Мен бугунни

Ўз ҳаётимдан чиқариб ташласам, ҳаёт китобимнинг сўнгги саҳифасини йиртиб олган бўламанми? О, йўқ! Мен бугуннинг ҳар соатида нимадир иш қилишим керак, зеро бугун ҳам ортга қайтмайди. Эртага бормисан-йўқми, аниқ ишонч ҳосил қилмасдан туриб, бу кунни бекорчилик, ҳозирги ишни эртага қўйиш билан ўтказиш аҳмоқлик эмасми? Мен бугунги куннинг ҳар дақиқаси, ҳар сониясини севаман, чунки улар бебаҳодир. Дунёнинг бор давлати эвазига битта ортиқча нафасни сотиб ололмайсан. Менинг эртанги куним йўқ экан, бугуннинг ҳар соатини мазмунли ўтказишим лозим.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Мен вақтни бекорга ўлдираётган бекорчилардан ўзимни четга тортаман. Мен ҳеч қачон секинлашмайман, сушлашишни меҳнат билан ўлдираман. Шубҳаларни ишонч билан, кўркунни қатъият билан енгаман. Мен вайсақиларнинг бемаъни гапларини эшитиб ўтирмайман, кўли иш билан банд бўлмаган одамлардан нари кетаман. Ялқовлик ва бекорчилик ҳукмрон бўлган жойларни четлаб ўтаман. Ялқов одам ўғрига ўхшайди. У ўз яқинларининг озик-овқати, кийим-кечаги, уй-жойини ўғирлайди. Мен эса, ўғри эмасман. Мен ўз яқинларим, кадрдонларимни яхши кўраман. Шу боис, бугунги кунимни иш билан тўлдириб ташлайман, ҳаммага, ҳатто энг оғир дамларда ҳам руҳимни туширмасдан ўз яқинларим учун ғамхўрлик қила олишимни исботлайман.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Бугун қилишим шарт бўлган ишни бугуннинг ўзида бажараман. Бугун мен ўз болаларимдан меҳримни дариғ тутмайман. Ахир эртага нима бўлишини ким билади дейсиз? Бугун мен севикли аёлимнинг кўнглини олишга ҳаракат қиламан. Ахир эртага пешанамизга нималар битилганини билмаймиз-ку? Мен бугун қийин аҳволда

қолган дўстимга ёрдам кўлини чўзаман. Ахир уни эртага кўраманми-йўқми, Худо билади. Агар бошимга бирор иш тушса, садоқатли дўстимдан бошқа ким менга ёрдам бера олади? Агар у менинг ёрдамимга муҳтож бўлса, уни рад этишга ҳаққим йўқ. Мен бугун зўр бериб ишлашим, ўзгалар учун ўзимни қурбон қилишим керак, зотан, эрта мен учун мавҳумот демақдир.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Башарти бугун охирги куним экан, бугунги ишларим билан ўзимга ёдгорлик қўйишим лозим. Мен бугунни ҳаётимдаги энг гўзал кунга айлантираман. Бугун менга ҳадя қилган ҳаёт жомининг сўнгги томчисига қадар сипқораман. Бугундаги ҳар бир қимматли соат, ҳар бир дақиқа ана шундай бебаҳо ишлар билан тўлдирилади. Ўзимни аямасдан кеча ва ўтган кунгидан кўра кўпроқ ишлайман. Менинг қисматимга тижорат битилган. Мен бир дақиқа ҳам бекор ўтиролмайман. Кўпроқ эшикни тақиллатиб, кўпроқ маҳсулот сотиб, ҳар кунгидан кўра кўпроқ даромад қиламан ва бугуннинг ҳар сонияси мен учун фойда олиб келади. Энг сўнгги куним менинг энг яхши куним бўлиши керак.

Мен бугунни худди сўнгги кунимдек яшайман!

Агар эртага яна бир тонгни қарши олсам, бунинг учун Яратганга беадад шукроналар ўқийман.



ОЛТИНЧИ НОМА

Бугун мен ўзимни бошқаришни ўрганаман ва ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Қирғоққа ёпирилган тўлқинлар албатта ортига қайтади. Қиш ўтиб ёз келади. Кейин яна қиш бошланади, қаҳратон забтига олади. Ҳар куни куёш чиқади, яна ботади. Учиб келган қушлар яна ўз ўлкаларига қайтиб кетади. Очилган ғунчалар кун келиб хазонга айланади. Ерга ташланган дон майса бўлиб униб чиқади. Бутун табиат — ҳолатлар алмашиб турадиган тор доирага ўхшайди. Мен ҳам табиатнинг бир қисми эканман, менинг ҳам кайфиятим турланиши табиий ҳол. У ҳам тўлқин сингари гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туради.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Табиатнинг энг тушунарсиз жумбоқларидан бири шундаки, мен негадир бир кайфиятда ухлаб, бутунлай бошқача кайфиятда уйғонаман. Нега? Нима учун кечаги қувончдан асар ҳам қолмади? Нега кечаги кўтаринкилик бугун тушқунликка йўл бўшатди? Лекин бу жараён тескари рўй бериши ҳам мумкин. Бугунги қайғу ўрнини эртага қувонч эгаллайди. Нега бундай бўлади? Чунки мендаги ҳиссиётлар ғилдираги мунтазам айланиб туради. Қайғу қувонч билан алмашинади, севинч тушқунликка йўл беради. Менинг ҳисларим гулларга ўхшайди. Бугун қувончдан барқ уриб очилса, эртага ғамдан сўлиб қолади. Ва мен худди пайтда бугун сўлиб қолган гулларнинг

бағридаги эртанги кувонч уруғлари борлигини сезиб тураман.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Лекин мен ўз ҳисларим устидан қандай ҳукмронлик қиламан? Куним янада сермахсул бўлиши учун уларни қандай бошқаришим керак? Агар мен бир муаммони еча олмасам, кайфиятим тушиб кетади ва куним омадсиз якун топади. Дарахтларнинг ва майсаларнинг ўсиши об-хавога боғлиқ. Улар куёш қиздириши билан гуллайди, совуқ ел эсиши билан хазон бўлишади. Мен ўзим учун зарур иқлимни ўзим яратаман. Агар мен тунда ўз устимдан ёмғир ёғдирсам, демак ўзимни тушкунликка, кайғуга солган бўламан, бу менинг савдомга ҳам таъсирини кўрсатади. Агар мен ўз харидорларимни хуш кайфиятда қарши олсам, мендаги илиқлик уларга ҳам кўчиб ўтади. Менинг иқлимим, кайфиятим ўз навбатида менинг ҳосилимга савдо-сотиғимга, олтинга айланган молларимга таъсир қилади.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Ҳар бир куним бахтли, ҳар бири ишим унумли бўлиши учун ҳисларимни қандай бошқаришим лозим? Бунинг учун мен асрий сирларнинг тагига етишим керак: кимки ўз ишини ҳисларига бўйсунган ҳолда юритар экан, у ожиздир. Кимки ишларини ақлига таяниб юритар экан, у кучлидир. Ҳар куни ўрнимдан турар эканман, тушкунликка тушмаслигим, ўз тақдиримдан нолимаслигим, шу тариқа ўзим учун навбатдаги нохушликни ҳозирламаслигим учун қуйидаги режаларимни амалга ошираман.

- Агар ўзимни ғамгин сезсам, кўшиқ айтаман.

- Агар юрагимни ғам босса, кула бошлайман.
- Ўзимни лоҳас ҳис этсам, икки карра ғайрат билан ишлайман.
- Қўркувни ҳис этсам, олдинга интиламан.
- Ўзимга нисбатан ишончсизликни ҳис этсам, баланд овозда гапира бошлайман.
- Ўзимни қашшоқ ҳис этсам, олдинда мени кутаётган бойлик ҳақида ўйлайман.
- Ўзимни нодондек ҳис этсам, ўтмишдаги ютуқларимни ёдга оламан.
- Ўзимни ҳеч кимга кераксиз ҳис қилсам, ўз мақсадларимни эслайман.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Ҳозирдан бошлаб, шунга қатъий ишонаманки, ҳатто ташқи кўринишини ҳам ўзгартиришга қодир ички кучга эга бўлган одамларгина ғолиб бўладилар. Ҳали узоқ вақт ботинимни емиришга чоғланган ғам-андух лашкари билан курашишимга тўғри келади. Уларни илғаш осон. Аммо шундай ҳислар бўладики, улар ширин табассум остида яширинган бўлишади. Улар сизга ёрдам қўлини чўзгандек бўлиб, омадсизлик ботқоғи томона тортадиган “дўст”ларга ўхшайди. Аммо менда бундай кучларга қарши зидди заҳар мавжуд.

- Агар ўзимнинг ҳаддан ташқари ҳаволаниб кетганимни сезсам, ўтмишдаги омадсиз дамларимни эслайман.
- Ҳою ҳашамга чўма бошласам, фақирларни эсга оламан.
- Агар ором ва сокинликни истаб қолсам, рақобатчиларимни эсга оламан.
- Агар вақтинчалик омад кўзимни камаштирса, толесиз дамларимни эслайман.

- Ўзимни жуда қудратли ҳис этсам, шамолни тўхтатишга уринаман.
- Ўзимни ҳаммадан бой деб ўйласам, қанча очнаҳор одамларни тўйғазишим кераклиги эсимга тушади.
- Агар ғурур мени маҳв этса, ўзимнинг ожиз ва чорасиз дамларимни эслайман.
- Агар ҳолатимни ўта ёрқин тасаввур қилсам, юлдузларга боқаман.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Мен бу билимларни эгаллаб бўлгач, ҳузуримга келган ҳар қандай одамнинг кайфиятини белгилай оламан. Мен уларнинг ғзабини тўғри тушунаман, чунки улар мен билган сирдан беҳабар. Менинг ёнимга келган кимса ўз ҳисларини бошқара олмайди, мен эса уларни назорат қила оламан. Мен зулм ва ҳақорат ўқларини бемалол қайтара оламан, чунки бугун ёнимга келган одамнинг менга муносабати эртага бошқача бўлишига ишонаман. Мен ҳеч бир кимсанинг устидан бир кўришда ҳукм чиқармайман. Бугун ҳузуримга келиб, мендан бирор ноҳуш гап эшитмаган кимса эртага мен билан мулоим қиёфада юзлашади. Агар у бугун мендан катта аравани ярим тангага олмаган бўлса, эртага битта кўчатни бир ҳамён тиллага сотиб олиши мумкин. Кайфиятни билиш, кайфиятни бошқариш бойликнинг калитидир.

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман!

Ҳозирдан бошлаб, мен кайфиятни англай оламан, мен бунинг сирдан огоҳман. Мен наинки ўзимнинг, балки ҳамма инсонларнинг кайфиятини аниқлай оламан. Ва шу ондан мен ўзимнинг ички “мен”имни эзгулик томон йўналтираман, кайфиятни бошқара билиш бу тақдирни

бошқариш билан баробар. Бугундан бошлаб, мен ўз тақдирим жиловини қўлимга оламан ва дунёдаги энг буюк савдогарга айланаман!

Бугун мен ўз ҳисларимнинг хожасига айланаман ва комилликка эришаман!





ЕТТИНЧИ НОМА

Мен баралла куламан!

Инсондан бошқа ҳеч бир тирик жонзот кула олмайди. Дарахтни жароҳатлашса йиғлаши мумкин, йиртқичлар очликдан наъра тортишади, фақат мен истаган пайтимда кула оламан. Ҳозирдан бошлаб, мен ҳар доим кулиб юраман.

Мен куламан ва янада кучлироқ, соғломроқ бўламан. Мен куламан ва менинг ташвишларим енгиллашади. Мен куламан ва саломатлигим янада яхшиланади. Мен куламан ва умрим узоқ бўлади. Кулги узоқ умр калитидир ва бу калит энди менинг қўлимда.

Мен баралла куламан!

Ҳаммадан кўра кўпроқ ўз устимдан куламан. Зеро, дунёда ўзига жиддий қараб турган одамдан ҳам кулгилироқ мавжудот йўқ. Мен ақлим қўйган қопқонга ҳеч қачон тушмайман. Гарчи мен табиатнинг энг мукамал мўъжизаси бўлсам-да, вақт шамоли мени худди майса мисол тебрата олади. Мен қаердан келганимни ва қаерга боришимни биламанми? Менинг бугунги ташвишларим ўн йилдан сўнг менга кулгили туюлмайдими? Бугунги куннинг бемаънилиги ва бахтсизлиги ҳам чекиб ўтиришимга арзийдими? Қуёш чиқишидан олдин нима юз беришини ким менга айта олади? Менинг майда муаммоларим вақт уммони олдида нима деган гап?

Мен баралла куламан!

Лекин мен қаршимда мени ўзидан нари қилишга уринаётган одамни кўрсам, қандай қулишим мумкин? Бугундан агар мени яхши кайфият тарк этаётганини сезсам, хаёлан уч сеҳрли сўзни такрорлай бошлайман. Бу сўзлар менгача асрлар ва насллар ошиб келган. Энди бу сўзлар мени олдинга бошлайди ва мукамалликка эриштиради. Мана ўша сўзлар: Ҳамма нарса — ўткинчи!

Мен баралла куламан!

Ҳамма нарса — ўткинчи. Агар касалланиб қолсам, касаллик ҳам ўткинчи эканини айтиб, ўзимга тасалли бераман. Ишим юришиб кетса, омад ҳам ўткинчи эканини ўзимга эслатаман. Бойлик мени ҳаволатмайди, чунки биламанки, бойлик ҳам ўткинчи. Баланд эҳромларни кимлар қурган? Қани улар? Балки шу улкан харсанглар остида ётишгандир? Эҳромларнинг ўзи-чи? Улар ҳам қачондир бир уюм қумга айланар балки? Агар булар ҳам ўткинчи бўлса, бугунги куннинг муаммолари у қадар кўрқинчли эмас экан-да?

Мен баралла куламан!

Мен бу кунни оқ-қора рангларга эмас, ўз кулгим билан ўзим истаган рангга бўяшим мумкин. Мен қатъият билан ишлайман, Йўқ, бахтли бўлиш учун эмас, балки ўзимдан ғам-қайғуни ҳайдаш учун. Бугунги қувончдан мен бугуннинг ўзида фойдаланман. Қувонч шароб эмас, уни кўзага солиб асраб қўйиб бўлмайди. У нон ҳам эмас, омборда сақлаб қўя олмайсан. Қувонч шундай нарсаки, уни топган онингдаёқ ишлатишинг керак. Шу боис, бугундан бошлаб, мен қувонч меваси кўлимга тушиши билан тановул қиламан.

Мен баралла куламан!

Кулги менга ҳамма нарсани ўз ўлчамида кўришимга имкон беради. Каттани катта, кичикни кичик кўра оламан. Мен ўз омадсизлигим устидан куламан ва улар худди тонги тумандек тарқалиб кетади. Мен ўз ютуқларим устидан куламан ва улар ўзининг хақиқий ўлчамида кўрина бошлайди. Мен зулмнинг устидан куламан ва у менга яқинлашмасдан гумдон бўлади. Мен эзгуликнинг устидан куламан ва у ўз ўлчами даражасидан катталашиб, мени қамраб олади. Қачонки менинг табассумим ўзгаларнинг ҳам юзида акс этса, шу кун менинг энг буюк куним бўлади. Мен табассум қилишдан тўхтамайман, ўз табассумимни ҳеч кимдан яширмайман. Зеро, ғам ҳамённи бўшатади. Шодлик эса уни олтинга тўлдиради.

Мен баралла куламан!

Энди мен бир томчи кўз ёшимни ҳам тўкмайман. Ғам, андух, афсусланиш савдогарга ярашмайди. У фақат ўз қувончи ва табассумини олтинга алмашиши мумкин, кўз ёшларини эмас. Унинг ҳар бир яхши сўзи омад қасри қурилиши учун битта ғишт саналади. Мен ҳеч қачон ўз бойлигим, буюклигим, билимим ва кучқудратим билан ғурурланмайман. Акс ҳолда ўзим ва бу олам устидан кула олиш қобилиятимни йўқотиб қўяман. Мен ҳар доим жилмайганча, пастдан юқорига боқаётган болакайга ўхшашга интиламан. Мен куйидан юқорига боқарканман, кибру ҳаводан анча олисда бўламан.

Мен баралла куламан!

Мен кулар эканман, ҳеч қачон камбағаллашиб қолмайман. Кулги — табиатнинг буюк инъоми ва мен уни йўқотмасликка ҳаракат қиламан. Кулги ва бахт бир-

бирига ҳамсоя. Улар бир-бирини етаклаб юради. Кулги менга бахт ва омад олиб келади. У менга ўз меҳнатимдан ҳузурланишга ёрдам беради. Агар мен кулишдан тўхтасам, бахт ҳам мени тарк этади, мен эса омадсиз бўлиб қоламан. Бахт овқатнинг таъмини безайдиган шароб. Омаддан лаззатланиш учун мен бахтли бўлишим керак, бахтни эса менга йўлдошим бўлмиш кулги бошлаб келади.

Мен бахтли бўламан. Шунда омад мени кутиб олади ва мен дунёдаги энг буюк савдогарга айланаман.





САККИЗИНЧИ НОМА

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Инсон даҳоси тут дарахтидан ипак ярата олади. Инсон даҳоси лойдан мустаҳкам қалъа бино қила олади. Инсон даҳоси туфайли оддий сарв ёғочидан мухташам ибодатхона тикланади. Инсон даҳоси кўй жунидан шоҳона либослар яратишга қодир. Модомики, лой ёки япроқ, жун ёки ёғоч шунчалик қадр топар экан, мен шуларчалик бўлмайманми?

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Мен ўзимни уч хил қисматидан бирини кутаётган буғдой донига ўхшатаман. Биринчисида, донни омборда сақлаб, кейин чўчкаларга ем қилишади. Иккинчисида, уни янчиб ун, кейин нон қилишади. Учинчи ҳолатда уни ерга қадаб, ундан олтин бошоқ ўстиришади. Бу бошоқ эса, яна юзлаб донни дунёга келтиради. Мен худди буғдой донига ўхшайман, аммо ундан битта жиҳатим билан фарқланаман. Дон ўз қисматини ўзи танлай олмайди. Унинг ўрнига хўжайини қарор чиқаради: истаса, уни чўчкаларга ем қилади, истаса тегирмонда тортиб, нон ёпади ёки ундан буғдой ундиради. Менинг танлаш ҳуқуқим бор ва мен чўчкаларнинг оёғи остига ташлашларини истамайман. Мени исталган ерга сочишларини ҳам истамайман. Чунки ер ҳам ё тошлоқ, ё тақир, ё ҳосилдор бўлади. Йўқ, мен ўз қисматимни бошқаларга ишониб топширмайман.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Ўсиши ва ҳосил бериши учун донни қоронғилик қўйнига, ер бағрига ташлашади. Менинг омадсизлигим, мен учратган тўсиқлар, қаршилиқлар ёриб чиқишим лозим бўлган зулматни эслатади. Худди буғдой дони ёмғирга, қуёшга, иссиқлик ва шамолга эҳтиёж сезгани сингари менинг вужудим ва тафаккурим ҳам парваришга мухтож. Усиз мен ўз мақсадларимга етолмайман. Буғдой донининг ўсиши ташки омилларга, шарт-шароитга боғлиқ. Мен эса, кимдир бундай шароит яратиб беришини кутиб туролмайман. Мен ўз тақдиримни ўзгартира оламан.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Лекин буни қандай уддалайман? Авваламбор, мен ҳар куни ўз олдимга кичик-кичик мақсадлар қўяман ва уларни амалга ошираман. Аввалига кунлик режаларни ишлаб чиқаман, кейин ҳафталик, ойлик, йиллик, бир умрлик мақсадларни тузиб чиқаман. Буғдой дони ерни ёриб чиққач, уни ёмғир суғориши лозим. Мен ҳам ўз олдимга мақсадлар қўйишим, менинг барча имкониятларим юзага чиқмасидан аввал уларни амалга оширишим керак. Мақсадлар аниқ бўлгач, мен ўзимнинг ҳозирги қобилиятимни оқилона баҳолайман ва уни мавжуд тажрибаларимга таяниб юз марталаб яхшилаيمان. Ҳозирдан бошлаб, бу қоида менинг келгусидаги ҳаёт тарзим учун андаза вазифасини ўтайди. Мен ҳеч қачон олдиндаги мақсадимга ета олишимга шубҳа қилмайман. Ханжаримни бургутни мўлжаллаб туриб, тошга урганимдан кўра, ойни нишонга олиб, бургутга санчганим яхшироқ эмасми?

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Режаларимнинг катталиги мени кўрқитмайди ва ортга чекинишимга мажбур қилмайди. Ҳатто ўз мақсадим сари кетаётиб, беихтиёр қоқилиб кетсам ёки йиқилиб тушсам-да, аҳдимдан қайтмайман. Фақат чувалчангларгина йиқилиб тушишмайди, чунки уларнинг иши судралишдан иборат. Йиқилишлар мени чўчитмайди, мен ўрнимдан туриб, уч қарра қувват билан ўз орзум сари интилавераман. Мен чувалчанг ҳам, ҳаёти обҳаво билан боғлиқ бўлган пиёз ҳам, қўй ҳам эмасман. Мен — инсонман. Майли, бошқалар лойдан омонатгина бошпана тиклаб олаверишсин, мен қасрда яшашни истайман ва менинг мақсадим бу қаср учун тошларни излаб топишдир.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Кўхна ҳикматлар акс этган бу номалар ҳаётимни худди ерни киздириб, буғдой донига ҳаёт бахш этувчи куёшга ўхшайди. Номалардаги ҳикматлар барча орзуларимни ҳақиқатга айлантиришимга ёрдам беради. Бугунги битта ишим кечаги ўнлаб ишларимнинг ўрнини босади. Бугун нима бўлишидан қатъи назар орзуларимнинг чўққисига тирмашавераман. Агар бугун чўққини забт этолмасам, эртага чўққига албатта чиқа оламан. Кейинги чўққи эртангидан ҳам баландроқ бўлиши мумкин ва уни ҳам албатта забт этаман. Бугундан бошлаб мен учун бошқалардан ўзиб кетиш муҳим эмас. Ҳар куни ўзимдан ўзишга интилиб яшайман.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Мен ўз мақсадларим ҳақида гапирганимда, буғдой донининг пишиб етиладиган ўша оқшом менинг овозимни ҳаммага етказди. Бирок, мен ўз мақсадларимни ошқор қиларканман, мен уларга қоқилиб кетмайман, акс ҳолда

Ўз қиёфамни йўкотаман. Мен буюк инсонга айланаман ва менинг кулгим орқали одамлар менинг сўзларимни, режаларимни, орзуларимни эшитишади, шунда менга ўйлаганларимни амалга оширишдан бошқа йўл қолмайди. Фақат ана шундагина ўз орзуларимни амалга ошира оламан.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Агар менинг орзуларим у қадар юксак бўлмаса, бу ҳали фалокат эмас. Мен қатъият билан ишласам, омадсизликлар мени тарк этади. Аммо ҳеч қачон ўзим эришган ютуқларга қаноат қилмайман, чунки бундан ҳам кўпроғига қодир эканимни биламан. Кичикрок мақсадимга эришсам, олдимга каттарок мақсадларни қўяман. Мен шундай ҳаракат қиламанки, олдиндаги ҳар соат ҳозиргисидан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Аммо, ҳеч қачон ўзим қила олишим мумкин бўлган, аммо улгурмаган ишларим ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайман. Дунёнинг ўзи менинг меҳнатим ва қобилиятимни кўриши ва тан олиши керак. Агар қимдир мени мақтай бошласа ёки ўрнак қилиб кўрсатса, демак Яратганнинг ўзи менга шуни раво кўрибди деб ҳисоблайман ва камтаринлик ила қабул қилишга уринаман.

Бугун мен ўз қадримни юз баравар ошираман!

Биргина буғдой донидан шу қадар кўп дон пайдо қилиш мумкинки, бу билан ҳатто дунёдаги барча оғборларни тўлдирса бўлади. Менинг ўша дондан қаерим кам? Мен ундан-да кўпроғига қодирман.



ТУҒҚИЗИНЧИ НОМА

Менинг орзуларим лойдан, режаларим чангдан иборат, мақсадларимга эса етиш амри маҳол. Ҳеч нарса амалда тасдиғини топмас экан, ҳеч қандай қиймат касб этмайди.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Дунёда рангли ва мукаммал хариталар жуда кўп, аммо уларнинг ҳеч бири инсонни ўз ўрнидан бир қарич ҳам силжита олмайди. Жуда кўп қонунлар мавжуд, аммо улар қанчалик адолатли бўлмасин, ҳеч бири бирор-бир жиноятнинг олдини ололмайди. Дунёда ҳеч бир матн йўқки, ҳар қанча дохиёна бўлишидан қатъи назар ўзича бир чақа пул ишлаб, тингловчиларни ҳайратга солсин.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Амалиёт! Агар инсон томонидан ҳаракатга келтирилмас экан, хариталар ҳеч кимга наф бермасдан, чанг босиб ётаверади. Инсоннинг ҳаракатсиз ҳеч бир қонун самара бермайди. Бирор-бир ҳикмат то ундан фойдаланилмас экан, бир чақага қиммат бўлиб қолаверади. Бу номалар ҳам худди шундай. Инсонни у эмас, балки ҳаракат, амалиёт бойитади. Ҳаракат, иш менинг режаларимни мақсад ва орзуларимни ҳақиқатга айлантиради. Амалиёт — бу мен интилаётган омаднинг суви ва нонидир.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Менинг оёғимдан тортадиган нарса бу қатъиятсизлигим, сусткашлигимдир. Улар кўрқувдан туғилади. Бироқ энди мен асрлар оша мардонавор етиб келган сирдан хабардорман. Энди мен кўрқувни фақат иш билан енгизиш мумкинлигини биламан. Мен суръатни асло туширмасдан ишлайвераман ва кўрқувни енгаман. Ҳаракат билан чегараларни маҳв этиш ва ўзни кўрқувдан халос этиш мумкин. Мен ҳаракатим билан кўрқув шерини мулоғим кумурсқага айлантираман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Энди мен ҳамиша фақат учаётиб, нур таратадиган тиллақўнғиздан ибрат олиб яшайман. Мен тиллақўнғизга айланаман ва кундузлари ҳам қуёш нуридан кўра ёрқинроқ кўринишга уринаман. Майли бошқалар капалакдек турфа гуллар узра қанот қоқаверишсин. Мен эса тиллақўнғиз бўламан ва бутун дунё менинг нуриمنى кўра олади.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Мен бугунги ишни ҳеч қачон эртага қолдирмайман. Зотан, менда эртанинг ўзи борми-йўқми билмайман. Менга бошлаётган ишим бахт ёки омад келтиришидан қатъи назар бугундан ҳаракатни бошлайман. Мен шунчаки ишлашни бошлайман, токи мени ҳеч ким уқувсиз, ишқмас дея олмасин. Бахтга эса меҳнат туфайли эришилади. Бахт парваришсиз, ҳаракатсиз нобуд бўладиган ниҳолга ўхшайди.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Ҳаракат қиламан, ҳозирок, ҳозирок, ҳозирок! Ҳаракат қиламан!

Ҳозирданок мен бу сўзларни бетўхтов қайтаравераман. Мен бу сўзларни ҳар куни, ҳар соат то тану жоним-

га сингиб кетгунига қадар қайтаравераман. Улар худди нафас сингари ҳаётимнинг бир қисмига айланади. Ҳаракат, меҳнат менинг эҳтиёжим бўлиши лозим. Худди киприklar хамиша пирпираб тургани сингари мен ҳам ишламасдан туrolмайман. Мен хамиша ўзимни меҳнатга жалб этарканман, ўзимни ҳар қандай тўсикқа тайёрлаб бораман ва у мени қўрқитолмайди. Ўз меҳнатим билан мен жаҳондаги ҳамма тўсикларга қарши чиқаман. Мен уларни енга оламан, чунки мен бахтсиз одамнинг ролини ўйнамаяпман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Бу сўзни қайта-қайта такрорлайман. Эрталаб мен тўшагимдан турарканман, бу сўзларни айтаман. Майли омадсизлар ухлайверишсин, мен эса ишлашим керак.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Мен дўконимга киришим билан дарҳол ишимни бошлайман, ўз маҳсулотимни таклиф этишга киришаман. Мен маҳсулотимни рад этишларидан қўркмайман, чунки мен бари бир ишимни давом эттираман.

Гарчи мени омадсизлик кутаётганини аниқ билиб турсам ҳам ёпиқ эшиклар олдида тўхтаб, қўркмасдан уни тақиллатаман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Агар қаердадир чалғиб қолсам, дарров сергак тортаман. Агар нимагадир чалғиб, йўлимдан адашгудек бўлсам, ҳамма орзуларим кулаб тушади.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Агар мен чарчаб қолсам, бугунги ишимни эртага давом эттирмақчи бўлсам, мен ўзимни мажбурлаб

бўлса-да, давом эттиришга ундайман. Шу заҳоти бугун бирор ишни битирмагунча ишдан тўхтамасликка ҳаракат қиламан.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Менинг қийматим қилган ишларим билан белгиланади. Ишларим кўпайса, кадрим ҳам ошади. Мен ўз ишимни кенгайтириб, омадсизлик яқин йўламайдиган кўчаларни излайман. Мен тинимсиз меҳнат қиламан, шунда омадсизлик ҳам ортимдан қувишдан чарчайди. Агар омадсизлик мени бир жойда тўхтатмоқчи бўлса, мен у бориши мумкин бўлмаган ўнлаб бошқа жойларга ошиқаман. Мен ҳали омадсизлик қулоғимга шивирлаб, кечикканимни англамасдан туриб ишимни битираман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Чунки бугун бу — ҳамма нарса, эртани эса ялқовларга қолдираман. Мен ялқов эмасман. Эртага зулм ҳам муруватга айланар, лекин мен зулм эмасман. Эртага заифлар кучлироқ бўлишар, мен эса заиф эмасман. Эртага омадсизнинг ҳам омади чопар, лекин мен бугун улгуриб қолишим керак, чунки мен омадсиз эмасман.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!

Агар шер оч қолса, овқатланади, бургутни чанқок қийнаса сувга учиб боради. Ҳайвонлар яшаш учун ҳаракатланишади. Мени ҳам очлик ва ташналик қийнамоқда. Мен омад, бахт ва хотиржамликка ташнаман. Мен фақат иш билан ўзимни фақирликдан, ночорлик кўз-ёшларидан, уйқусиз машъум тунлардан қутқараман.

Мен ўзимни бошқариш ва ўз буйруқларимни бажаришга ўргандим.

Мен бугундан ҳаракатга киришаман!



ЎНИНЧИ НОМА

Орамизда кулфат ё бахтсизликка йўлиқиб қолса, Яратгандан мадад сўрамайдиган бирор кимса бормикин? Ғам, бахтсизлик, ўлим, бизнинг қўлимиздан келмайдиган мушкулотлар, биз ҳал қилолмайдиган муаммолар билан юзма-юз келганда, ким Парвардигорга юзланмайди? Дуолар, муножот қаердан ва қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайдиган қадимий ва чуқур инстинктлар саналади. Бошига мусибат тушганида, ғам-ташвишга дуч келганида Яратганга нола қилмаган бирор одам бормикин?

Агар кимнингдир юзига қараб қўлингни силкитсанг, у сесканиб, киприк қоқади. Агар тиззанга чертсанг, оёғинг тепага сапчийди. Кимгадир кўрқинчли гап айтиб қолсанг, у беихтиёр “Эй Худо!”, дея хитоб қилади. Нега? Ўша қадимий инстинкт унга нутқ ва ҳиссиёт ато этади. Ҳатто, эътиқоди заиф одам ҳам оғир дамларда Яратгани эсга олишини тан олади ва бу ҳаётимиздаги сирлардан биридир. Ҳарбир тирикжон, жумладан инсон ҳам мусибат онда ёрдам сўрайди. Бу — инстинкт. Аммо бу хислат бизга нима учун берилган? Бизнинг бу ғайриихтиёрий нидомиз ўзига хос дуо эмасмикин? Наҳотки, табиат бу инстинктни паррандаю даррандаларга, инсонларга бериб, уларнинг нидоси Парвардигорга етиб боришини таъмин этмаган бўлса? Акс ҳолда табиат бу инстинктни бизга бериб нима қиларди? Мен ҳам энди дуо қиламан, аммо Ундан фақат тўғри йўл кўрсатишни сўрайман,

холос. Мен Қодир эгамдан мол-дунё сўрамайман. Мен ўз кулимга у ёки бу нарсани бажаришни сўрайдиган хожа ҳам эмасман. Мен Яратгандан олтин ёки кимнингдир муҳаббатини қозонишни, қатга ғалабалар ёки майда ютуқлар, соғлиқ ва бахт ҳам сўраб ўтирмайман. Мен Ундан биргина нарсани сўрайман: Мен ўзим истаган мақсадларга эришишим учун тўғри йўл кўрсатишини сўрайман, холос. Парвардигор бу ўтинчимни бажо этишига ишонаман. Мен Худодан тўғри йўл сўрайман ва у истаса қабул қилади, истамаса йўқ. Иккинчи ҳолат ҳам менинг саволимга етарлича жавоб бўла олади. Агар бола отасидан нон сўраса-ю, уни ололмаса, бу ҳам қандайдир жавоб-ку, тўғрими?

Мен ўзимга маслаҳат, тўғри йўл сўраб дуо қиламан. Менинг дуоларим қуйидагича бўлади:

Эй бутун борлиқни Яратган эгам, бу оламга фақир ва ёлғиз бўлиб келган мендек бандангдан қарамингни дариз тутма! Дунёда мени қўллаши мумкин бўлган энг қудратли қўлнинг соҳиби Сенсан. Агар Сен мадад бермасанг, тақдир сўқмоқларида адашиб, бахт ва омад йўлини ҳеч қачон топа олмайман.

Сендан олтин ва қимматли либослар сўрамайман, ўз қобилиятимни намоён этиши учун имконият ҳам сўрамайман. Фақат бир нарсани сўрайман — мени шундай йўлга бошлагинки, ўз қобилиятим билан этишим мумкин бўлган ҳамма нарсага муяссар бўлай.

Ўз ризқини топиб ейиши учун шер ва бургутга ўтқир панжалар ва тирноқлар ато этдинг. Менга ҳам шундай куч, гайрат ва ақл ато этгинки, улар ёрдамида одамлар орасида шерга, ўз ишимда эса бургутга айланай.

Ҳамиша камтарин ва камсуқум бўлиб қолишимга ўзинг кўмак бер, ҳаддан ортиқ кибрланиб кетмаслигим учун қаршимда тўсиқлар тиклагин, аммо мени галаба билан бирга келадиган қувончлардан мосуво қилма.

Ҳеч қачон бировларнинг таъсири остига тушиб қолишимга йўл берма, мени шундай бошқаргинки, мен бошқалар ҳеч нарса топа олмаган ердан омад уруғларини топа олай. Рухимни синовдан ўтказа оладиган қўрқув юбор, шу билан бирга уни енга оладиган қувват ҳам ато этгилки, мен ўз омадсизликларим устидан кула олай.

Менга кўзлаган барча мақсадларим ижобатини кўришга етгулик умр бер, шунингдек, бугунги кунимни худди ҳаётимнинг сўнги кунидек яшашим учун ўз ёрдамингни аяма.

Нутқимга, ўзимга илҳом бахш этгинки, унинг ёрдамида муваффақиятга эришай, аммо уни гийбат ва фаҳш сўзларга банд бўлишдан асра.

Менга куч-қувват ва қатъият бағишла. Нигоҳимни ўткир қилгилки, ўз имкониятларимни кўра олай. Шунингдек, ўз кучимни тўғри йўналтиришим учун сабр ва қобилият ато қил.

Мени ёмон одатлардан халос эт, ахлоқимни гўзал қилгин. Мени бемор ва ожизлар билан ҳамнафас қилгил, бу оламда ҳамма нарса ўткинчи эканини тушунишим учун идрок бағишла.

Майли, мени бошқалар кўра олмаса-да, менинг қалбимни одамларга нисбатан меҳр ва оқибат билан тўлдир. Токи, мен ўз душманларимни дўстларимга айлантира олай.

Агар бу истақларим Сенга мақбул бўлса, уларни ижобат айла! Мен Сен яратган борлиқ узумзоридаги кичик бир шингилман. Аммо Сенинг ироданг ила мен

бошқалардан фарқланиб тураман. Дарҳақиқат, мен ўзим интилайтган мақомга муносибман, бу йўлда Сен ўзинг менга раҳнамолик қил.

Ёрдам бер менга Раббим, ўзинг йўл кўрсат!

*Сен зиммамга юклаган вазифаларни тўла-тўқис ба-
жсо келтирмогим учун куч-қувват ато эт!*

*Ё Раббим, мендек бенаво тожирдан марҳаматингни
аяма. Ўзинг қўлла, ўзинг қувватла Раббим!*





УЗОҚ КУТИЛГАН МЕҲМОН

Хафид бу номаларнинг навбатдаги эгаси келишини кутиб, ўз қасридаги хужраларнинг бирида ёлғиз ўтирарди. Хафиднинг ёнида кекса хизматкор Эрасмусдан бўлак ҳеч ким қолмаганди. Вақт ўтиб борарди. Қиш ўз ўрнини баҳорга, баҳор ёзга, ёз эса яна қишга бўшатиб берарди. Қарилик ўз ишини қилди. Хафид энди камдан-кам ҳолларда қасридан ташқарига чиқар, асосан боғида ўтирарди.

У кутарди. У ўзининг афсонавий бойлигини одамларга тарқатиб берганидан кейин ҳам уч йил кутди.

Мана кунларнинг бирида Шарқдан, саҳро тарафдан шаҳарга бир ажнабий кириб келди. Ўрта бўйли ажнабий оқсоқланганча Дамашкка кириб, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай, тўғри Хафиднинг қасрига йўл олди. Эшик олдида турган Эрасмус ажнабийга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Сенинг хожанг билан гаплашмоқчи эдим, – деди ажнабий тавозе билан бош эгиб.

Унинг кўримсиз қиёфасига киборларга хос муомаласи мос тушмай турарди. Оёғидаги сандали йиртилиб кетган ва ингичка чилвир билан боғланган, оёқлари эса шилиниб, яра-чақа босиб кетганди.

У елкасига туя жунидан тўқилган, аллақачон ямоқ тушган эски чакмонни ташлаб олганди. Узун сочлари офтоб нурларида оловланиб турар, юзлари жазирамада

қорайган эди. Фақат ёрқин рангли кўзлари унинг ичидаги гаройиб бир ёғдуни яққол акс эттирарди.

Эрасмус ажнабийга шубҳали термилди:

– Хожамда нима ишинг бор? – сўради у ниҳоят. Ажнабий орқалаб олган эски каноп тўрвасини ерга кўйиб, кўлларини олдинга чўзди.

– Мендан ранжима о, яхши одам, – илтижо қилди у. – Хожангга бирор ёмонлигим йўқ. Мен қароқчи ҳам, тиланчи ҳам эмасман. Менга бировнинг бир чақаси керакмас. Мен сенинг хожанг билан кўришишим ва у эшитишни истаётган гапни етказишим керак. Агар у мени эшитишни истамаса, ўша заҳоти чиқиб кетаман.

Эрасмус иккиланиб қолди. Нотаниш кимсанинг гаплари унинг ўта олийжаноб ва меҳрибон одам эканлигидан далолат берарди. Шу боис Эрасмус уни хожасининг қошига бошлади.

– Орқамдан юр, – деди ва қасрнинг ичига қараб кетди. Нотаниш одам оқсоқланганича унга эргашди.

Боққа кираркан Эрасмус Хафидни учратди. У мудраб ўтирарди. Эрасмус бир неча бор йўталганидан сўнг хожаси кўзини очди.

– Мени афв этгайсиз, хожам, – деди Эрасмус, – лекин бир одам сиз билан гаплашмоқчи бўлиб турибди.

Хафид бошини кўтариб, Эрасмусдан сал орқароқда турган ажнабийга қаради. Ажнабий чуқур таъзим билан гап бошлади:

– Аввало айт-чи, сен дунёнинг энг буюк савдогаримисан? – дафъатан сўради ажнабий.

Хафид хиёл ковоқ уйиб, бош ирғади:

– Ҳа, мени қачонлардир шунақа деб аташган. Аммо мен анчадан бери сен айтган буюклик шоҳсупасини тарк этганман. Мендан нима истайсан?

Меҳмон қаддини ростлаб, Хафидга қаради. Дафъатан олдинга бир қадам босди-ю, яна тўхтаб қолди. Афтидан узок йўл уни ҳолдан тойдирганди. Ажнабийнинг кўзлари чакнаб, жабрдийда қиёфаси унга ўзгача ифода бахш этиб турарди.

– Менинг асл исмим Савл, мен Қуддусдан она шаҳрим Тарсга қайтпман. Менинг кийимимни кўриб ажабланма. Мен йўлтўсар қарокчи ёки тиланчи эмасман. Тарс ва Рим фуқаросиман. Аввал устачилик қилганман, кейин устоз Гамалаилдан сабоқ олганман. Мени баъзилар Павел ҳам дейишади.

Ажнабий гапиришга ҳам қийналар, баъзида нафаси бўғзига тикилиб қоларди. Хафид меҳмонга етарлича эҳтиром кўрсатмагани учун ўзидан хижолат бўлди ва узр сўради:

– Мени афв эт, йўловчи, марҳамат, ўтиришинг мумкин.

Павел миннатдорчилик билан бош ирғади, аммо турган ерида қолаверди.

– Сенинг ёнингга эҳсон сўраб эмас, фақат сен менга беришинг мумкин бўлган маслаҳат ва ёрдам сўраб келдим, – давом этди у. – Аммо, ундан аввал бу ёққа келаётганимда Дамашқ йўлида юз берган воқеаларни сўзлаб беришимга изн бер.

Эрасмус, хўжайинига қараб, қандайдир ишора қилганди, хожаси унинг бу ҳаракатини сезмаганга олди. У қутилмаган меҳмонни диққат билан кўздан кечириб, хикоясини тинглашга рози эканини билдириб бош ирғади.

– Мен сенга бошимни кўтариб туришим учун қарилик қиламан, – деди Хафид. – Шу боис, ўтириб гапиравер, мен сени эшитаман.

Павел тўрвасини ерга кўйиб, Хафиднинг каравоти ёнидан жой олди. Хафид эса унга ҳамон қизиқсиниб қараб турарди.

– Тўрт йил илгари ёлғон ҳақиқатларни кўр-кўрона ўрганиб юрган пайтимда Қуддусда авлиё Стефанни оломон қандай тошбўрон қилганини кўргандим. Синедрион уни ибрийлар тангрисига осий бўлгани сабабли ўлимга ҳукм этганди.

Хафид ажабланиб қош чимирди:

– Бунинг менга нима алоқаси бор?

Павел шарт қўлини кўтарди.

– Тинчлан, аслида бунинг сенга алоқаси йўқ. Аммо бу ҳақда гапирмасдан туриб, ўз саргузаштимни бошлай олмасдим. Стефан Исо исмли бир устознинг издошларидан эди. Стефаннинг ўлиmidан бир йил аввал римликлар уни ҳам давлат жинойтчиси сифатида айблаб, чормихга тортишганди. Стефаннинг бёр гуноҳи Исони Масих ва пайғамбар дея тан олганида эди. Зотан кўплаб пайғамбарлар унинг келишини аввалдан башорат қилишганди. Стефаннинг айтишича, римликлар буюк пайғамбарни ҳеч бир гуноҳсиз катл этишган. Бундай гапларни тилга олиш ўлим билан барабар эди ва шундай бўлди ҳам. Бу ҳодисада мен шунчаки томошабин эмас, иштирокчи ҳам эдим. Ўша пайтларда мен жуда ёш ва такводор эдим. Мен ўша пайтда ўз эътиқодимизнинг ҳақиқий посбонларидан эдим, шу боис менга кўшинга бошчилик қилиб, Дамашкқа келишни ва Исо издошларини йўқ қилиш топширилган эди.

Эрасмус Хафидга зимдан кўз ташлади. Унинг назарида хожаси ажнабийнинг ҳикоясини бефарқлик билан тингламоқда эди. Бунака дайди йўловчилар Шарқдан кўп келарди. Ажнабий жим қолди. Боғда сирли

сукунат чўқди. Бу жимликни фақат боғдаги фавворанинг шарқираши бузиб турарди холос. Кўп ўтмай Павел яна тилга кирди:

– Хуллас, мен Исонинг тарафдорларини қатл этиш, қолганларни бу йўлдан қайтариш учун турли қийноқларга солиш иштиёқи билан Дамашққа бораётгандим, йўлда кўзим илиниб туш кўрибман. Эсимда: аввалига ноаён бир куч мени тиз чўкишга мажбур қилди. Кейин ғойибдан бир овоз эшитдим: “Павел, нега мени таъқиб этмоқдасан?”, “Кимсан?” деб сўрадим. “Мен ўша, сен таъқиб қилаётган Исоман, – деди ҳалиги овоз.– Энди ўрнингдан туриб, Дамашққа киравер, сенга нима қилишинг кераклигини ўша ерда айтишади”. Мен шу заҳоти ўрнимдан турдим. Аммо ҳеч нарсани кўролмас, худдики кўр бўлиб қолгандим. Мени кўлимдан тутиб, Дамашққа олиб киришди. Мен уч кун давомида Исонинг издошларидан бирининг уйида турдим. Шу уч кун мен туз ҳам тотмадим. Ҳатто томоғимдан сув ўтмасди. Шу пайт мени йўқлаб Анания исмли бир киши келди. Унинг ҳам тушида илоҳий амр бўлган экан. У кафтини менинг кўзларим устига қўйганди, қароқларимга яна нур эниб, дунё жо бўлди. Кейин бемалол овқатлана олдим. Аввалги кучим қайтиб келганди.

Кутилмаганда Хафид хиёл эгилиб, сўради:

– Кейин-чи, кейин нима бўлди?

– Мени ибодатхонага олиб боришди. Аммо Исонинг издошлари мени кўриб, кўрқиб кетишди. Чунки улар менинг бу шаҳарга нима мақсадга отланганимдан огоҳ эдилар. Бирок, мен улар билан қўшилиб ибодат қилдим, Исонинг пайғамбар эканига иймон келтирдим. Аммо, уларнинг аксарияти менга бари бир ишонишмади. Улар “бу кимса шунчаки бизни лақиллатаяпти, бизни таниб

олиш учун келган, эртага ҳар биримизни топиб, қатл этади”, дея хавотирда эдилар. Ҳаммани Масихга иймон келтирганимга ишонтаришим қийин кечди. Мени кўпчилик ўлдирмоқчи ҳам бўлди. Шундан сўнг қочиб яна Қуддусга келдим. Қуддусда ҳам шу нарса такрорланди. Исонинг тарафдорларидан ҳеч бири мени тан олишни истамади. Гарчи ибодатхонада тавба қилган бўлсам-да, ҳамма мендан ўзини олиб қочарди. Қанча ибодат қилмай, Исо хақида ҳар қанча гапирмай, бари бефойда эди. Мени биров эшитмасди. Кунларнинг бирида бир ибодатхонага бориб қолдим. Ибодатхона олдидағни савдо расталарида қурбонлик учун кўзичоклар ва қушлар сотишмоқда эди. Ўша ерда яна ғойибдан овоз эшитдим.

– Бу гал нимани эшитдинг? – сўради Эрасмус худди хожаси сингари ажнабийнинг ҳикоясига кизиқиши ортиб бораётганини яширмай. Йўловчи ҳайрат ичида мулозимга қаради. Хафид эса ҳикояни давом эттириши учун ажнабийга ишора қилди.

– У менга шундай деди: “Тўрт йилдирки, сен одамларни иймонга даъват этасан. Аммо, сени ҳеч ким эшитмаяпти. Сен ҳар бир сўзингни худди савдогар молини мақтагандек, ўтказга билишинг керак. Мен ҳам ўз мақсадимни масалларим ёрдамида англаганман. Йиртиқ тўр билан кўпроқ қуш тута олмайсан. Дамашққа қайт ва одамлар дунёдаги энг буюк савдогар деб атайдиган инсонни кидириб топ. Унга одамларга Менинг сўзларимни етказмоқчи эканингни айт. У сенга нима қилиш кераклигини айтади”.

Хафид Эрасмусга тезгина назар ташлади. Кекса хизматкор хожасининг нигоҳларидаги сўзсиз саволни илғаб олди. “Наҳотки, бу жулдур ажнабий менинг хожам

шунча йилдан бери кутаётган одам бўлса?”– деган хаёл унинг миясидан чакнаб ўтди.

Хафид кўлини Павелнинг елкасига ташлаб, сўради:

– Энди менга айт-чи, Исо деганинг ким ўзи?

Павел худди унга ғойибдан куч оқиб кираётгандек илҳом билан гапириб берди. У Хафидга Исо ва унинг қисқагина ҳаёт йўли ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, одамлар башорат қилган нажоткор Масих келишини узоқ ва катта орзу-умидлар билан кутишган. Ажнабий аввал Яҳё алайҳиссалом воқеаси ва унинг ортидан Исонинг зуҳур этилганини айтиб берди. Исонинг кўлгина мўъжизалари, касалларни даволагани, ҳатто ўликларни тирилтирганини ҳам ҳикоя қилди. Кейин эса, малъунлар Исони хоинларча хочга михлашганини, кейин пайғамбарнинг қайта тирилиб, фалакка, Парвардигор хузурига кўтарилганини сўйлади.

Сўзининг хотимасида ўз ҳикоясига ҳақиқат тусини бериш учун бўлса керак, оёғи остида турган тўрванинг боғичини ечиб, у ердан қизил рангли ёпинчикни чиқарди.

– Қара, хоҷам, – деди Павел тўлқинланиб, матони Хафиднинг қаршисида ёзиб кўрсатаркан, – мана бу — Исонинг бор-йўқ бисоти. Бу дунёда унинг шундан бошқа бирор моли бўлмаган. Уни хочга михлашганда, римликлар бу мато кимга тегишини аниқлаш учун қуръа ҳам ташлашган. Мен бу матони сотиб олиш учун қанча молим ва вақтимни сарфламадим.

Хафид оқариб кетганди. У титраб-қақшаб қип-қизил қон доғлари кўриниб турган ёпинчикқа кўл узатди. Эрасмус, хоҷасининг юзидаги ҳаяжонни кўриб, унга яқинлашди. Хафид то матонинг бир четидагидаги Толи ва Патроснинг таниш савдо белгисини топмагунча айлангириб кўраверди.

Павел ва Эрасмус кекса савдогар бу эски матони юзига босганча унсиз йиғлаётганини жим кузатиб туришарди. Хафид бу матони минглаб ёпинчиқлар орасидан ҳам бемалол ажрата оларди. Шу пайтгача унинг қўлидан бундай молларнинг қанчаси ўтди. Аммо илк ёпинчиқ воқеаси кечагидек унинг ёдида.

– Исонинг туғилиши билан боғлиқ нимани билсанг, айт, – пичирлади Хафид, хайратдан донг қотиб турган Павелга юзланиб.

– У бизнинг дунёга жуда оз нарса билан келди ва ундан-да озроқ нарса билан кетди. У Байт-Лахм яқинидаги ғорда, император Тиберий ҳукмронлиги пайтида туғилганини биламан, холос.

Хафид жилмайди, унинг табассумида болаларга хос беғуборлик ва хуррамлик акс этарди. Хафиднинг ажин босган юзидан ёш томчилари думалади. Уларни бир четга сидираркан, деди:

– Исо туғилган фурсатда осмонда ёркин бир юлдуз пайдо бўлмаганми? Бунақа юлдузни бу оламда ҳали ҳеч ким кўрмаган...

Павелнинг хайратдан оғзи очилиб қолганди. У нимадир демокқа уринса-да, овози чиқмади.

Бир неча дақиқа жимликда ўтди. Сўнг Хафид кўлини кўтариб, Эрасмусни ёнига чорлади.

– Менинг садоқатли кекса дўстим, минорага чикиб, ўша сандиқчани олиб кел. Ниҳоят менинг ворисим кимлиги маълум бўлди...

ИККИНЧИ БЎЛИМ

БАҒИШЛОВ

Қадимий ҳикматларда: “Донишмандларнинг донолигини нобуд қиламан ва зеҳнлиларнинг идрокини рад этаман”, – деб ёзилган. Донишманд қани? Китобсевар қани? Асрнинг саволномаси қани? Худо бу оламнинг донишмандлигини телбаликка айлантирдимми?

Коринф ҳикматларидан

Ўн икки йил давомида у менинг содиқ дўстим бўлган, азоб чекаётган пайтимда ибораларимдан абзацлар, абзацлардан варақлар ва китобларни ёзган пайтларим, у оёқларим остида сабр билан тунларини бедор ўтказган.

Кўпинча тун ярмида, мен ёзув машинкамни чиқиллатиб ўтирганимда, менга ёрдами тегиб қолиши мумкин деб кутиб, доим зийрак, қовоқларини тўлиқ юммай мудраб коларди. Мен у билан кўп йиллар давомида юзлаб ёзувчилик меҳнати муаммоларини муҳокама қилардим. У мени доимо сабр ва кунт билан тингларди.

Қанчадан-қанча қарама-қарши сюжет ва қаҳрамонларимни унда синаб кўрганман, энди усиз қандай уддалайман, билмадим.

Унинг столим ёнида турган севимли дивани, менга жуда кенг ва худди етим қолгандай кўриняпти. Мен ҳозиргача кўз ёшларимни тия олмайман, баъзида кўзим илиниб ўгириламаман-да, унга бирор нарса айтмоқчи бўламан

ва шундагина унинг ўрни бўшаб колганини, бутунлай бўшаганини англайман.

Слипперс, қария, мен сени жуда соғинаман, қачонлардир бу китобим ва бошқалари нашр қилинганда, билишимча – сен осмондан, ўзингнинг кичик диванингда ястанганча қари ошнангни маъқуллаб турганинг туфайли содир бўлади.

Бу китобни севувчи қалбим билан сенга – кичкинтой...
Огга тақдим этаман.

Ҳали-ҳануз хотирамда...

Агар доктор Кристиан Барнард биринчи бор инсонга юракни кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказмаганида ва Барбара Стрейзанд Сентрал паркида куйламаганида 1967 йил эсда коларли йил бўлмасди. Кливленд, Ньюарк ва Детройтда ирқчилик кучайиб кетди. Исроил ва араблар қонли олти кунлик урушга киришдилар. Хитой Халқ Республикаси ўзининг галдаги водород бомбасини портлатяпти. Америкалик бомбардимон самолётлар Ханойга ҳаво зарбаларини бермоқдалар, америкалик уч астронавт Ерга тушиш пайтида олов ичида ҳалок бўлди.

Инсоният даҳшат ва саросимага тушиб, ҳалокат ёкасида турганида мен ҳеч қачон унута олмайдиган жуда катта мамнуниятни ҳис қилдим. Хайриятки, қўлимда ўзимнинг катта бўлмаган – “Дунёнинг энг буюк савдогари” китобимнинг биринчи нашрини ушлаб турар эдим.

Алғов-далғовли замонда нашр қилинган менинг биринчи адабий китобим Фор Видал, Исаак Башевис Сингер, Торнтон Уайлдер, Уильям Голдинг ва Леон Юрис каби машҳурларнинг ажойиб янги китоблари қаторида катта муваффақиятга эришишидан дарак бермасди. Исо пайгамбаримиз билан бир даврда яшаган туялар

сарбони ҳақидаги афсонамга ҳатто ношир Фредерико Фелл китобимни йигирма беш йил ичида нашр қилинган китоблар ичида энг арзигулиги ҳисоблаб, уни реклама қилишга бор кучини сарфлаб фидокорона меҳнат қилган бўлса-да, ўша йил кузда унга минглаб нашр қилинган китоблар сингари дом-дараксизлик тақдири битилган эди.

Ўшанда мўъжиза юз берди. Тўғрироғи, икки мўъжиза. Менга ёрдам бергани ва ишонгани учун миннатдорлик сифатида китобимни бахшида этган киши суғурта компанияси президенти В. Клемент Стоун бу қиссадан таъсирланиб кетиб, “Дунёнинг энг буюк савдоғари” китобидан хизматчилари ва ўзининг ““Combined Insurance Company”” улкан корпорация акционерларига тарқатиш учун буюртма берди. Шу пайтнинг ўзида “Amway International” шериги Рич ДеВос мамлакат бўйлаб минглаб тарқаган ўз ходимларига Ог Мандино китобида ёзилган муваффақият принципларини ўзлаштириш ва кундалик ҳаётларида татбиқ этишни тавсия этган.

Бу икки инсон томонидан экилган уруғлар бир текисда кийғос униб чиқди. Ўқувчилар миқдори ўсиб борарди ва бу нашриёт ишида энг катта реклама компаниясига айланди: китоблар сотуви мени ажаблантириб, қувонтирар даражада ўсарди. 1973 йилга келиб ақлга сиғмайдиган иш юз берди, китоб олти марта қайта нашр қилинди ва 400 000 китоб қаттиқ муқовада сотилди. “Publishers Weekly” даги Пол Нейтан китобни “киши билмас бестселлер” деб атади. Токи “Bantam Books” нашриёти чоп этиш ҳуқуқини сотиб олиб, уни юмшоқ муқовада чиқариб, бутун мамлакат бўйлаб реклама қилмагунича, у бирор марта миллий бестселлерлар рўйхатида пайдо бўлмади ва 1974 йил китобнинг биринчи наشري чиқди. Муваффақият ва бахт қоидалари ифода этилган ўнта ўрам жасур туялар сарбони

кўлига тушиб қолади. Шундан сўнг кунларнинг бирида кечкурун, Вифлеем яқинидаги ғор ёнида унинг тасодифан юз берган воқеанинг гувоҳи бўлгани ҳақидаги қиссам, уни ўқиган кўп сонли кишилар тақдирига таъсир қилгани мени чексиз таъсирлантиради.

Хулосасида, наркологик клиника даволанувчилари “Савдогар” нусхасини қайтадан ўқийвериб, ҳар бир сўзини ёддан билишларини, ётиш олдидан ёстиқларининг тагига қўйиб ётишларини тан олиб ёзишади. “Combined Insurance Company” 500 бўлими ходимларига минглаб нусхалари тарқатилган, Жонни Кэш ва Майкл Жексонга ўхшаш таниқли юлдузлар унга яхши баҳо беришган.

“Дунёнинг энг буюк савдогари” китобининг ҳеч бўлмаса битта ўқувчиси пайдо бўлишига умид қилмаган кимсанинг яқин қариндошларидан ташқари, тўққиз миллион нусхаси ўн етти тилда сотилди ва бу китоб дунёдаги ҳар доим энг кўп сотиладиган, тижоратчи ва савдо ходимларининг бестселлерига айланди.

Кўп йиллар давомида одамлар хатларида йигирма йил давомида бестселлер ҳисобланган китобимнинг давомини ёзишга ундар эдилар, китоб қаҳрамонига ўхшаб мен ишимдан узоклашиб кетмадим.

“Савдогар” чиққанидан кейин яна ўн иккита китоб ёздим, дунё бўйлаб кезишда давом этаяпман, “Буюк савдогар” дўстлари олдида кенг аудиторияларда муваффақиятга эришиш ҳақида суҳбатлар ўтказаяпман.

Аввалига мен “Савдогар”нинг давомини ёзишга салбий қарадим. Бу китоб менинг ва оилам ҳаётини буткул ўзгартириб ташлади ва мен тавакқал қилгим келмади, балки давоми ҳақиқийсини қайсидир маънода бузиб қўяди деб ўйладим. Яна адабий қаҳрамоним Хафид, ўзим сингари

йигирма йилга қариганида олтмиш ёшдалиги ва қари сарбон билан нима қилиш мумкинлиги ҳақида ўйладим.

Ажойиб тонглارнинг бирида, “Лиссабонга North American Company” етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг йиллик йиғилишини очиш учун парвоз этаётганимда ўзим ҳам Хафиддан бир-икки ёш катта эканимни эсладим ва шунга қарамасдан дунё бўйлаб чиқишлар қилиш учун кезаман, ёзишда давом этаяман. Телевидение, радиоэшиттиришларда қатнашаман, яна гольф ўйинларида коптогимни икки юз эллик ярдга учуриш ҳақида ўйлайман.

Агарда мен ханузгача ишлар эканман, одамлар олдида чиқиш қилар эканман, нима учун энди у қила олмас экан! Мана шундагина, “Дунёнинг энг буюк савдогари” соядан чиқадиган пайти келди, деган қарорга келдим. Сиз Хафиднинг эски дўстлари ҳисобланасизми ёки бу сизнинг биринчи танишувингизми, мен сизни муҳаббат ила қарши оламан... ва бу китобда сиз ўқийдиган сўз ҳамда ғоялар худди ўтмишдошидек сизнинг юкингизни енгил, йўлингизни ёруғ қилсин.

*Скоттсдейл,
Аризона штати*

Дунёнинг энг буюк савдогари йўлга чиқадиган пайт келди...



Дамашкнинг бир чеккасида улкан пальмалар билан ўралган, ялтиллагувчи сайқалланган мрамардан қурилган, серҳашам қасрда Хафид исмли ажойиб киши яшарди. Энди у ишидан узоқлашган эди, қачонлардир унинг кенг савдо империясининг чек-чегараси йўқ эди. Парфиядан Римгача ва Британиягача узоққа чўзилган эдики, ҳамма ерда уни дунёнинг буюк савдогари деб аташарди.

Ўша мисли кўрилмаган гуллаб яшнаш ва йигирма олти йиллик муваффақият даврида Хафид савдогарлик соҳасини ташлаб кетди. Унинг оддий туялар сарбонидан қудратли ва бадавлат одамга айланганлиги ҳақидаги қисса бутун цивилизация оламига тарқалди, одамларни ажаблантириб, хайратга солди.

Ўша кучли ҳалокатли ва ағдар-тўнтар даврида деярли бутун олам Юлий Цезарь ва унинг кўшинларига қулдек

бўйсунганида Хафид худдики тирик афсонанинг ўзи эди. Айниқса, Фаластиннинг шарқий империяси чегара ерларидаги кашшок ва бенаволар учун дамашқлик Хафидни мисол қилиб, одам ўз ҳаёти давомида кийинчилигу, тўсиқларга қарамасдан нималарга эришиш мумкинлиги ҳақида кўшиқ ва шеърлар тўкишган.

Тирик тимсолга айланган ва бир неча миллион олтин талантили мол-дунё йиққан одам, дунёнинг буюк савдогари тарки дунё қилган пайтида бахтга эриша олмади.

Кунларнинг бирида, тонг пайтида, худди сўнгги йилларда кўп мартадек, қасрнинг орқа эшигидан Хафид чиқиб, шудринг қоплаган силлиқ мармар тоштахталарни эҳтиёткорлик билан босиб, катта, салқин ҳовли бўйлаб юрди. Шарқдан сахрога қуёшнинг биринчи қумуш ва олтин нурлари порлаганида узокда ёлғиз хўроз кичқирди.

Хафид саккиз қиррали фаввора ёнига келгач қадамини секинлаштирди: ўпкасини тўлдириб, чуқур тин олди, тош деворини қоплаган яминнинг оқ-сарик гулларига қараб бош силкиб қўйди. Сўнг камарини тортиб боғлаб, юпқа зиғирпояли яктагини тўғрилади-да, ўз йўлида давом этди. Аммо энди сарв шохларидан қилинган табиий равоқ тагидан бирорта безаги йўқ тош сағана олдига яқинлашгунича аста кадам ташлаб келди.

– Хайрли тонг, менинг азизам Лиша, ярим шивирлаб, қўлини кўтариб, оғир бронза эшик куббасининг ягона қоровули баланд атиргул бутоғидан куч тўплаган оқ ғунчага майин тегди. Сўнг нарироқда турган қизил ёғочдан ўйиб ишланган ўриндик томон юрди ва унга ўтирди-да, ҳаётининг қачонлардир қувонч ва ғамларини бўлишган суюкли аёлининг жасади дафн қилинган қабрга назар ташлади. Мудраб қолди.

Кўзини очмасдан туриб, Хафид елкасига кимдир кўлини кўйганини сезди ва кўп йиллик ҳисобчиси, вафодор дўсти Эрасмуснинг таниш хирилдоқ овозини эшитди.

– Кечиринг мени, хошам...

– Хайрли тонг, менинг қадрдон дўстим.

Эрасмус жилмайди ва қуёшга қаради, ўша пайт қуёш уларнинг тепасида нур сочарди.

– Тонг ўтиб кетди, хошам. Хайрли кун.

Хафид хўрсинди ва бошини қимирлатди.

– Қариликнинг яна бир камчилиги. Тунлар уйқинг келмайди, тонг ёришмасдан турасан, сўнг мушук боласидек кун бўйи мудрайсан. Ҳеч қандай мантиқ йўқ. Ҳеч қандай.

Эрасмус тасдиқлаб бош қимирлатди, кўлларини кўксига қовуштириб, қарияликнинг яна бир қайғу-ҳасратини эшитишга тайёр турарди. Аммо бу тонг бошқаларига ўхшамаслиги керак эди. Шу боис Хафид бирдан сакраб турди ва мақбара ёнига келиб, кўлларини тош устига кўйди. Сўнг у ўгирилди ва кучли овоз билан ҳайқирди:

– Мен ночор одам бўлиб қолдим! Эрасмус, менга айт, менинг тарки дунё қилиб, худбинларча, ўзимга аза тутиб яшаётганимга қанча вақт ўтиб кетди?

Эрасмус унга кўзларини катта очиб қаради ва дарров жавоб бермади:

– Лиша сени тарк этиб, кўмилганидан сўнг, сенинг барча омбор ва қарвонларингдан халос бўлишингдек тушуниб бўлмас қарорингдан сўнг сенда катта ўзгаришлар рўй берди. Тарки дунёчиликни қарор қилганингга ўн тўрт йил ўтиб кетди.

Хафиднинг кўзлари намланди.

– Қимматли иттифоқчим ва иним, қандай қилиб йиғисини ва шикоятларимга узоқ вақт чидадинг?

Қари ҳисобчи ўз кўлларини диққат билан кузатарди.

– Мен сен билан деярли қирк йилдан бери биргаман ва сенга бўлган муҳаббатим худди илгаригидек. Мен сенга катта муваффақият ва бахтли вақтингда хизмат қилганман, ҳозирда ҳам шундай қувонч билан хизмат қилмоқдаман, аммо сен ўзингни аста сўнишга маҳкум қилганингни кўриб оғринаман. Сен Лишани ҳаётга қайтара олмайсан, шунинг учун унинг олдига – гўрга боришга интиляпсан. Эсингдами, узоқ йиллар олдин, менга ўлганинда, сени мангуликка кўмганларидан сўнг оқ атиргул ёнига қизил атиргул бутоғини ўтказишни буюрган эдинг?

– Ҳа, тасдиқлади Хафид. Шунинг унутмаслик керакки, буни эслатишдан чарчамайман: ўлимимдан сўнг касрим ва омборим сеники бўлади. Бу узоқ йиллар давомидаги вафодорлигинг ва дўстлигинг, Лишанинг ўлимидан кейин мендан кўрган жабрларинг эвазига камтаргина мукофот¹.

Хафид чўзилди ва битта атиргулни узиб олди-да, сўнг кадрдон дўстининг тиззасига қўйди.

– Ўзига ачиниш – даҳшатли касалликлардан бири, Эрасмус, мен ҳам узоқ вақт давомида унга мубтало бўлдим. Худди ақлсиз ёш боладек инсоният билан алоқани узиб, мен сен билан яшайдиган мана бу мақбарага ўзимни қамаб олдим. Етар! Ўзгаришлар пайти келди!

– Аммо бу зое кетган йиллар эмас эди, менинг хошам. Ҳамма нарсадан маҳрум бўлган дамашқлик бечораларга сенинг мисли кўрилмаган хайр-эхсонларинг...

Хафид гапини бўлди:

– Пуллар? Наҳотки, бу мен учун қурбонликми? Ҳамма бойлар камбағалларга олтин чақалар ила садақа бериб виждонларини тинчлантирадилар. Улар бу эҳсонлардан очлардан кам фойда кўрмайдилар ва улар учун урвоқ ҳам бўлмаган, бир ҳовуч чақали буюк саховатлари тўғрисида

бутун олам билиши устида қайғурадилар ҳам. Йўқ, кадрли дўстим, саховатпешалигим ҳақидаги ўз мақтовларингни қўй-да, ундан кўра менга ҳамдардлик қилишингни очик айтиб қўякол...

– Бари бир, эътироз билдирди Эрасмус, сенинг ёлғизлигинг ўзининг эзгу меваларини берди, менинг холам. Наҳот сен ўз кутубхонангни дунёнинг буюк алломаларининг меҳнатлари билан тўлдириб, уларнинг гоё ва тамойилларини ўрганишга беҳисоб вақтингни сарфламадингми?

Хафид тасдиқлади.

– Мен узун тун ва кунларимни ёшлик пайтимда олмаган таълим олишга бор ҳаракатларимни бахшида этдим ва интилишларим зое кетмади: менинг кўзларимга олтин ва муваффақият кетидан қувган пайтларимда баҳолашга вақтим бўлмаган, мўъжизаларга тўла ва ажабланарли олам очилди. Аммо шунга қарамай мен мотам тутишда давом этдим. Бу олам одам орзу қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани берди. Ўз қарзимни тўлаш пайти келди ва одамзот яхши ҳаёт кечириши учун энди бор куч-тажрибамни беришим зарурлигини англадим. Мен ҳали ором олиш учун ётишга тайёр эмасман ва ўлимимдан сўнг Лишанинг сеvimли оқ атиргули ёнига қизил атиргул экиш буйруғимни бажаришни тўхтатиб туришингга тўғри келади.

Эрасмуснинг ажинли ёноқларидан қувонч кўз ёшлари қуюлди, Хафид давом этди:

– Ливий Рим тарихини етмиш беш ёшга тўлганида ёзган, Тиберий империясига саксон ёшигача ҳукмронлик қилди. Улар билан солиштирганида мен ҳали ёш боламан... олтмиш ёшли соғлом бола! Менинг ўпкам тоза, танам кучли, кўзларим яхши кўради, юрагим соғлом, ақлим йигирма ёшлигимдагидек ўткир. Чамамда, яна бир бутун умримга етади...

– Буюк мўъжиза! – кўзларини осмонга қаратиб Эрасмус бакириб юборди. Сенинг ҳолатингга қараб, индамай азоб ва қайғу чекиб қилган дуоларимни хайриятки эшитишди. Менга айт хошам, бутун олам севиб, ҳурмат қиладиган одамнинг бундай ажойиб қайта туғилиши қандай юз берди?

Хафид жилмайди.

– Лиша.

– Лиша?

– Лишанинг тушига кирганлари кўп йиллар давомида ҳақиқатда юз берганлари эсингдами?

Эрасмус маъқуллаб бош силкиди.

– Уйғонгач айтиб берганлари кўпинча бизни бутун бошли мол-дунё йўқотадиган тижорат бошлашдан тўхтатиб қоларди.

Хафид ўриндикқа ишора қилди.

– Бутун эрталаб, шу ерда мудраб ўтирганимда тушимда Лишани кўрдим. У менинг қўлимдан ушлаб, Дамашқ кўчаларида кўпчилик орасидан, анча-мунча оч ёки хаста, ё қайғули, ҳаётдан умидини узган, қашшоқ ва бахтсизларни кўрсатди. Менга бу одамларни бошқа сезмаслигим мумкин эмаслигини гапираётган майин овозини эшитдим. У менга дунё бўйлаб ёрдамга чақира олмайдиган бундай одамларнинг саноғи йўқлиги ва мен уларнинг зорланишларига худди ер тағидаги чувалчанг сингари кўр бўлмаслигим кераклигини айтди.

– Бу Лишага ўхшамаяпти, ҳеч қачон сен билан бундай гаплашмасди-ку.

– Тўғри, Эрасмус. Аввал бунинг учун унда сабаб бўлмаган. Тўхтаб тур, тушим ҳақида яна бир гап бор. Сўнг у менинг ҳаётим янгидан бошланишини, ёлғизликдаги кунларим адоғига етганлигини айтди, чунки ўша кун эшигимни нотаниш кимса тақиллатиб келиши, илгари

кўпчиликка рад этганимдек, мен уни қабул қилишдан бош тортмаслигимни айтди. Бу нотаниш, деди Лиша, менга келажагимни очиш учун калит беришини, келажагим хаётимдаги кўп нарсага таъсир кўрсатишини айтди. Эрасмус? Эрасмус, нима учун рангинг оқариб кетди? Нима бўлди?

– Мен сендан кечирим сўрайман, хошам. Жуда хурсанд бўлиб кетганимдан сенга кутубхонангда кимдир кутиб турганини айтишни унутибман.

– Дўстим?

– Фақат менга нотаниш бўлса керак. Унинг исми Гален, у Қуддусдан эканлиги ва сенга иш бўйича таклифи борлигини айтди.

– Илгари мени йўқлаб келганларни қайтариб юборардинг, нега бу сафар буйруғимга амал қилмадинг?

– Унда қандайдир ғалати нарса бор, менинг хошам, унинг кетишини талаб қилишга ўзимни мажбурлай олмадим.

– Наҳотки, мен иш бўйича жўяли таклифларни эшитадиган пайтларим аллақачон ўтиб кетганини билмаса?

Эрасмус жилмайди ва қувлик билан ўз дўстига қаради.

– Билмас эмиш, унинг келиши тушида аён бўлган экан, у қандай билмаслиги мумкин? Сен илгаригидек уни ҳайдаб юборишимни истаяпсанми?

Ўн йилдан кўпроқ ўтганда Хафид биринчи марта кулиб юборди ва унинг кулгуси бутун қаср бўйлаб акс-садо бериб жаранглади, сўнгра икки дўст кучоқлашиб, қаср томон кетдилар.

– Шошилиш керак, Эрасмус. Кутишга мажбур қилиш одобдан эмас.



Нотаниш одам кенг кутубхонанинг ўртасида, олтин балиқчали кўл ёнида ёнғок дарахтидан ясалган, мрамар полдан то баланд шифтгача кўтарилган, ҳаво ва тилла ранг кошинкор нақш билан безалган китоб рахларига минглаб пергамент ўрамларининг тартиб билан жойлашганига ҳайрат билан ажабланиб қараб турарди.

Гален пакана киши эди. Унинг қалта қилиб қирқилган оқ сочлари қорачадан келган юзи хушбичимлигига ажойиб тарзда мос тушган эди. Қадди-қомати келишган бўлмасида, олдингизда қандайдир ҳукмини ўтказа олишини тушунтирадиган, ҳурматталаб одам турганини ҳис қилиш мумкин эди. Ўз хожасига ташриф буюрувчини таништириб, Эрасмус орқага ўтди.

– Мен ва ниҳоят дунёнинг энг буюк савдогари билан учрашиш бахтига сазовор бўлдим, – деди таъзим қиларкан

Гален. Мени бу хона хайратда қолдирди. Қандай ажойиб тўплам! Ҳатто император Клавдий ҳам ҳасаддан кўкариб кетарди.

Хафид гурур билан бошини эгиб қўйди.

– Ҳа, бу ерда Ғораций, Виргилий, Катула ва Лукрецийлардан маслаҳат ололаман ҳамда бошқа буюк донишмандлар ҳикматларининг моҳиятини очиш иқтидорини ўрганаман. Анави жанубий томондаги деворда, эҳтимол Варрон меҳнатларининг ягона тўлиқ тўпламидир – етмиш тўрт китоб олти юз йигирма жилддан иборат. Сизни узок куттириб қўйганимдан афсусдаман. Биламан, сиз бу ерга менинг кутубхонамни муҳокама қилиш учун келмагансиз. Келинг, бу ерга ўтиринг, дея у суянчиғи тошбақа косасидан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган диванга ишора қилиб.

Хафиднинг жиддий оҳангига қараб вазиятни баҳолаган Гален шу заҳоти ўз таширфининг мақсадига ўтди.

– Менга сиз қачонлардир буюк савдо империясини бошқарганингизни, рим, жухуд, юнон тилларида гапларни ўринлатиб қўйишингизни тушунтиришди. Бу ҳақиқатми?

Хафид қовоғини солди ва нигоҳини Эрасмусга қаратди, у эса елкаларини сиқиб, тескари ўтирилди.

– Гапга чечанлигимга шубҳаланмайман-у, – жавоб берди у, ҳар ҳолда ўз фикрларимни учта тилда баён этишга ўргандим.

Гален қаср хўжайинига энгашди.

– Ҳурматли савдогар, биз инсониятнинг илмга бўлган чексиз чанқоқлик даврига келмоқдамиз. Бизнинг кўз ўнгимизда ақл ва рух инқилоби юз бермоқда ва унинг бошида оддий бўлишни истамаётган оддий одам турибди. У қисматини яхшилаши, туғма иқтидорини татбиқ қилиши учун йўл-йўриқ, маслаҳат ва панд-насихатга муҳтож.

Шу такомиллашишга бўлган олам эҳтиёжини кондириш учун минглаб устоз ва нотиклар шаҳарма-шаҳар кезиб, ўқимишли ва ўқимаган оммага тепаликлар, гимназия, форум, театрларда ва ҳатто ибодатхоналарда ҳамма фанлар бўйича – астрологиядан тортиб дехкончиликкача, маблағ тикишдан тиббиётгача маърузалар ўқиб, ўз билим ва тажрибаларини таклиф қилиб юрибдилар.

Гален жавоб кутиб тўхтади, аммо Хафид сукут сақларди ва у давом этди:

– Эҳтимол бу нотиклар орасида ҳовончада сувни толқон қиладиганлари, чиқишлари эса ўзлари талаб қиладиган чодирлари билан солиштирганда, қиммати арзимас кумуш тилли фирибгарлари ҳам бордир. Бошқа томондан нотиклик санъатининг римликлар – Катон ва Цицерон анъанаси бўйича тарбияланган усталари ҳам бор, уларнинг чиқишлари бутун ҳаётининг, азоб ва шодликларининг меваси, уларнинг чиқишларида ҳар қандай инсон ҳаётини ўзгартириб юборадиган қимматли кўрсатма ҳамда насихатлар бор. Буни касб қилганларнинг кўпчилигида сон-саноксиз издошлари бор ва бу фаолияти ортидан мисли кўрилмаган пул орттирдилар.

Хафид мулойим жилмайди ва кўлини кўтарди.

– Менгабунотикларяхшитаниш. Баъзибирбеҳаловатлик уруғини экадиганлардан ташқари, нотикларнинг оламни яхшироқ қилиш ниятларини кўллайман. Аммо бунинг ҳаммасига менинг қандай алоқам бор?

– Ҳурматли савдогар, – хитоб қилди Гален, менинг байрам, ўйин ва бошқа оммавий томошаларни фойдали ташкил қилиш бўйича катта тажрибам бор. Охирги йигирма йил ичида мен бир неча бор баҳслар, концертлар, курашлар, кўп марта от ва пиёда пойгаларини уюштирдим. Мен Афинада, Қуддус, Искандария, Римда, бутун цивилизация

олами бўйлаб, юзлаб йирик шаҳар ва қишлоқларда чиқишлар ташкил қилдим.

– Бу ҳақиқатан ҳам таассуротли ва қизик, Гален. Аммо сени бу ерга нима бошлаб келди?

Ташриф буюрувчининг овозида енгил титроқ сезилди.

– Мен дунёдаги энг буюк савдогардан бир неча маъруза давраларига розилик олиш учун келгандим. Сенинг бой ўтмишинг ҳаётдаги кўп нарсаларни ўзгартиришга панд-насиҳат ва далда бера олади, сенинг қудратли овозингни эшитиб тушундимки, алоҳида ишонтириш йўли билан уларга сўзларингни етказа олишингга имоним комил.

Сенинг обрўйинг ҳамма ерда катта оломон йиғилишини кафолатлайди, оддий аёл ва эркакларни рағбатлантириб, орзуларининг баъзиларини бўлса-да, рўёбга чиқишига зарур нарсаларнинг йўл-йўриғини кўрсатишингга ишонаман, мен сенга оламдаги минбар ва сўхналарга чиқиш учун ёрдам беришни хоҳлайман. Хафид, дунё сенинг тажрибаларинг ва донишмандлигингга жуда муҳтож.

Хафид унинг таклифига дарров рози бўлгач, Гален карахт ҳолатига тушди ва ўзига келиши учун бир неча дақиқа вақт керак бўлди. Нонуштадан сўнг Хафид тонгдаги ғалати тушини ва Лишанинг башоратини қайта гапириб берди, кутубхонадаги тик дарахтидан ясалган катта стол атрофида икковлари муҳокама қилишни давом эттираётганларида Эрасмус бир нималарни қунт билан ёзарди.

Бизнинг биринчи даврамиз, – тушунтирди Гален, – қисқа, аммо муҳим бўлади. Сенинг нутқингни мукаммаллаштириш ва моҳир нотикликнинг маҳоратини бевосита катта бўлмаган аудитория рўпарасида чиқиш пайтида эгаллаш учун тажриба беради. Мен диққат билан биринчи чиқишларингни бир неча бор тинглайман ва

уларни яхшилашга қодир бўлган ҳар қандай таклифларни киритишга тайёр бўламан. Ундан ташқари, яқинда жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги давранг сен учун синов муддатини ўтайди, бу фаолиятингни дунё пойтахтларида юзлаб эмас, минглаб одамлар олдида чиқиш ёки чиқмаслик истаги қарорини беришинг учун беш-олти чиқишинг етарли бўлади.

– Сен эҳтиёткор экансан, – жилмайди Хафид. – Агар шарманда бўлсам ҳам пойтахт аҳолиси нигоҳида эмас.

Гален кулиб юборди.

– Бундай бўлади деб ўйламайман. Сенинг рухсатинг билан мен эрталаб жўнаб кетаман ва бир-биридан ярим кун масофада бўлган тўрт ёки беш жойда чиқиш қилишинг учун ҳамма зарур тайёргарликни кўраман. Сўнг қайтиб келаман ва бутун йўналиш бўйлаб сенга ҳамроҳ бўламан. Сендек қарвонлари оламда кезган одамдан, отхонангда зарур нарсаларимиз билан бизни олиб юрадиган мустаҳкам араванг ҳали ҳам борми, деб сўрашга ботина олмаяпман.

– Менинг севимли аравам қолган, аммо бир неча йил тургани учун оддий таъмирга муҳтож бўлса керак. Ўйлашимча, Эрасмус ҳам бизга ҳамроҳ бўлади. Аравада тўрт киши ухласа бўладиган жой бор ва уни тўртта от бошқаради. Бунинг учун кулрангли араби отлардан бир нечтаси бор, улар хўжайини каби ҳали бирор нимага яраб қолар. Бу арава – Понтий Пилат яҳудий қозисининг менга тухфаси, у менга ўн беш йил муқаддам, унинг Кесарияда турган қўшини учун арзон сотган бир неча юз совринли айғирларим учун берган совғаси.

– Ажойиб. Ҳар бир шаҳарда мен сенинг чиқишларинг учун мос жойни ижарага оламан – хоҳ театр, гимназия, майдон, хоҳ мактаб бўлсин, сенинг омма олдида фаол чиқишингни тайёрлаш билан шуғулланадиган маҳаллий аҳолидан одам ёллайман.

Эрасмус ниҳоят ўзининг узоқ чўзилган сукутини бузди.

– Гален, сен гастролда юрувчи нотикларнинг катта бойлигини эслатиб ўтдинг ва мен таклифининг молиявий томонлари ҳақида сабр билан гапиришингни кутдим.

– Шубҳасиз. Аввал тўпланган маблағдан яшаш жойи, овқат, чиқиш учун ижара ҳақи, отхона ҳақи, бизга ишлайдиганлар маоши учун, сўнг қолганидан йигирма беш фоизини олиб қоламан, қолгани тўлиқ Хафиднинг ихтиёрида бўлади.

– Ҳаммаси ҳалол ва адолатли кўринади, – деди Хафид. Ҳамма даромадимни Эрасмусга бераверинг. У менинг ҳамёнимни бегона қўллардан неча йиллардан бери асрайди, қариган чоғимда тартибни ўзгартиришга сабаб кўрмаяпман. Кечроқ ишлаб топилган пулларни қандай хайрия ишларига сарфлашни ўйлаб кўрамиз.

Гален давом эттирди.

– Менга синов даврини ўтказишга тайёрлаш учун камида икки ҳафта керак бўлади. Шу вақт ичида нутқингни тайёрлашга ва репетиция қилишга улгурасан. Мен учрашишга сазовор бўлган буюк нотикларнинг айтишларича доимо машқ қилишар экан... ҳар бир маъруза кейингисига репетиция экан... ва ҳар сафар ўша сўзларнинг ўзи, об-ҳаво ва дунёдаги воқеалар аудиторияга боғлиқ равишда бошқача янгрармиш.

Кейин эса Хафид пергамент қоғозининг кичик бўлагига нималарнидир ёзарди.

– Гален, чиқиш қанча вақт давом этиши керак?

– Ҳозирдан бир нарса деб бўлмайди. Мен машҳур файласуфни биламан, у тўрт соатлаб гапириши мумкин ва умуман битта ҳам маъноли гап айтмайди, аммо кўп йиллар илгари, Қуддусдан узоқ бўлмаган тоғда бир ёш ваъзхон ярим соатдан кам вақт ичида сўзларидаги муҳаббат ва

куч билан ҳар бир иштирокчи қалбининг тубига кирган нутқини эшитганман. Мен бир соатга мўлжалланган нутқ ёзишинг керак деб ўйлайман, уни табиий эшитилиши учун ёзувга қарамасдан гапиришинг учун ёд ол. Бир соатнинг ўзида ҳатто меҳрибон тингловчиларнинг ҳам ўтирадиган жойлари увишиб қолади.

Эрасмус ўз хўжайинига хавотир билан караб қўйди.

– Сен одамларга нима билан мурожаат қилаётганингни биласанми?

Хафид ўрнидан турди ва полнинг мармар плиталарини репетиция қилишни бошлаганидек, қадамлаб ўлчади.

– Мен кўпинча узоқ ўтган кунларда, бу хонадагидек, бизнинг ҳамма бошқарувчилар ўтган йил якунларини ва келгусимақсадларини аниқлаш учун йиғилиб ўтиришларини ўйлардим. Мен улар билан доим ҳам молимиз сифати ҳақидагина эмас, уларнинг ҳар бири келажакни қандай тасаввур қилиши, йил давомида ўз қобилиятини намоён қилиш учун нимага зўр бера олиши ҳақида гаплашардик. Кўпинча ўзгаришлар, уларнинг оғриқли, аммо зарурлиги, ҳар бир ёшда бизнинг ривожланишимиз, дала гулларидан фарқ қилишимиз, улар гуллаб бўлгач, қуруқ ўтга айланганидан кейин тақдирини шамол ҳал этиши ҳақида гапирардим. Мен, агар улар энг қаҳрли душман... ўзимизни кечаю кундуз итоат қилдира олсак, мўъжизалар ярата олишлари ҳақида эслатишдан чарчамасдим. Бизнинг кунларимизда Дамашкнинг ёки бошқа катта шаҳарларнинг ҳар қандай кўчасидан ўтаётганимизда ҳаётда қандай йўлдан адашганларимизнинг гувоҳи бўламиз. Худо, Лишанинг руҳини шод эт! Буни эрталабки тушимда Лиша кўрсатди. Ўзимнинг шахсий кузатувларимдан ҳам биламанки, бу олам бахтдан бебаҳра. Ҳар бир табассум қилаётган кишига ўнта кўз ёши тўкаётганлар тўғри келади. Унда

бир нарса ўзгача, нимадир жуда ҳам бошқача. Худо бизни мақсадга эришмоғимиз учун барча зарур воситалар билан таъминлаб қўйибди, аммо биз режа ва чизмаларимизни йўқотиб қўйдик, биз кураётганларнинг ҳаммаси – қайғу уйлари. Эҳтимол, мен ўзимнинг оддий шухрат йўлимда Худога ёрдам бера оларман... ва бир неча тошчалар ташлайман, қачонлардир мен уни қидириб, бошқа одамдан топганимдек, улардан йўл бошловчи куч кидираётган одамлар учун сўқмоқйўл ҳосил қилар.



БОБ



Шундай бўлдики, қариган чоғида, одамларнинг кўпчилигига ўхшаб, салкин жойда ўтириб, хотираларини саралаб ўтириш ўрнига дунёнинг буюк савдогари янги соҳага ўтди. Ўзининг биринчи нутки билан Кесари Филиппнинг чеккасидаги ибодатхонада юз кишидан озроқ одамларга мурожаат қилди. Кечроқ, кечки овқатдан сўнг карвонсаройда Хафид ва унинг икки ҳамкори ўз таассуротлари билан бўлишдилар.

– Сенинг нутқинг, – деди Гален, – оддий ва кучга тўла эди ва сен баён этган муваффақиятга эришиш тамойиллари ҳар бир тингловчига албатта, шахсий имкониятидан қатъи назар, катта фойда келтиради. Ўз-ўзидан маълумки, ҳеч ким бундай минбардан сенинг тутган йўлингга гапиришга қодир эмас, чунки яшаётганларнинг ҳеч бири сендек муваффақиятга эришмаган. Қачонлардир келажакда –

Рим, Куддус каби дунёнинг йирик шаҳарларида сенинг чиқишларинг ҳақида ўйлаганимда, мени кучли ҳаяжон босяпти. Биз ўз ишининг омилкорини тингловчиларнинг истагини қондиришимиз учун сен ҳали кўп марталаб энг катта аудиториялар олдида чиқишингга тўғри келади. Қандай ёқимли истиқбол!

Хафид ўз ликопчасини жилмаймасдан четга олиб кўйди ва:

– Мақтовлардан ўзингни тийишингни сўрайман, Гален, мен уларни ҳаққоний ишлаб топганимча йўқ. Ундан кўра менга бугунги қатъиятсиз чиқишимни қандай кучайтириш кераклигини айт, – деди.

– Бу сенинг синовдаги биринчи маърузанг эди. Хафид, ўзингга бунчалик қаттиқкўл бўлма: нотиклик санъати дарров берилмайди. Бугун сен ўз нутқингда тўхталиб ўтишни режалаштирган бир неча бандларни айтишни унутганингни сездим, беташвиш давом эттирганингдан тингловчилар буни деярли тушунишмади ҳам. Эҳтимол, сен чиқиш пайтида кўпроқ ҳаракат қилмоқчидирсан. Сен аудиторияга яқинлашишинг мумкин, қотиб туришинг, сўнг ўгирилиб, бирор сўз айтмасдан чиқиб кетишинг мумкин! Ёдингда бўлсин, яхши нотик, бу аввало – яхши актёр. Фикрингни кучайтирмоқчи бўлсанг имо-ишоралардан фойдалан, худди шундай овозингни кўтар ва пасайтир. Ҳаммадан муҳими – орангиздаги масофага қарамасдан, худди ҳар бири билан дилкаш суҳбат кураётгандай, кўзларига галма-гал қараб гапиришга ҳаракат қил.

Хафид ғамгин бош қимирлатиб кўйди.

– Мен ҳали кўп нарсаларни ўрганишим керак.

Гален унинг қўлларига шапатилаб кўйди.

– Сабр, дўстим, сабр. Биламан, сен бир кунда буюк савдогар бўлиб қолмагансан. Кўп йиллар давомида

мен юзлаб ижрочилар билан мулокотда бўлганман, айтишим лозимки, сенинг бугунги ўзингни тутишинг ва матонатингга қойил қолдим. Аммо, яхшилаб ўйлаб қараса, ажабланадиган нарсанинг ўзи йўқ. Сенинг тақдирга дадил қарши борганларинг олдида бугунги синов унчалик муҳим эмас.

– Аксинча, – деди хўрсиниб Хафид. Бу нутқим одамлар томонидан яхши баҳоланди, деб ўйламайман. Ўйлашимча, менинг сўзларим уларга таъсир қилмади, якунидаги қарсақлар ҳам кучсиз эди.

– Булар келади, менинг хојам, – ишонтирди Эрасмус, – бу келади.

Лекин келмади. Вифсаидда ҳам, Хоразинда ҳам, Капернаумда ҳам Хафид тингловчиларни кизиқтира олмади.

Режа бўйича охириги нутқи Назарет тоғ ёнбағри қишлоғида эди, у ер ҳарбий ва савдо йўллари кесишган жой эди. Гален ва унинг ёрдамчилари уч юзтага яқин одамларни шаҳарчадаги ягона қарвонсаройнинг овқатланиш залида йиғишга муваффақ бўлдилар.

Кейинроқ Хафид Назаретдаги маъруза ўқиш қарори унинг қолган бутун умрига етадиган аҳамият касб этганини тан олди. Ўша машъум Капернаумдаги кечада, балиқчи ва савдогарлардан иборат аудитория олдидаги муваффақиятсизлигига ишончи комил бўлиб, охириги маърузасини бекор қилиши ва Дамашққа қайтиб кетишига оз қолди. Фақат бошлаган ишини охирига етказиш ва “мен чекинаман” демаслик одатигина уни олдинга, Назаретга қараб боришга мажбур этди.

Хафиднинг маҳорати гарчи ҳар нутқ сўзлаганида ўсаверса ҳам Назаретдаги нутқи ўз-ўзича тарихий ҳодиса эмасди. Фақат ўриндикларнинг иккинчи қаторида қадрли

ва эски дўсти – Сергиус Павел, Римнинг Кипр оролидаги доимий ноиби, унинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглар, сўзлаган пайтида бошини кимирлатиб рағбатлантирарди, жилмаярди. Хафиднинг охирги гапидан сўнг ўрнидан сакраб туриб, қаттиқ қарсақ чалди.

Хафид ўз тинловчисининг охирги саволига жавоб берганидан сўнг икки қадрдон дўстлар Эрасмус ва Гален ҳамроҳлигида карвонсарой зинапояларидан қўлтиқлашиб тушдилар. Сергиус аввал қоронғи хонасида ёғли шамчирокларни ёқди, сўнг дўстларини ичкарига таклиф қилди.

– Буни Пафосдаги қасримнинг биронта ҳам хонасига таққослаб бўлмайди, – у яна жилмайди-да, Хафидни кучоқлади. – Сендек буюк савдогар ва содиқ дўстим билан учрашув мен учун катта қувонч. Ўшандан бери қанча вақт ўтиб кетди? – дея катта теридан қилинган флягадан тўртта қадахга май қуяр экан, сўради:

– Деярли йигирма йил ноиб бўлдингиз, ҳечам қаримагансиз!

– Ҳа, ҳатто буюк савдогарлар ҳам баъзида тўғри гап билан ҳазиллашишади, жавоб берди Сергиус.

Майдан хўплаб-хўплаб ичишаётган пайтларида Эрасмус Галенга Хафид карвонлари ва Кипр аҳолисининг ўзаро манфаатли савдоси, ўтган бахтли йиллари ҳақида гапириб берди.

Нихоят Хафид Сергиусни тингловчилар орасида пайқаб қолганидан бери тилининг учида айланаётган саволини берди: “муҳтарам Кипр ороли ноиби отамерос ерлардан узоқда, Назарет каби овлоқ жойларда нима қилиб юрибди?”

– Қисман бу сенинг ҳам айбинг, Хафид. Тарслик Савл ёки Петр исмлари сенга бирор нарсани англатмаяптими?

– Албатта. Овози кучли кичик ваъзгўй. У Понтий Пилат қўл-оёғини хочга тортган Исонинг даъватларига асосланиб одамларни янги динга тарғиб этмоқчи бўлган. Мен Павелни ҳамма ундан юз ўгирган ва ҳаёти хавф остида бўлган пайтда учратган эдим. У Қуддусдаги ибодатхонада тоат қилаётган вақтида овоз эшитилибди. Овоз унга, одамларни ишонтириши учун ўзи эътиқод қўйган нарсаларни қандай ифодалаш лозимлигини дунёнинг буюк савдогаридан ўрганиши кераклигини айтибди. Шу боис ёнимга келибди.

– Сен унга ёрдам беришга рози бўлдингми?

– Ҳа.

Сергиус бошини қимирлатди ва жилмайди.

– Сен унга ажойиб маслаҳатлар берган бўлсанг керак. Павел Кипрга келиб, дўстлигингиз хурмати учун, мендан қабул қилишимни сўрашга журъат қилибди. Икки кундан кейин мени ўз динига ишонтирди. Ўшандан бери мен Исонинг давомчисиман.

– Сен? Римликмисан?

– Ҳа. Мен балки биринчисиман. Нахотки, сенинг қимматли маслаҳатларинг билан молини харидорларга осонгина сотгандай, у ғояларингни одамлар онгига осонгина сингдираяпти?

– Йўқ, у ўша куни кечасиёқ жўнаб кетди, мен уни ўшандан бери кўрганим йўқ-ку, лекин у менга шу йиллар давомида кўп хатлар ёзди. Аммо сен менга ҳали ҳам нима учун Худо унутган жойларга қандай келиб қолганингни тушунтирмадин, Сергиус.

Ноиб кулиб юборди.

– Худо унутган? Даргумон. Мен умрим поёнига етди деб ўйладим, ўлимим олдидан Фаластин, Исо яшаган ерларни кўргим келди. Кипр бошқарувини ишончли

қўлларга топшириб, Исо яшаган ва даъват этган оламни ўз кўзим билан кўриш учун уч ойлик таътил олдим.

– Аммо Назаретнинг бунга нима дахли бор?

– Бу ерда Исо отасига кичик дурадгорлик устахонасида ёрдам бериб, ёшлиги ўтиб, балоғатга етган...

– Аммо у бу ерда туғилмаган, гапини бўлиб деди Хафид.

Сергиуснинг юзи докадек окарди.

– Сен қаердан биласан, унинг издоши эмассан-ку?

– Нега деганда мен Вифлеем ғорида Исо туғилганида ёнида бўлганман.

Эшитганидан ажабланган Сергиус иккала қўли билан оғзини ёпиб, Хафид нима дейишини кутиб турди.

– Мен буюк Патрос карвони туяларининг сарбони эдим. Аммо ўша чоғда бирорта чоки йўқ, ягона кизил ёпинчикни сотишга бесамар уриниб, Вифлеемда уч кун азоб чекканман. Уни менга Патрос савдогар унвонига даъвоимнинг қанчалик асосли эканлигини текшириш учун берганди. Учунчи кун, кийимни сотиш учун юз марталаб қилган бесамар ҳаракатимдан сўнг, кечкурун карвонсаройга бориб, озгина нон едим. Сўнг карвонсарой орқасидаги эшагимни қолдирган ғорга отландим. Тун совуқ эди. Токқа чикмасликка қарор қилиб, содиқ ҳамроҳим ёнида, пичан устида ухлашга қарор қилдим. Эрталаб ухлаб, дам олиб, жуда зўр бериб ёпинчикни сотаман ва ниҳоят омадим юришишига имоним комил эди. Аммо ғорга кирганимда ғорни ёритиб турган ягона шамга яқин ўтирган ёш аёл ва эркакни кўрдим. Уларнинг оёғи остида, одатда сарбонлар мол учун ем ташлайдиган, япалок тош устида чақалоқ ухларди. Уни совуқдан химоя қилиш учун ота-онаси ёпиб қўйган юпун кийим хизмат киларди.

Хафид кўлини мушт қилиб хўрсинди.

– Карвонга ёпинчиксиз ёки савдо пулисиз қайтишимнинг оғир оқибатларини тасаввур қилиб, бир неча дақиқа азобландим, иккиландим. Ниҳоят ёпинчикни олдим-да, чакалокни унга эҳтиёт қилиб ўрадим. Анграйиб турган ота-онасига бола ўралган эски латгани бердим. Биласанми, Сергиус, деярли эллик йил ўтиб кетган бўлса ҳам миннатдорликдан келиб, кўлимни ўпиб, йиғлаётган аёлнинг ёш, гўзал юзи ҳали ҳам кўз ўнгимда.

Хафид ўрнидан турди. Кўлларини орқага қўйиб, диққат билан уни эшитаётган одамлар олдида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Карвонга қайтаётганимда ўзимни жуда бахтсиз ҳис қилдим. Мен ўз вазифамни бажара олмадим ва умримнинг охиригача туялар сарбони бўлиб қолишимга ишонардим. Мен Вифлеем ғоридан карвонсаройгача бўлган йўл давомида бошимни ҳам қилиб, умидсизликда кетаётганим учун кўкда менга ҳамроҳ бўлган ёрқин юлдузни сезмабман. Аммо менинг хўжайиним Патрос буни кўрибди. Кеч бўлишига қарамасдан, у чодирлар ёнида мени кутиб турарди. Осмондаги ёруғликни менга кўрсатиб, сен билан қандайдир ғаройиб нарса юз бермадимми? – деб сўради ва мен: ҳеч нарса, деб жавоб бердим. Аммо, у Худо томонидан юборилган белги – ёрқин юлдузни кўрди ва менга қолган умрим давомида фойдаланган, ер қуррасида инсонга бойлик келтирувчи ва яхшиликка ундовчи ҳикматлар ёзилган ўнта ўрамни берди. Яна Патрос то бир кун келиб, кейинги хўжайини кимлигини кўрсатиш учун алоҳида белги бўлмагунича, ҳатто бу одам менга белгини кўрсатганини билмаса ҳам бу ўрамлар ҳақида ҳеч кимга гапирмасликни буюрди.

Сергиус жилмайди.

– Бу одам Павел бўлиб чикдими?

– Айнан менинг савдо салтанатим тугагач, уч йилдан сўнг. Бу вақтга келиб мен уни кимгадир беришдан умидсизланган эдим.

– Сен Павелнинг айнан ўша одамлигини қандай тушундинг? Алоҳида белгилари қандай кўринди?

– Унинг елкасидаги қопда Исонинг энг яхши кўрган, бутун ҳаёти давомида кийган чоксиз қизил ёпинчик ётарди. Унда Исони хочга қоқишларидан олдин калтаклангандаги яралардан вақт ўтиши билан қорайиб қолган қон излари бор эди. Ажабланарлиси шуки, ёпинчик этагида Патроснинг муваффақиятга эришган кийимларида кўйиладиган гилдия тамғасини ва Патроснинг ўз белгиси – квадрат ичидаги доирани кўрдим. Аммо мен барибир шубҳаландим ва Павелдан Исонинг туғилишидаги ҳодисалар ҳақида нималар билишини сўрадим. У менга Исо Вифлеем ғорида туғилганини, ғор тепасида одам ҳеч қачон кўрмаган ёрқин юдуз порлаб турганини айтди. Шунда мен Павел кўлидаги кийим, ўша ёддан чикмаган тунда, Исо ўралган ёпинчиқлигини тушундим. Бу белгининг ўзи етарли эди.

Эрасмус Павел билан учрашувимизда иштирок этаётган эди. У қасрим минорасидан ўрамларни олиб тушди ва биз уни муҳаббат ила Павелга бердик.

– Бу ўрамларда мисли кўрилмаган донишмандлик баён этилган, – деди Сергиус. Одамларнинг хабар беришича, Павел Писида, Ликаони, Пергам, Икони, Листр ва бошқа кўплаб шаҳарларда динни тарғиб этиб улкан муваффақиятларга эришган.

– Бу мени ажаблантирмаяпти, – эътироз билдирди Хафид.

Сергиус ўз қадаҳини бўшатиб, қизиқиб сўради:

– Сенинг кейинги чиқишинг каерда бўлади?

– Ҳозирча ҳеч қаерда. Эртага учовлон Дамашққа қайтамиз. Бир неча кундан кейин тўпланиб, бу соҳада келажагим борми-йўқлигига қарор чиқаришдан олдин, орттирган тажрибамизни баҳолашга уриниб кўрамиз.

– Сенга аниқ далил келтирсам, Назаретда яна бир кун қолишингнинг иложи борми?

Хафид бир неча дақиқа дўстининг ажин босган юзини ўрганди. Сўнг маъқуллаб бошини силкиб қўйди. Қари ноиб Хафиднинг иккала қўлини ушлаб олди:

– Буюк савдогар, эртага эрталаб бир неча йил илгари ғорда, ёш туялар сарбонини ўпиб қўйган аёл билан учрашасан! деди.

IV БОБ



Улар кейинги кун эрталаб шаҳар марказининг асосий йўлининг чеккасида, очик осмон тагидаги Назаретнинг ягона кудуғи олдида учрашишди. Ҳаво чанг билан тўлган эди, тош арикнинг олдида хумчаларга сув тўлдириш учун навбатда турган аёл ва болаларнинг кулги, бакир-чакирлари, ҳақоратлари эшитилиб турарди. Хафид булоқ ёнида тўхтаб турган катта савдо карвонининг туя сарбонларини қизиқиш билан кузатарди. Ҳайвонлар то чанқоқларини босгунича улар кўп маргалаб кенг тош идишларни сув билан тўлдирдилар.

Сергиус дўсти устидан ҳазиллашишдан ўзини тия олмади.

– Патрос қўлида сен ҳам қачонлардир шу кора ишни бажаргансан-а?

– Йўқ, бу менинг энг ёқимли вазифаларимдан бири эди.

Ўзининг атрофида таниш ўткир ҳид тарқатиб, тор кўчалардан сахро кемалари ўтаётганда Хафид жилмайди. Эркаклар қўлларини сувга ботириб, сув ичиш учун тош идиш олдида, жой бўшагунича сабр билан кутдилар.

– Бу ерга ҳар куни Исо онаси билан келар эди, деди мамнуният билан Сергиус.

Хафид одамлар ва ҳайвонлар чанқоғини босаётган ифлос жойга назар ташлаб, такаббуруна жилмайди.

– У бу қўлмакларни босиб, бу ҳаводан нафас олиб, бу далаларда ўйнаганми, – хазиллашди у. Аммо Сергиус жилмаймади.

– Ҳа, – астагина маъқуллади ноиб. – Отаси билан дурадгорлик қилиб, деярли ўттиз йил шу ерда яшади. Мен маҳаллий аҳолидан у ўз қўллари билан ясаган бир неча буюмларни тўпладим. Кипрга қайтганимда, буюмларни қасримдаги алоҳида хонага қўйишни буюраман.

Улар деярли шаҳардан чиқишаётган пайтида Сергиус тўхтади. Кичкина тўғри бурчак шаклидаги уйни кўрсатди. У катта иккита анор дарахтлари орасидан деярли кўринмасди.

– Мана шу ерда Исо бутун ҳаётини кечирган. Унинг устахонаси уйнинг орқасидаги кичкина хона.

Бўёғи кўчган эшик олдиғача, ёввойи ўт босган йўлакдан зўрға Сергиусга етиб олаётган Хафид: “Балки, кампирни безовта қилишимиз керак эмасдир”, деб юборди. Ноиб Хафиднинг қўлини шапатилаб уриб қўйди.

– Ҳаммаси яхши бўлади. Охирги ҳафтада мен Марияни кўргани кўп келдим. Биз яхши дўстлар бўлиб қолдик. Бугун эрта тонгда чопар орқали сени олиб келишим ҳақида хабар бердим.

Хафид чуқур хўрсинди.

– Сен унга бизнинг олдин Вифлеем ғорида учрашганимизни айтдингми?

– Йўт-э, бу менинг кутилмаган совғамни йўққа чиқаради-ку. Мен шунчаки эски дўстим билан келаман, деб ёздим. Сенинг иштирокинг уни безовта қилмайди. У менга айтишича, Исонинг онасини кўриб, гаплашмоқчи бўлган ҳар хил беозор мусофирларнинг келишига ўрганиб қолибди.

– У ёлғиз ўзи яшайдими?

– Ҳа. У кўп йиллардан бери бева, болалари (гап Мариянинг эри Иосиф (Юсуф)нинг болалари ҳақида кетаяпти) ё ўлган, ёки бошқа жойларга кўчиб кетишган. Фақат унинг ўғли Иаков уни кўргани тез-тез келиб туради. У ҳозир Қуддусдаги янги ибодатхонани бошқаряпти, бу осон иш эмас.

Сергиус икки марта тақиллатгач, тери ҳалқали эшик секин очилди.

– Сенга тинчлик-омонлик бўлсин, азиз аёл, – деди узатилган қўлни меҳр билан ушлаб, лабларини майин тегизиб Сергиус.

– Сенга ҳам Сергиус, – деди у.

Хафидни унга таништирганида самимий табассум қилди. У чўзинчоқ қадахда эчки сути ва пишлок билан уларни меҳмон қилди, яна олдиларига патнисда анжир ва анор кўйди. Улар бамайлихотир шаҳар ҳаёти ходисалари ҳақида суҳбатлашиб ўтиришди.

Хафидни Мариянинг катта ғамгин кўзлари ва ҳали ҳам деярли мумдек қора сочлари ҳайратга солди. У ундан ўн ёшлар атрофида катта эканлигига ишончи комил эди.

Ҳатто овози ҳам унинг ёши ҳақида унутишга мажбур қиларди.

– Ўтган окшом карвонсаройда сен нутқ сўзладингми? – сўради у Хафидга бошини энгаштириб.

– Нутқ сўзладим. Аммо муваффақиятсиз, – деб кўрқаман.

– Сенга бу қаердан маълум?

– Тингловчиларнинг совуқ қабул қилганидан. Агарда Сергиус бўлмаганида охиридаги қарсақларни эшитишимга ҳам шубҳа қилардим.

Мария сезилар-сезилмас кулиб кўйди.

– Ҳар ҳолда улар сени қаттиқ жазолаймиз, деб кўрқитишмабди-ку. Исо чўлда қирқ кун ўтказиб, мулоҳаза қилганидан кейин ҳаётда қандай йўл танлаш керак мавзусида бир марта Назаретдаги ибодатхонада шанба куни эрталаб нутқ сўзлаганида, унинг сўзлари одамларни шундай ғазаблангирдики, уни ушлаб олишиб, ўша ердан ташлаб юбориш учун баланд чўққигача судраб боришган, у аранг қутулиб қолган.

– Бу ҳақида мен билмас эканман, – деди Сергиус. – Булар у билан бирга ўсган, ўйнаган ва бир мактабга борган одамларми?

– Ўшаларнинг ўзи, – деди Мария. – Кўпчилиги уларнинг дўсти, кўшниси, дурадгор бўлгани учун бирданига тушуниб етишмаган. Унга Худо алоҳида ҳукмронликни ато этган, деган гапларни айтиша бошлашди. Бу улар учун динни ҳақорат қилиш бўлиб туюлган, бизнинг қонунга биноан ўлим жазоси берилади.

– Бу унинг одамлар олдидаги биринчи нутқими?

– Ҳа... эрталаб эса охиргиси эканлигига ишонгандим.

Сергиус Хафидга ўгирилиб қаради.

– Бу тарихий воқеани албатта, ёзиш лозим. Менинг билишимча, ҳали ҳеч киши бу ҳақда ёзмаган. Буни кечириб бўлмайди.

Ноиб яна Мария билан сўзлашиш учун келди. Хафид уларни ҳайрат билан кузатди. Чунки Рим салтанатининг

катта амалдори Мария билан жуда мулойим ва ҳурматини жойига қўйган ҳолда муносабатда бўлаётган эди. Хафид шу вақтгача Сергиус бундай муносабатда бўлганини кўрмаганди.

– Бундай даҳшатли муносабатга Исо қандай муносабат билдирди?

– Бу воқеани миясидан чиқариб юборди ва кейинги шанба куни қўшни Капернаум ибодатхонасида ваъз қилди. Бу ернинг аҳолиси уни муҳаббат ва диққат билан тингладилар. Кейинроқ у билан ўша даҳшатли воқеа ҳақида гаплашганимизда, ёдимда, у фақат жилмайди ва ватанида пайғамбар йўқлигини билиши кераклигини айтди.

Сергиус бошини орқага ташлаб, кўзларини юмди.

– Бу воқеани ёзиб олиш керак, жудаям зарур!

Хафид Мария унинг қадахини сут билан тўлдиришини кутиб турди. Сўнг гап бошлади:

– Мен билган оз нарсадан шуни тушундимки, Исо Фаластиндан ташқарида даъват этмаган экан-да. Онаси бўлганинг учун ўғлингнинг нутқини ва таълимотини кўп бора эшитишга муваффақ бўлгандирсан?

Мария маъқуллаб бош силкиди.

– Бошида, ўзининг атрофида издошлари ва мухлисларини тўплаб таълим бераётганида мен уни кўп тинглар эдим. Аммо маҳаллий ва римлик прокуратор жосуслари ўғлимнинг ҳар бир қадамини пойлаб ва ҳар бир сўзини тинглашни бошлаганларида, у муқаррар кулфат олдидан менинг бу ерга қайтишимга мажбур қилди. У бир неча бор Назаретдан апостоллари (Исонинг ўн икки шогирдлари) билан ўтиб кетаётганида бу ерга келар, ўтириб, қўлларимдан ушлар ва рўй бериши мумкин бўлган нарсага тайёрлашга ҳаракат қиларди.

Мария пастки лабларини тишлаб тескари ўтирилди. Сергиус Хафидга қаради ва бошини қимирлатди. Фурсати келди. Ноиб энгашиди ва қўлларини аёлнинг елкасига қўйди.

– Эъозли хоним, мен сенга муҳим нарса айтишим керак.

– Ҳа, Сергиус.

– Менинг қадрли дўстим Хафид бугун бу ерга сени яна бир бор кўриш учун келди.

– Яна? Мария қовоғини солди ва хавотир билан бошини кўтарди. У кириб келганида, мен уни аввалдан билишимга амин бўлдим, бу ҳақида ҳеч нарса айтилмагач, мен қариллик панд берди дес ўйладим. Буюк савдогар, биз у билан илгари учрашганмизми?

– Фақат бир марта, анча йил илгари, Мария.

Исонинг онаси елкасига рўмолинг ташлади-да, олдинга ўтди ва стол узра Хафиднинг юзига қаради. Бирор сўз айтмасдан унга яқинлашди ва Мариянинг қўллари унинг юзига тегди. Бармоқлари унинг ёноқларини пайпаслади ва деди:

– Бу манави ажойиб соқолингиз ўсмасдан илгари бўлганмиди?

– Анча бурун.

У кўз ёшлари намлантирган Хафиднинг кулранг кўзларига синчковлик билан қараб турганида, ўнг қўлининг бош бармоғи иягидаги чуқурчани майин силарди. Тўсатдан у Сергиусга ўтирилди, қўлини буюк савдогар юзларидан ҳали олмасдан, оғзини ярим очаркан, кўз ёшлари ёноқларидаги ажинлари устидан оқиб тушарди.

– Мен уни биламан, кўз ёшлари билан гапирарди у. – Остонани ҳатлаб ўтиши билан унинг ўзгача ҳатти-ҳаракатини ҳис қилдим. Мен уни танийман, Сергиус! Мана яна бир мўъжиза!

– Ким экан у? – Сергиус табассуми муҳаббатдан порлаб турарди.

Мария Хафиднинг юзини ўзига тортиб юзидан майин ўпди.

– Бу менинг хўтикчадаги кичик фариштам. Вифлеемнинг зах босган ғорида Исо туғилгач, бир неча соатдан кейин оқшом қоронғисида пайдо бўлди, боламни иссиқ қизил кийимга ўради. Сўнг тун қоронғисида ғойиб бўлди, мен унга миннатдорлик билдира олмадим.

Хафид ўз ёнокларини силади ва ҳиссиёт билан:

– Сен менга миннатдорлик билдиргансан. Сен мени ўшанда, ҳозир ўпганингдек ўпгансан ва менинг ҳаётим ўша тунда буткул ўзгарди.

– Энди, балки янада узгарар, деди у. Ўрнидан турди ва хонанинг узоқ бурчагида турган катта сандиққа қараб йўналди. Сандиқдан терили халтани олди ва уни стол ёнига келиб Хафидга топширди. Бу сеники, менинг қадрли инсоним. Агар бу сенга қайтса, унга шу маъкул бўлармиди.

У халтадан Исонинг севимли кийими – қизил ёпинчикни олганида, Сергиус Павел сукут сақлаб, дўсти ўтирган курси ёнига чўкка тушиб ўтирди. Қўли билан юмшоқ қизил матони майин силаганида, яна кўз ёшларини тия олмади.

– Охирги марта бу ёпинчикни Павелда кўрган эдим. Унинг ҳикоя қилишича, Қуддусда узоқ излаганидан кейин бир римлик аскарда кўрибди, у ёпинчикни хочга миҳлангандан сўнг... шундан сўнг ошиқ ўйинида ютиб олган экан.

Мария тасдиқлаб бош қимирлатди.

– Павел ёпинчикни менга бир неча йил аввал қайтарди. Бир томонида Исони хочга осишларидан олдин урганларидаги қон доғлари бор эди, мен уларга қарай олмаганим учун кўп вақт ишқорли сувга ботириб қўйдим.

Хафид тўхтамасдан кийимни силар эди.

– Қандай моҳирона иш! Қаранг, ранги оқармаган, мато четининг фақат бир томони титилган, бу ҳам эллик йилдан кейин! Ҳайратланарли!

– Исо уни ҳар сафар кўп одамлар олдида чиқиши керак бўлганида кияр эди. У дуоларидан кейин ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши учун фақат елкасидаги шу кизил ёпинчиқ унга дадиллик берар экан. Сен аввалги кеча мени совуқ кутиб олишди дегандинг-ку?

Хафид кийимни тахлади ва уни Марияга узатди.

– Мен бунчалик бебаҳо кийимни ололмайман. Уни қандайдир катта шаҳарда диндорлар сиғиниши учун илиб кўйиш керак, уни ўз елкамга ёпиб юришга лойиқ эмасман.

– Илтимос, – ўзининг кичик кўлини Хафиднинг кўлига кўйиб деди Мария. – Уни ол... Уни кийиб юр. Мен Исога болалигида унга бошқа бир кичик йигит туғилган чоғида совуқдан асраш учун кийим олиб келганлиги ҳақида тез-тез ҳикоя қилиб берардим. Бу муҳаббатнинг ҳақиқий маъносини тушунишга ўргатишнинг энг яхши усули, ўзингда борини, эвазига мукофот кутмасдан бошқа бировга ёрдам беришнинг учун бера олиш. Бу сабоқни сен туфайли у яхши уқиб олди. Сен, буюк савдогар, оддий тасодиф туфайли кўп йиллардан сўнг бу ёпинчиқни кўрдим деб ўйлаяпсан, бу тақдир чизиғи эканига ҳеч ишона олмаяпсан. Кексайган аёлга бахт онларини ато эт: уни қабул қил. Менда, худди уни илиқ хотиралари каби қарилгимда дардимга малҳам бўлиши учун ўғлимнинг кўп нарсалари сақланиб қолди. Кўп йиллар ўтгач, ёпинчиқ ўз қонуний эгасига қайтарилмоқда.

Мен ҳеч қачон бу кунни унутмайман, – кўз ёшлари аралаш гапирди Хафид ва кизил ёпинчиқни олиб, ҳўл ёноқларига майин босди.



Мариянинг уйидан чиқиб, икковлон жим, ҳар бири ўз хаёлига чўмганча кетишарди. Улар асосий йўлга етиб келганларида Сергиус тўхтади-да, дўстига ўгирилиб қаради.

– Бугун мен билан бирга бориш таклифини рад этмаганинг учун сендан бағоят миннатдорман.

– Бу ҳақда гапирмайлик, – эътироз билдирди буюк савдогар ва Исонинг ёпинчиғи ётган халтани баланд кўтарди. Мен сендан миннатдор бўлишим керак.

– Чарчадингми?

Хафид бошини кимирлатди.

– Сени тез қайтишингни кутишаяптими?

– Йўқ. Мен Эрасмусга эҳтимол кун бўйи бўлмайман, деб айтганман.

Ҳозир улар Гален билан охириги чиқишлардан кейинги фойдани ҳисоблаш билан банддирлар.

Сергиус ўгирилиб, ўнг томонда йўлнинг кескин тепага қараб кетган дўнгликни кўрсатди.

– Менга айтишларича, бу тепалик Назаретдаги энг баланд тепаликдир. Энг тепасидаги катта анжир дарахтини кўраяпсанми?

Хафид қуёшдан кўзларини иккала қўллари билан ёпиб олди.

– Ҳа.

– Нима деб ўйлайсан, менинг ёрдамимда кексайган жуссанг қадимги тепаликка чиқишга қодирмикан?

– Римлик ҳарбий руҳни ҳақиқатан ҳам йўқотиб бўлмас экан, – мингиллаб кўйди Хафид. – Агар бу тепаликка чиқа олсанг, ишонаманки, мен ҳам унинг урдасидан чиқаман... кимнингдир ёрдамисиз. Мен фақат куш қўнмас ва қиррали тошлар орасидан, Дамашқда катта дарахтзорларим бўла туриб, қандайдир ночор анжир дарахтининг тагида ўтириш учун нега тепаликка чиқиш кераклигини тушунмаяпман.

Сергиус кулимсираб қўйди.

– Ундай эмас, буюк савдогар. Кеча Марияни кўргани боргандим, у қудукнинг ёнигача мени кузатди-да, шу жойга келганимизда, якка турган дарахтга назар ташлади ва Исо ёшлик пайтидан бошлаб, ёлғиз қолишни истаганида, ўша ерга кўтарилишини айтди. Кўраяпсанми, ўнг томонда тепаликка олиб борадиган ёлғизоёқ йўл бор экан. Мен кечанинг ўзидаёқ ундан кўтарилардим, аммо Мария мени кузатган пайтида қуёш ботаётган эди, ҳам сенинг нутқингни ўтказиб юборгим келмади. У ерга ҳозир мен билан кўтарила олмайсанми? Ўйлайманки, тепаликдан кўринган манзарани томоша қилиш учун уринсанг арзийди.

– Кетдик, – бақирди Хафид ва елкаси оша терили халтани ташлаб олиб, Сергиуснинг ортидан юрди.

Нихоят, тепалик чўққисига чиққанларида, иккаласи қора терга ботиб, оғир нафас олишарди, унда ягона анжир дарахти ва пўпанак, у ер-бу ер кулранг тоғ жинслари билан копланган эди. Хафид елкасидан юкини олиб дарахтга суяб қўйди ва чарчаган оғир танасини Сергиусга суяди.

Уларнинг оёқлари остида, узокда, пастда Назарет шаҳарчаси турарди – тартибсиз оқ уйчалар, яшил ўтлоқлар ва тўк жигарранг боғлар кўринарди. Тор йўл пастликни гўё иккига – жануб томондан Қуддусга, шимолдан эса Дамашққа бўлган эди. Сергиус кудукнинг ҳамма ёпишган майда гуруҳ шаклларни кўрсатганида, Хафид бошини кимиралиб, кулиб қўйди.

Ғарб томонда Кармил тоғи кад кўтариб турарди, орқасидан Ўрта денгиз сувларидан кўтарилаётган туман кўринарди. Ҳар томондан кўринаётган манзарага: Ездрилон водийси, Фавор тоғлари, Самара дўнгликлари ва туманли Гевал тоғларига икковлари оғизларини очиб, анграйиб қарашарди. Шарқда Галилей денгизи, узок жануброкда яшил Иордан водийси, худди кўз ўнгларида бўёқлар ўзгараётганидек. Бошларининг тепасида, енгил шамол қадимги анжир дарахтининг катта барглари билан шовкин соларди, беғубор ёрқин зангори осмонда узок-узокларда, ўзининг ҳаракатсиз қанотларини кенг ёзганча, бургут аста парвоз қиларди.

Хафид, бу ерда, тепаликда ҳукм сураётган ёқимли жимликни биринчи бўлиб бузди. Аммо овози чўзик, худди акс-садо бериб таралди.

– Мен ер юзида кўп йиллар яшадим, аммо оламнинг елиб-югуришларидан аввал бу тепада бўлишга муяссар бўлмагандим. Исо кўпинча нега бу ерга келишини тушуниш кийин эмас. Тепага кўтарилгач, ҳамма ғам-ташвишларингни у ерда, пастда қолдирасан, – деди у қўли

билан шаҳарни кўрсатиб, – ва агар Худо бор бўлса, бу ердан у билан мулоқот қилиш анча осон.

Сергиус қўли билан уфқда қад кўтариб турган, узок шимол томонга, Ермон тоғларининг қорли чўққилари йўналишини кўрсатди, унғача йўл юрилганида бор-йўғи икки кун кетади.

– Бир гал Худо Исо билан ўша баланд тоғда гаплашган.

– Ермондами? Сенда исботи борми?

– Унинг энг яқин муридларидан учтаси гувоҳи бўлган.

– Худо нима дебди?

– У мен учун сеvimли, гапларига қулоқ солинглар.

– Шунинг ўзимми?

– Шунинг ўзи етиб ортади, – деди жилмайиб Сергиус.

– Сен унинг энг яқин учта муриди гувоҳлигига ишонасанми?

– Шунчалик ишонаманки, Худонинг овозини эшитган жойда, муридлари гувоҳлик берган бу тоғда ҳатто уй курдим. Яхшигина озиқ-овқат жамғариб, йил бўйи уйга қараб турадиган одам ёлладим, ҳар ёзда жуда бўлмаганда у ерда икки ҳафтани ўтказаман. Тинчлик ва хотиржамлик маконига бир неча бор сени таклиф қилмоқчи бўлдим, аммо Лишани йўқотганингдан сўнг тарки дунё қилдинг, мен сени безовта қилгим келмади. Агар менинг таклифимга кўнсанг ва мени кўришга у ерга борсанг, менга зўр илтифот кўрсатган бўласан. Ўзинг билан Эрасмусни ҳам ол. Ўша эҳтиром қилинган жойда истаганингча яша. Биз хайрлашишимиздан аввал, мен сенга ўша тинч бошпанамни осон топишинг учун харита чизиб бераман. Дамашқдаги қасрингдан унғача бир кунликдан камроқ йўл.

– Сен билан ҳам Худо ўша тепалиқда гаплашганми?

– Йўқ, аммо мен одатда у билан ўша ердалигимда гаплашаман.

Хафид хўрсинди ва бошини қимирлатди, Исонинг кийими ётган тери халтани баланд кўтарди ва:

– Шундай тўлқинли ва чексиз эътиқодинг билан Сергиус, ёпинчикқа сен эгалик қилишинг керак, мен эмас, – деди.

– Йўқ ва яна йўқ, – хитоб қилди Сергиус қўлларини силкитиб. Исонинг онаси нима қилаётганини аниқ билган. Ёпинчик ишончли қўлларда. Худонинг иродаси шу.

Хафид ўрнидан турди ва қўлларини белига қўйиб, Ермон тоғларига тикилганча қараб қолди.

– Агар Худо мен билан гаплашишни хоҳлаганида, сен нима деб ўйлайсан, Сергиус, менинг шу ёшда киришмоқчи бўлган янги соҳам ҳақида нима дерди?

Сергиус бармоқларини чирмаштириб, кўзларини юмди ва бошини эгди. Бироздан сўнг бошини кўтариб, Хафидга қаради, у гапирганида овози бағоятда ифодали эшитилди.

– Мен ҳеч қачон Худо номидан гапиришга журъат этолмасдим, буюк савдогар, аммо ўйлаяпман. У сени биринчи галда дахмангни ўликларга қолдирганинг билан қутларди. Умрингнинг қолган кунларини одамларнинг муваффақиятга эришишлари учун доно маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар кўрсатишга бағишлаган қароринг – мактовга лойиқ қарор, бироқ...

Хафид дўстига ўтирилганида уни кутиб қараб турарди.

– Аммо кеча кечкурун эшитган нарсаларим, сенинг одатий чиқишинг бўлса, шуқуҳига қарамасдан, ваъзингда қандайдир муҳим нарса етишмаяпти. Сени эшитишга келаётганларнинг кўпчилиги сенинг обрўйинг ва улкан бойлигингдан хабардор ва эҳтимол ўз кўзи билан кўриш, мириқиб тинглаш бахтига мушарраф бўлмоқчидирлар; эҳтимол сенинг сўзларингни ёпиқ онг... яъни сен эришган ютуқларга ўзлари ҳеч қачон, ҳеч қанақасига эриша

олмаслик фикри билан тинглаётгандирлар. Уларнинг онгини қандай очиш керак? Бунда фақатгина сенинг ёшлигинг – кўнгилда сақлаган орзуни амалга ошириш йўлида кураш ва тўсиқларни енгиш ҳақидаги ҳикояни айтиб бериш керакдир.

– Бунга мен қандай эришай?

– Сен ёшлигингда доим хидлаган гўнгнинг хидини хидлатиб кўр, бойлик ва шуҳрат қозонишда қилган уринишларингдаги бошингдан кечирган муваффақиятсизликлардан, кўрган кўз ёшлари ва юрак оғриқларини дилларида тасвирлаб, хис қилишлари ва ҳеч қачон унутмасликлари учун энг кучли сўзлардан фойдалан. Уларни: “Агар Хафид жуда камдан бошлаб, шундай кўпга эриша олган экан, нима учун мен ундан кўпига эга бўла туриб, йиғлаб, ҳаётимни лаънатлашим керак?” деган ҳаёл билан кетишга мажбур қил. Хафид, сен ўз чиқишларингда қачонлардир чеккан азоб-уқубатларинг ва омадсизликларинг ҳақида гапиришингга шубҳа қиламан, ўз тингловчиларингга худди туғилганидан ташвиш нималигини билмай, бойлик ва омаддан ҳузур қилиб яшаган қандайдир виқорли одамдек кўринасан. Агар сен ҳам оддий савдогар ёки фермерлардек оиласи деб, бир бўлак нон учун қийинчиликлар олдида юзма-юз бўлганингни ва ғолиб бўлиб чиққанингни билмаса, сенинг нутқингга қандай жиддий қарасин?

– Ажойиб маслаҳат, Сергиус ва мен унга амал қиламан. Яна бирор нимами?

Сергиус оғзини очмоқчи бўлди, аммо бирданига ерга қараб жимиб қолди.

– Илтимос, – уни маъқуллади Хафид. Биз сен билан ака-укадекмиз. Мен билан самимий гаплаш. Менга ёрдам бер.

– Сенинг омборингда ҳали олтинларинг кўпми?

– Мен билан Эрасмусга қачонлардир керак бўлишидан кўпроқ. Ҳатто ҳозир ҳам Дамашқда жуда кўп одамларни едириб, кийинтирамиз.

– Ўзим ҳам билувдим. Хафид “Одамга балиқ бериб, бир кун қорнини тўйдирасан. Ўзини овлашга ўргатсанг, бутун умр тўйдирасан,” деган қадимий ҳикмат бор.

Хафид Сергиуснинг ёнига тиз чўкиб ўтирди ва ўртоғининг қўлини ушлаб олди.

– Бу доно сўзларнинг менга боғлиқлигини тушунишимга ишонмаяпман.

– Бошқа нотиклар сингари кириш учун пул тўлашларини талаб қиляпсан. Шунинг учун сенинг қувватлашинг ва йўл-йўриқларингга кўпроқ муҳтож бўлган одамлар жуда камбағал бўлганлари учун уни эшитмаяптилар. Булар сен едириб, кийинтирадиган одамлар. Бу вазиятни илдизи билан ўзгартир. Сенинг ёрдамчинг, Гален, воситачилик учун эмас, кундалик иш ҳақи олсин, қўлида етарли маблағ олиб юриб, энг катта майдонларни ижарага олсин. Яна яхши иш ҳақи эвазига маҳаллий аҳоли ичидан одамларни ёлласин, улар дунёнинг буюк савдогари ўша ерда фалон вақтда гапиради, деган хабар тарқатишсин ва кириш текин эканлигини ҳамма ерда эълон қилишсин!

– Текин? Ҳаётини яхшилашни умуман ўйламайдиган, кўнглини очиш ёки вақтини ўтказиш учун келадиганларнинг кўпи топилади.

– Албатта, сен ҳақсан. Кўп донишмандлар, ҳақ тўламаган ёки меҳнат қилиб топилмаган нарсанинг қадри йўқ деб таъкидлашади. Шундай бўлса ҳам, барибир, уларнинг орасида ҳеч бўлмаганда туялар камбағал сарбони ёки бошпанасиз ўғил боланинг ҳаёти сенинг доно сўзларинг туфайли яхшиланса, билиминг сенга қандай

хузур бағишлашини тасаввур килиб кўр. Мен сен ҳаётни яхши томонга қанчалик ўзгартирмоқчи эканлигингни биламан, дўстим, аммо сен бир нарсани... оддий бир ҳақиқатни эслаб қолишинг керак.

– Қандай экан?

– Сен ҳар сафар фақат битта одамнинг ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қилсанггина эришмоқчи бўлган ниятингга етасан.

Хафид энгашди ва севимли дўстини меҳр билан кучоқлади.

– Сендан миннатдорман. Бу гапларни Худо дилингга солиб, сенинг тилингда бу яхши сўзларни айтгандай бўлди.



БОБ



Йирик ёркин кизил тилла ҳарфларда ёзилган “Муваффақият карвони” Рим марказидан узок бўлмаган очик яйловда жойлашди. Унинг ўн иккита аравасида лотин, юнон ва яхудий тилларида шу сўзлар ёзилган эди. Аравалар атрофидаги кўплаб чодирлардан энг каттасининг ичида Хафид, Эрасмус ва Гален бирга қадахни кўтараётган эди.

– Бизнинг буюк ғалабамиз учун, – мағрурлик билан хайқирди у.

– Ҳа, бу унутилмас кеча бўлди, – хўрсинди Эрасмус.

Ўша куни кечкурун илгарирок, минбар атрофидаги деворларда икки юздан ортиқ машъал ёритиб турган, ўз вақтида Август қурдиртирган Помпей театрида Хафид Римда мисли кўрилмаган, саккиз юз кишидан ортиқ аудитория олдида илҳомбахш сўзлари билан мурожаат

қиларди. Ҳар чикишида, кўп йиллар илгари Назаретга борганидан бери, Исонинг қизил ёпинчигини кийиб, деярли бир соатли нутқининг охириги сўзларидан кейинги кўтарилган гулдурос қарсақларни қувонч билан тингларди.

Буюк савдогар ўз қадаҳидаги майдан ичди ва деди:

– Гален, мени бошқа нотиклар каби кундуз кунлари эмас, кечалари нутқ сўзлашимга кўндирганинг учун сенга миннатдорлик билдираман. Биз мурожаат қилаётган одамларнинг кўпчилиги – шаҳарнинг оддий савдогарлари ва камбағал меҳнатқашлардан иборат, улар бизни тинглашга бошқа вақт топа олмайдилар. Кўпчилиги умриларида ҳеч қачон нотиклар нутқини эшитмаганликларини тан олаяптилар.

– Жаноб, бу кеча жуда ажойибсан, – жавоб берди Гален, – сен айтган ҳар бир сўз она тилимиздагидай янгради.

– Сендан миннатдорман. Мени фақат Сергиус Павел тингламаганидан хафаман, энди у давлат хизматидан бўшаб, бу ерга, Римга қайтгач, бу кеча қувончли лаҳзаларимизда биз билан бирга бўлишини орзу қилардим; аммо Худодан дардига шифо беришини тилайман. Мен унга бизнинг катта муваффақиятимиз ҳақида кичкинагина хабар юбораман, бу унга катта қувонч бағишлайди. Агар унинг менга ўн беш йил илгари берган оқилона маслаҳати бўлмаса, биз бу ерда бўлмасдик ва мен аллақачон оилавий дахмамизда, азизим Лишанинг ёнида бўлардим.

Гален тасдиқлаб бош кимиради.

– Менинг ҳали биринчи кунларимиз ёдимда, бизда биттагина арава бор эди. Энди бизнинг карвонимиз миқдори деярли савдогарлик фаолиятининг гуркираган пайтда талаб қилинган даражага етди. Аравалардан ташқари ўн олти сарбон, саккизта отлик қуроолланган соқчилар, икки ошпаз, бир талай ёрдамчилар ва шаҳардан-

шаҳарга кўчиб юришимиз учун қирқдан ошиқ отларимиз бор. Афинадан бу ерга мол-мулкимиз ва ҳайвонларимизни жўнатишимизга керак бўлган ўнта кемамиз флотилияси тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Биз сенинг номанг билан оддий одамлардан бунинг учун ҳақ талаб қилмасдан бутун дунёни айланиб чикдик – Александрия, Мемфис, Қуддус, Вавилон, Боғдод, Ниневия, Алеппо, Одесса, Антиохия, Эфес, Смирна, Спарта, Афина каби юзлаб йирик шаҳарлар, мана энди дунё пойтахти – Римгача. Одамлар қандай гулдурос қарсақлар билан сени кутиб олишларини эшитганимда, мен сенинг сўзларинг минглаб одамлар ҳаёти мазмунини ўзгартиришини биламан.

Шунда Эрасмус деди:

– Тўғри-да, хожамнинг Назаретдаги Сергиус Павел билан тасодифан учрашувига ўн беш йил ўтиб кетганига умуман ишонгим келмайди.

– Тасодифий учрашув деб ўйламайман, – эътироз билдирди Хафид. – Менинг учун бу Худонинг мен билан шахмат партиясини ўйнаётганига яна бир мисол, бундай намуналар ҳаётимда оз бўлмаган. Вақти-вақти билан У бизнинг ҳаётимизга аралашиб, ҳар биримизга шундай “тасодиф”ларни уюштиради. Сўнг У юришига жавоб қайтаришимизни кутиб туради. Баъзилар ўзи учун истиқболли келажакни яратишади, бошқалари ғазаб ва умидсизлик билан жавоб беришади. Умуман ҳаракатсизлар ҳам учраб туради. Булар – тирик мурдалар, бизларнинг орамизда кунларини шикоят қилиб, йиғлаб ўтказадиганлар, ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга ҳеч қачон ҳаракат қилмайдиганлар жуда кўп. Мана нима учун ўз чиқишларимда камбағал-бечоралар, бошпанасизларга кийинчиликларга қандай дош бериш кераклигини ўргатаман, Худо бизни синаётганини бу заҳматкаш

одамларга доим эслатаман, У бизни ғолиб бўлишимизни истайди. Мен уларни ғолиб бўлишга ўргатишга ҳаракат қиламан ва мен учун шаҳарга йиллар ўтгач қайтиб келганимда, менинг сўзларимни эшитиб, жиддий қабул қилиб, муваффақиятга эришаётганларни кўришдан яхшироқ мукофот йўқ.

– Ҳозирча, – деди Эрасмус қатъиятсизлик билан, – император ўзини Худо деб ўйлаб, ўзининг қасрида фукароларининг тақдирини ўзи ҳал қилишига ишонади, биз Рим ерларида бегонамиз. Бугун омма орасида Хафид айтган сўзлардан халқнинг ғалаёнига сабаб бўлувчи сўзларни кидирувчилар бор эканлигига ишончингиз комил бўлсин. Худди Исонинг давомчилари айтган диний қасидалар келажакдаги Дунё ва Ичимиздаги оламни ўзгартиради, деб айблов топишгандек. Нерон ҳатто ўтган йили уларни даҳшатли ёнғин уюштирмоқчи бўлганлари учун қўлга олиб, цирк майдонида қатл эттирди, ҳали улардан баъзилари шаҳар остидаги йўлларда яшириниб ётганларини таъкидлашдан чарчамаяпти. Улар эътиқоди учун жонидан кечишди, деб ўйлайман.

– Қизик, – деди жилмайиб Хафид, мен чиқиш қилганимда кийган ёпинчиқ Исоники эканини билганида Нерон нима қилган бўларди?

– Илтимос, хошам, – ёлвориб айтди Эрасмус, – бу бизнинг кичик сиримиз бўлиб қолсин.

Катта чодир олдида турган соқчи кираверишда пайдо бўлиб, кимдир Хафидни сўраётганлигини айтди.

– Кира қолсин! – деди Хафид яна қадахларни тўлдирар экан.

Меҳмон тўқ кўк рангли ергача тегадиган туника кийиб, белини тасма билан боғлаб олган эди. Унинг узун каштан рангли сочларига оқ оралаган, қорайган юзларини чуқур

ажин босганди. У гапирганида овози кучли ва ёкимли эканлиги билинди.

– Сенга тинчлик ва омонлик тилайман. Менинг исмим Лука, мен Тарсдан, дунёнинг энг буюк савдогарининг эски дўсти Павелдан нома олиб келдим.

Хафид сакраб турди.

– Павел шу ердами, Римдами?

– У Преторияда, қамокда, судни кутиб ётибди.

– Бўлиши мумкин эмас, – бақриб юборди Хафид. Яқинда ундан келган хат яхши хабарлардан иборат эди, Кесария ва Римдаги узоқ азобли тутқунликдан далиллар етишмагани учун ниҳоят қўйиб юборганларини хабар қилувди.

– Уни яна қўлга олишди, бу сафар худди Павел Исо – шоҳ эканини таъкидлаётганини эшитган гувоҳлар борлигини айтишди. Рим қонунига кўра, бошқа ҳукуматни тан олиш ўлим жазоси билан жазоланади.

– Мен бирор нарсада ёрдам бера оламанми? – сўради Хафид. Илтимос, айт менга.

– Уни яна қўлга олишганидан бери Павел ҳаётга бўлган иродасини йўқотиб қўйгандек. Кўпчилик дўст ва давомчилари уни тарк этишди. У зиндонда сукут сақлаб, фақат нон увоклари билан овқатланиб ўтирибди. Унинг саломатлигидан ҳавотирда эдим. Аммо эрталаб мен унга Аппиева йўли бўйида сенинг Помпей театрида чиқишинг ҳақидаги эълон ёзилган бир эн мато осифлиқ турганини айтдим. Сенинг номингни эшитиши билан у бир неча йилдан бери мен билган одамимга айланди. У сенга ўз муҳаббатини йўллайди, мухтарам савдогар, сенинг Римга келишингни қувватлайди ва зиндонга уни кўришга боришингни ёлвориб сўраяпти. Павелнинг суди бўлиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги боис, мен умид қиламанки, сен уни яқинда кўрасан.

– Истаган пайтда, – бир сония ҳам иккиланмасдан жавоб берди Хафид. Сен қачон мени унинг ёнига олиб бора оласан?

– Бу лаънати жойнинг қоронғи зиндонларида куну туннинг фарқига боришмайди. Мен у ердаги қоровулларнинг ишончига кирганман. Агарда чарчамаган бўлсанг, биз у ерга ҳозирнинг ўзида боришимиз мумкин.

Эрасмус ковоғини уйиб Лукага қаради.

– Хожам кўпинча етмиш бешга кирганларини унутиб кўядилар. Бугунги кечки чиқиш унинг кўп кучини олиб кўйди ва у яхшилаб ухлаб олиши зарур.

– Йўқ, – жавоб берди Хафид. Мен ўзимни ҳеч қачон жуда чарчаган ҳолатда ҳис қилмайман, агар мени Худонинг одами чақираётган экан, унинг олдига мени олиб бор, Лука.

Улар кетишаётганида, Хафид кийим тахмони олдида тўхтади. У ердан Исонинг ёпинчиғини олди-да, ўзининг елкасига ташлаб олди.

– Эҳтимол, бу дуо олган кийимнинг кўриниши, – тушунтирди у Лукага, – у ҳар доим менинг руҳимни кўтарганидек, Павелнинг руҳини ҳам кўтарар.

Қамоқнинг кулранг тошдан қурилган зулмат босган биноси Капитолий тепалигида, Нерон қасрига яқин жойда жойлашган бўлиб, фақат давлатга қарши оғир жиноят қилганлар учун эди. Қамоқ қоровуллигини алоҳида танланган, синовдан ўтган легионерлар (қадимги Римдаги 600 кишилиқ отряд) махсус бўлими кўмондони назорати остида олиб борарди. Ҳали ҳеч ким унинг зиндонларидан коча олмаган эди. Қамоқ эшиги тагидаги қоровул Лукани таниди. Озгина кутганларидан кейин Лука ва Хафидни тик тош зиналаридан пастга қузатиб боришди. Оёқ остида сув шалопларди, зах, рутубатли ҳаво анқиб турарди, каламушлар бижиб ётган йўлакдан баланд бўйли соқчи бир эшик олдида тўхтаб, калитни бурагунича юрдилар.

– Сизларни маҳбус билан бирга қулфлаб қўйишимга тўғри келади, – деди у, – хавотир олманг. Кетаётганларингизда бакириб қўйинг ва мен келаман.

Соқчи улар нимқоронғи зиндонга киргунларигача эшикни ушлаб турди. Сўнг эшик тарақлаб ёпилди ва темир зулфларнинг шақирлаб сурилгани эшитилди.

– Лука, – қоронғиликда бурчакдан хирилдоқ овоз эшитилди, – Лука, бу сенмисан?

– Ҳа, Павел, кара... мен дўстингни олиб келдим!

Буюк савдогарнинг кўзлари кичик камера хира ёруғлигига ўргана бошлади ва шунда ҳам Павел қўлларининг тегишини, унинг юзини кўришдан аввал сезди.

– Хафид, – йиғлаб юборди кичкина одам, – бу сенмисан? Бу ростдан ҳам сенмисан? Менинг буюк дўстим ва валинеъматим! Бизнинг Худомизнинг сўзларини бутун оламга ёйишга ёрдам берган муваффақият ўрамларини бериб, мени қачонлардир қутқарган кимса. Неча бор мен Дамашқда сени бориб кўрмоқчи бўлдим, аммо доим менинг дўстларим сен узлатда яшаётганингни ва ҳеч кимни қабул қилмаётганингни айтишди. Хатларимда эса сенинг олдингда умрбод қарздор эканимни ифодалай олмадим. Шундай шароитларда учрашганимиздан мен афсусдаман, аммо Худога шукур, сен келдинг. Йиллар сенга меҳрибонлик қилибди, буни таъкидлашдан бахтиёрман.

Энди Хафид Павелнинг озиб кетган юзини, осилган қошлари остидаги катта кўзлари ва чандиқли кенг пешанасини аниқ кўра бошлади. Унинг ёпишган ва таралмаган сочлари, ёноқлари, киртайган кўзларига тушиб турарди, жулдур жанда эса совуқдан заиф ҳимоя қилар эди. Павел Хафидга кўрқиб кетган бола онасига ёпишиб олгандек осилиб олди. Ниҳоят Лука бўялмаган пастгина столга ишора қилди.

– Ўтиринглар, – давом этди у, – келинлар, ўтириб гаплашайлик.

Павел қайта таклифга мухтож эмасди. Ташриф буюрганларнинг фақат бир нечта саволларига жавоб бериб, у анча олдин Дамашққа кетаётганда йўлда ажиб хиссиёт пайдо бўлган ва ўшандан буён ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборганини узоқ гапирди. У ўзининг Хафид ёнига борганини ва совға сифатида ўрамларни олгани, оламнинг йирик шаҳарларига сафарларини эслади, Мальта ороллари яқинида кема ҳалокатга учрагани унинг ўлимига сабаб бўлишига оз қолгани, озгина маблағ билан Фаластиндан ташқарида Худонинг сўзларини етказиш учун ўзининг тўхтовсиз ҳаракатлари хақида гапирди. Овози борган сари куч олаверди, аммо бирданига узилиб қолди ва у ҳаддидан ошганини сезиб қолди, айбдорона жилмайиб, узр сўради.

– Дўстлар, кечиринг. Мен жуда кўп вақт бу ерда ёлғизликда бўлдим. Ҳар қандай воиз унга тингловчиларни бериб қўйсанг, нечта бўлиши муҳим эмас, тинмай кучи етгунича гапирaveraди. Шунака эмасми, буюк савдогар?

Хафид жилмайди ва елкаларини сиқди.

– Фикр билдирилмайман, чунки воиз эмасман.

– Ҳали шунақами? – ҳайқирди Павел Лукага мурожаат қиларкан. Бу одамни эшит! Хафид, буни англайсанми-йўқми, биз сен билан бир қайиқдамиз. Биз иккимиз одамларни, аёл ва эркакларни дўзахдан қутқариш учун курашяпмиз. Сен уларни қутқариб олмоқчи бўлган дўзах – шу ерда... ва ҳозир. Мен уларни асраб қолмоқчи бўлган дўзах – эртага... ва абадий. Биз иккимиз бизни тинглаётганларни ер жаннатига ва осмон жаннатига туниш учун худди ўша фазилатлар: муҳаббат,

меҳрибонлик, раҳмдиллик ва меҳнатсеварлик кераклигини ишонтиришга уринаяпмиз. Менинг ўзим сенинг машхур чиқишларингни эшитмаганман. Менинг хошам, менинг дўстларим сен тарғиб қилаётган яхши ҳаёт фаразлари, худди шундай осонлик билан Мусодан, ёки Сулаймон, ё Исодан чиқиши мумкин эди. Менга сўзларинг қалбингдан чиқаётганини айтишди ва буюк куч билан жаранглайдики, улар сени тинглаётган инсонлар қалби ва онгига сингади. Бу буюк инъом, Хафид. Мен фақат сен биз билан бирга эмаслигингдан афсусдаман, – у Хафиднинг елкасидаги кизил матони энгил силади. – Аммо иложи бор, – у жилмайди, – ўзинг англамасанг-да, сен шундай ҳам бизлар билан биргасан.

Хафиднинг оёқлари совуқдан увишиб қолди. У ўрnidан турди ва кичик қамоқхонанинг ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Мен сенга узоқ йиллар илгари берган ўша ўрамларга нима бўлди?

– Менинг бор-будимни ўтган йилдаги кема ҳалокати олиб кетди. Деярли ўттиз йил мен бир кун ҳам ўрамлардан ажрамадим, ҳатто қамоқдалигимда ҳам, фақат уммонгина уларни мендан олиб қўйди. Лекин ҳамма ўнтаси аллақачон менинг қўлим ёки оёғимдек бир қисмимга айланиб бўлди. Мен ҳар бир ўрамни эслаб сўзма-сўз ёдлай оламан, мен улар мени қанча марталаб тўғри йўлга бошлаб, ҳаётимни сақлаб қолганини санаб, янглишиб ҳам кетдим.

Хафид сесканиб кетди ва кўзларини юмиб олди, худди биров қаттиқ итариб юборгандек орқасига тебраниб кетди. Дўстларига елкасини ўгириб, чарчаган ҳолда темир панжарага бошини қўйди. Ниҳоят у юмшоқлик билан деди:

– Бу кимматли ўрамлар шундай куч ва ҳаётга тўлган эдики, мен қандайдир уларни йўқотиб бўлмайди деб ўйлардим. Аммо агарда улар ўтган йили йўқолган бўлса, менинг ҳисобим бўйича юз йилдан ортиқ ёшда бўлса керак. Павел, менга айт-чи, мен сенга уқтирганимдек, ҳар имконияти бўлганида, бошқалар ҳам уйқудан уйғониб, бахт, омад ва муҳаббатга тўла янги ҳаётни билишлари учун ўрамлардаги доноликни одамлар билан бўлишдингми?

– Мен сафар қилган ҳамма ерларимда сенга ваъда берганимдек, ҳар сафар ўз эътиқодимга ишонириб, у бу оламда дадил қадам ташлаб, одамларга ҳақиқатни етказиши учун унга ўрамлардаги доноликлардан насихат қилар дим. Охирги ўн йил ичида юзта, балки мингта нухалари тайёрланиб, бутун оламга тарқалиб кетди... Қуддусдан тортиб Римгача.

Хафид иккала қўлини чўзиб Павелнинг чигал бўлиб кетган сочларини силади.

– Сен кўринадиган чегаралардан узокларда сафар қилдинг, буюк хабарчи. Бундай жирканч каламуш тутадиган қопқон ўрнига, одамзот сенга олтин ёки кумуш қаср билан ҳақ тўлаши керак эди. Менинг юрагим огрияпти ва ўзимни жуда ожиз сезаяпман. Сени нима кутаяпти?

Павел қўлларини ориқ, очиқ кўкраги устига қовуштирди. Унинг овози хотиржам эшитилди.

– Куним битганга ўхшайди. Мен тайёрман. Мен муносиб равишда курашдим ва ўз йўлимни охиригача етказдим. Мана Лука, менинг содиқ иттифоқчим ва дўстим узок йиллар давомида ва ниҳоят авлодлар учун мендан билиб олган ҳамма нарсаларни ёзиб олишга рози бўлди. Бу кунт талаб қиладиган меҳнатга у кўплаб ойлар сарфлади ва деярли тугатди, менинг хабарим мендан кўп яшайди деган

умидим бор. Сен эса Хафид, сен ўз олтин фикрларингни, муваффақият тамойилларингни келгуси авлодлар ҳам фойда олишлари учун қўлёзма қилдингми?

– Йўк, ҳозирча йўк.

– Сен буни қилишинг керак... ва тезроқ. Худо бизни қайси кун, қайси соатда ёнига чакириб олиши қоронғи. Сен гўрингга бахт ва тараққиёт сирларини олиб кетишинг олам учун катта йўқотиш бўларди. Менга бу иш билан шуғулланишни тезроқ бошлашга ваъда бер. Хафид зўрға жилмайди ва Павелнинг озиб кетган ёноқларига уриб қўйди.

– Ваъда бераман.

Павел бошини қимирлатиб қўйди.

– Бошлаганингда шуни эсда сақлагинки, сенинг бўғининг биз иккимизга катта таъсир қилган ўрамдагидек бўлсин. Мен одамни мақсадга йўналтиришни ўрамлардагилардек мукамал ишонтириш усулларини билмайман. Бу усул ва сенинг буюк донолигингни яна бир бор бирлаштириб, кўп одамлар ҳаётини мўъжизавий ўзгартира оладиган натижаларга ҳойнаҳой эриша оларсан. Кечиктирма, ўтинаман!

Зиндон эшиги ёнида соқчи турарди. Хайрлашиш дайти келган эди. Павел Лукани қучоқлади ва Хафиднинг ёнига келди, у ўз кўкрагига хаворийнинг озгин ярим ялангоч баданини бағрига босди.

– Худонинг ўзи сени паноҳида асрасин, – деди чуқур нафас олиб Павел. Буюк савдогар, бизларнинг йўлларимизни бирлаштиргани учун Худога шуқур қиламан!

Зиндон эшиги очилганида Павел орқага тисланди ва Лука йўлакка чиқди. Хафид остонада секинлашди,

Ўзидан қизил ёпинчиқни тезда ечди-да, уни ҳаворийнинг титраётган озғин елкасига ташлади. Қамоқ назоратчиси остонада ҳаяллаб қолган Хафидни тоқатсизлик билан кузатарди.

– Исиниб ол, дўстим, – деди Хафид. – Мен сени яхши кўраман.

– Мен ҳам сени яхши кўраман. Абадий!



Эрасмус худди уни биров ургандек сесканиб кетди.

– Ўзимнинг вазмин кулоқларимга ишонмайман, хошам.

Хафиднинг овози унинг чарчаганидан далолат берарди.

– Мен бу даҳшатли зиндон роса совуқ эканлигини, Павелнинг эгнида кийим камлиги учун унга ёпинчикни берганимни айтдим.

– Ахир сен бу йиллар давомида, камида саккиз юз марта Исонинг эски, титилиб кетган кийимида нутқ сўзлаган эдинг. Неча бор сендан ёпинчик руҳингни кўтаришини ва ишонч бағишлашини эшитган эдим. Агар уни сенинг кейинги нутқ сўзлашинггача олиб келишмаса нима бўларкин?

Хафид кўзларини юмиб жавоб берди:

– Мен ёпинчиғимни қачонлардир яна кўраман деб ўйламайман, кўрқаманки, Павел умрининг санокли

кунлари қолган. Ҳатто у бутун умр қалтис вазиятларда кўрқмасдан жавоб қайтарган бўлса ҳам сўнгги кунларини яшаётганлигини тан олди.

– Лекин сен усиз ҳам нутк сўзлайверасанми? – хавотир билан сўради Гален.

– Унинг менга бошқа кераги бўлмайди. Биламан, сен Эрасмус билан шимолга Пиза ва Генуяга қараб, балки Галлияга ҳам боришни режалаштираётган эдинглар, мен сендан бу қутилмаган қарорим учун кечирим сўрамоқчи эдим, қандай бўлмасин менинг нотиклик соҳам якунига етди. Кеча кечқурун саҳнадан одамларга охириги марта мурожаат этдим.

Эрасмус яқинрок келди ва Хафиднинг кўзларига диққат билан қаради.

– Сен касалмисан, хожа? Сенга шифокор керакми?

– Наҳотки кеча кечқурун малакали ва билимли шифокор Лука билан бирга бўлганимни ёдингдан чиқарган бўлсанг? Йўқ, Эрасмус, мен соғман. Кечаги камоқдан келган туним ухлай олмаганим майли. Павелнинг видолашув сўзлари менинг қалбимга тинчлик бермаяпти ва соғлиғим борида унинг доно маслаҳатига эргашмоққа қарор қилдим.

– Тушунмаяпман, хожа.

– Биз бугун кечқурун Сергиус Павел ва унинг хотини билан бирга унинг вилласида овқатланамиз. Шундай эмасми?

– Ҳа. Таклифномани учаламизга кеча, сен Лука билан камоққа кетганингдан кейин олиб келишди.

– Шундай экан овқат пайтида сен хаммасини билиб оласан, унгача бир неча соат сабр қилиб тур.

Ишдан четлашган ноибнинг вилласи Тибрнинг жанубий қирғоғида тепаликлар орасида жойлашган эди ва у Кипрдаги касрига ўхшаш катта бўлмаса-да, лекин унинг

кенг овқатланиш хонаси Рим аристократларининг сеvimли жойига айланиб улгурган эди. Унинг деворлари садафдан нақш солиб безатилган, шойи билан копланган шифтида юзлаб тешиқлар қилинган, уларга ҳар куни янги узилган гулларни қадашар эди. Хонанинг девори ёқалаб Рим императорларининг мәрмар ҳайкаллари қўйиб чиқилган, ўртада эса катта бронзадан тайёрланган фил суяги ва олтиндан нақш бериб безатилган стол турарди.

Тушлиқда фақат тўртта меҳмон қатнашди ва ҳаммалари улкан столнинг бир чеккасида, ҳар тарафида Сергиус Павел ва хотинига рўпара қилиб иккитадан ўтиришди. Хотини Корнелия қирқ ёшлар атрофидаги аёл кўп табассум қилар, аммо овқат пайтида кам гапирар эди. Хафид, Эрасмус ва Галендан ташқари яна Сенека – машҳур шоир, ҳуқуқшунос ва нотик, эссечи, яқин ўтмишда киёси йўқ ноиб, консул ва Сергиуснинг ёнига, тўрт йил муқаддам қўшни ўлкага кўчиб келмагунича Нерон қўлида бошқарувчи эди. Овқат кетидан бошқаси алмашарди, у эса номига қўл тегизарди ва зўрга нафас олишига қараб Хафид ҳамдардлик билдирди, Сенека анча йиллардан бери астма билан оғриганини ва энди ҳар сафар нафас олганида ўлишни ўрганаётганини айтди.

Хафид Сенекага иқрор бўлди:

– Мен сенинг кўп ишларингни ўқидим ва сен билан бир хонада ўтириш мен учун буюк шароф.

Сенеканинг рангпар юзлари қизарди.

– Сен менга жуда меҳрибонсан, буюк савдогар, қандай бўлмасин ноибга, менга сенга кўриш имкониятини бергани учун миннатдор бўлишим керак. Олдин савдо соҳасида, энди эса нотиклик санъатида амалга ошираётган ишларингни ўн йиллар ҳайратланиб кузатдим, ҳеч қачон йўлларимиз кесишади, деб орзу ҳам қилмасдим. Бир-

биридан жуда узоқ икки соҳанинг энг чўққисигача етмок – камёб ҳодиса ва у билан сени кутлайман. Кеча кечкурун сенинг илҳомбахш нутқингни қизиқиш билан тингладим. Мен сенинг ҳаётий фалсафанг тарафдориман.

– Сендан миннатдорман.

Сенека қўлини кўтарди ва бошини қимирлатди.

– Ҳаммадан нутқинг бошида ҳаётда сен ҳали кўп нарсани ўрганишинг кераклиги, ўзинг бу чексиз оламнинг кичик бир қисми эканингни тан олган ҳақиқатинг мени лол қолдирди. Ўзининг бекиёслигидан шишган, донишманд деб аталмиш кимсалар биз фақат соатдаги сония миллари эканлигимизни асло тан олмайдилар. Бундай муваффақиятга эришган одам учун бу ғаройиб иқрордир.

– Мен фақат чин гапирдим, жавоб берди Хафид. Сени Рим ишларига бошқа яқин қўймаётганлари ростми?

Сенека мийигида кулиб қўйди.

– Узоқйиллардавомида махлукни одамга айлантирмоқчи бўлдим, аммо тўлиқ таназзулга учрадим. Бир неча йиллар илгари ўз мол-мулкимнинг кўп қисмини Неронга ишдан кетиш эвазига берган эдим. Энди ўз кунларимни хотиржам фикр юритиб, токи бефаҳм императоримиз мени ҳатто қариган чоғимда ҳам унга хавф солишим ва ўлишим керак деб қарор чиқармагунича, миямга келганларни қоғозга туширишга ҳаракат қиляпман.

Хафид ўз қадаҳини кўтарди.

– Биз ҳали кўп нарсаларни сендан ўрганишимиз керак. Сенинг умринг яна эллик йилларга узайсин!

– Хафид, мен энди сендан сўрасам бўладими? – майдан бир қултум ичиб, унга мурожаат қилди Сенека. Сенга ўсмирлик пайтингда совға қилинган ғаройиб ўнта ўрамдаги доноликлар туфайли шундай буюк муваффақиятга эришганинг тўғрими? Эртанги кун болалари тўғрисида

қайғурдингми? Бу ўз муваффақиятларинг доно тамойилларини ёзиб қўйдингми ёки уларга мос равишда ҳаёт кечиришни насиҳат қилдингми? Гарчи Нероннинг болтаси бошинг узра менинг бошимда турганидек турган бўлмаса-да, муқаррар равишда охири нафасинг чиқадиган кунга яқинлашиб қолганингни тушунсанг керак.

Хафид жавоб беришга чоғланганида, хонага хўжайин олдида бостириб келганларидан кечирим сўраётган икки хизматкорларни эргаштириб, Лука югуриб келди. Қари шифокор катта масофада югуриб келган одамдек шовқинли нафас оларди. Пешанасидан йирик тер томчилари оқиб тушарди.

– Сизларнинг бахтли ва хотиржам йиғилишингизни безовта қилаётганим учун кечирим сўрайман, нафаси тикилиб сўзлади у, аммо кўрқаманки, мен қайғули хабар келтирдим ва менинг имиллашимни истамайсиз.

– Азизим Лука, кўринишинг аянчли, – деди хавотирланган Сергиус. Ўтир, тинчланиб ол. Балки май ичарсан?

– Йўқ, – рад этди Лука аранг кўз ёшларини тийиб. Туришимга рухсат беринг. Мен ҳозир камокдан келаяпман. У ерда Павел устидан суд эрталаб бўлганлиги, уни давлатга хиёнатчиликда айблашганлигини айтишди.

Лука бошини эгди.

– Уни ўлимга ҳукм қилиб, тезда Остиан йўлидаги қатл жойига олиб бориб, калласини танасидан жудо қилишибди. Унда, – деди йиғлаб Лука, – гувоҳлар ҳам, дўстлари ҳам бўлмаган. Ҳокимиятдагилар менга унинг жасадини қопда беришди, у ерга кечкурун етиб борганимда, куёш ботган бўлса ҳам бизнинг дўстимизни Преториядан унча узок бўлмаган жойда, давомчиларимиздан бирининг боғига дафн қилдим.

– Унинг устидаги кизил ёпинчиқ-чи? – Эрасмус савол берди ва Хафиднинг жаҳлдор қарашини кўриб, ўз гапидан пушаймон бўлди.

Лука кўз ёшларини сидириб ташлади.

– Фақатгина унинг... унинг қопда жасади. Қайғудан мен кийим тўғрисида сўрамабман ҳам. Кўрқаманки, у йўқолган.

Хафид турди ва қўлини секин Луканинг елкасига кўйди. Унинг сўзлари ҳаммага қаратилган эди.

– Келинлар унинг ҳақиқага кўпроқ дуо ўқиймиз, аммо аччиқ кўз ёшларини бизнинг қадрдон дўстимиз Павел устидан тўкмаймиз. Ҳозир у шундай жойдаки, бу жойни ҳеч биримизга раво кўрмайди.

– Ажабланишдан тўхтамайман, – гапириб юборди Сенека, Исонинг издошлари ўлимни кўрқмасдан кутиб олишди. Даҳшатли қатллар – цирк майдонида, жаллоднинг қиличи остида, ҳатто хочда. Исонинг жасадини унинг издошлари қабрдан қовлаб олганларини, сўнг уни бекитиб қўйиб, қайта тирилишини эълон қилишганини неча йилдан бери эшитаман. Ўтган ҳафта бу ерда, Римда Пётр исмли Исонинг энг яқин издошига, агар Исо ўлганидан кейин қайта тирилмаслигини тан олса, ҳаётини сақлаб қолишларига ваъда беришган. Менга айтишларича, Пётрни ўзининг илтимосига кўра, Исодан бошқача бўлиши учун оёғини осмондан қилиб хочлашган. Пётр Исонинг жасадини қабрдан олишганини биларди, шунга қарамасдан ёлғон сўзлаб, ўлимни афзал билди. Энди бўлса, Павел ҳам ўз ҳаётини берди.

Тушунмаяпман! Тушуна олмаяпман! Бу ерда ҳаммаси жуда чалкашиб кетган, мен нима деб ўйлашни ҳам билмайман. Аммо бир нарсани биламан – ёшроқ бўлганимда, бутун ҳаётим олдинда бўлганида, мен Исо

исмли одам ва унинг таълимоти ҳақида кўпроқ нарсани билишга ҳаракат қилардим.

– Буни бажаришга ҳеч қачон кеч бўлмайди, Сенека, – деди Сергиус. – Биз сени кулоч очиб кутиб олардик.

– Биз? Наҳотки кўринарли Рим арбоби, Кипрдаги кўп йиллик ноиб Римнинг Худоларидан юз ўгирган бўлса?

– Тўғри.

Сенека ишонқирамай бошини қимирлатди ва Хафидга ўгирилди.

– Сен нима дейсан, эй буюк савдогар? Кимнинг олдида сен бош эгасан?

– Қачонлардир ҳеч кимнинг, Цезар ҳам истисно эмас. Аммо бир кун, бир неча йил олдин Исонинг онаси Марияни кўрганимиздан кейин биз Сергиус Павел билан биргаликда кичкина шаҳарча Назарет яқинидаги энг баланд тепаликка кўтарилдик. Ана ўша ердан, осмонга шу қадар яқин тепаликда ўтириб мен бирданига тушуниб етдимки, мени умрим давомида қўллаб турган, йўналтирган эътиқод-изланишларим мантиқий хулосасини топди. Мен Мариядан олган халтамда қизил ёпинчиқ ва яна бир бечора ҳаворийдан ўзга бир нарса борлигига ҳеч қачон шубҳаланган эмасман. Менинг кўлимда, кўп йиллар мобайнида совуқдан Исонинг танасини асраган кийим турганига ишончим комил эди.

Сергиус Павел энгашиди ва буюк савдогарнинг юзидан ўпди. Бир оғиз сўз айтилмади.

Кейинчалик, Хафид, Гален, Лука ва Эрасмус карвон ёнига қайтаётганларида Эрасмус хожасига энгашиб сўради:

– Бизларга нима бўлади? Энди биз қаерга жўнаймиз?

– Биз Дамашкка қайтамиз, – жавоб берди Хафид, ҳамма тайёргарликни тугатиб, биз карвонни таркатиб

юборамиз. Мен ўз кутубхонамда ёлғиз, токи Худо қўйиб юбормагунича қолмоқчиман, яна менга оддий туя сарбони бўлганимда тортиқ қилинган ўнта ўрамдаги бахт ва таракқиёт тамойилларини ёзиб қолдираман.

– Кейин-чи?.. – тинч қўймай сўради Эрасмус.

– Кейин мен сенга ўрам нусхаларини дунёнинг ҳамма бурчакларига тарқатишга ёрдамлашаман. Шунда мени тинглашга келган минглар ўрнига миллионлаб одамлар овозимни эшитишади.

– Мен учун сенинг буюк ишингда ёрдам бериш катта шараф бўлар эди, – деди Лука. Менинг хуснихатим бенуксон ва мен бажонидил пергаментга сенинг сўзларингни тушириб ёзаман.

– Эскулап (шифокор), сенинг муҳимроқ вазифанг бўр. Павел сўраган ишни қил. Сен унинг ҳаёти, сафарлари, бошидан кечирганлари ва Исонинг ҳаёти хусусидаги билганларингни ҳамда мен сенга олдинги тунда араваларимиз ёнига қайтаётганимизда ҳикоя қилиб берган, унинг Вифлесеи ғорида туғилганидан бошлаб ҳамма воқеани ёз.

– Хафид, – бакирди уларнинг ёнига югуриб келаётган Сергиус. Менга зўр ғоя келди. Эсингдами, олдин биз сен билан Назаретдалигимизда, мен сенга оламнинг беҳаловат ҳаётидан узокда, Исо Худо билан гаплашган Ермон тоғида курдирган уйим ҳақида гапирган эдим?

– Ёдимда ва олийжанобларча ўша уйга боришга қилган таклифингни қабул қилмаганимга роса пушаймон бўлдим.

– Ҳали ҳам кеч эмас. Мени диққат билан тингла. Мен у ерга яна бир бор бориш учун жуда қарилик қиламан ва шунинг учун яқинда у ғаройиб жойни бошқариш ҳуқуқини, шунча йил уйимга қараб турган, содиқ хизмат қилган Стефанга топшираман. У ўша Худо билан гаплашган

жойга яқин, сенинг ишлашинг учун бундан яхшироқ жой бўлмаса керак.

– Сидон портидан Дамашккача йўл ўша тепаликка жуда яқин жойдан ўтади, – деди Гален шошилиб.

– Стефан қаерга боради? – сўради Хафид.

– Сен унга менинг ёзма буйруғимни олиб бориб берасан. Сен ўрамлар устида ишлаётганигда ҳеч ким сени безовта қилмаслиги учун бир муддат у қўшни Кесария Филиппда, оиласининг ёнида яшаб туради. Агар, албатта, сенга Худонинг назари тушмаса. Кейин ишингни яқунлагач, ўзингнинг Дамашкдаги қасринга қайтишинг мумкин, унгача масофа ярим кунлик ва Эрасмусга ўзингнинг илҳомбахш йўлланмаларингни тарқатишга изн берасан.

Хафид Эрасмусга қаради, аммо у жим туришда давом этарди. Унинг ўзи шу қарорга келиши керак эди. Сергиус Павел давом этди.

– Бу сенинг охириг имкониятинг, Хафид. Кейинги йил Стефан ўз оиласи билан балки бутунлай уйга кўчиб келар. Шунинг учун илтимос қиламан, ҳозир ўша жойга бор!



БОБ



Хафид Римдан карвоннинг жўнаб кетишидан аввал, Луканинг йўлбошловчилик хизматидан фойдаланиб, кўшни Аргилат китоб савдоси тармоғини айланиб чиқди. Энг зарур нарсаларни: Мисрдан келтирилган бир неча бутилка энг сифатли сиёх, бир неча тоза эчки терисини офтобда қуришиб тайёрланган пергамент қоғоз ўрамлари, ғоз патларидан бир неча қутиларни олиш учун анча соат вақт кетди. Карвон ёнига қайтмоқчи бўлганларида кун ярмидан оғган эди, энди эллик қадам босар-босмас, Хафид бирданига тўхтаб, қўли билан очик китоб растаси ёнида ерда ётган, вақт ўтиши билан қорайиб кетган, тирналган кедр дарахтидан тайёрланган сандиқчани кўрсатди.

– Бу қадимги сандиқча бўшми? – узоқда бўлмаган стулга суяниб мудраб ўтирган сотувчига ҳаяжонланганча мурожаат қилди у.

– Фақат бўшгина эмас хошам, у сотиладиган.

Хафид яқинроқ борди. Унинг овози титраб чиқди.

– Дўстим, мен учун уни оч.

Сотувчи сандикчани очди ва стол устига қўйди. Сўнг камарларини ечиб, ёғоч қопқоғини кўтариб қўйди. Ичини тўла чанг қоплаган эди.

Хафид ҳайрон бўлиб турган Лукага ўгирилиб қаради.

– Биз сотиб олган бир неча ўрамлардан менга бер.

Лука елкасида осиглиқ тери халтани очиб, у ердан учта ўрамни олди. Ҳафид уларни меҳр билан қутичага жойлаштирди.

– Энди илтимос, қолган еттитасини ҳам бер.

Сандикчага ҳаммаси сиғди. Хафид эҳтиёт бўлиб қопқоғини туширди ва сотувчига ўгирилди.

– Қанча?

– Ҳаммаси бўлиб юз динор, хожа.

Хафид плаши остидаги белбоғида осиглиқ халтачасидан пул олмоқчи эди, Лука уни тўхтатди.

– Жаноб, эътироз билдириб – деди у, бу эски қути у сўраган нархнинг ўндан бирига ҳам қиммат! Қара, илгичлари занглаб кетган, камари титилган. Юр, мен бу ердан узоқ бўлмаган жойдаги ажойиб дўконни биламан, у ерда таъбингга қараб истаганингча сандикчаларни арзон нархда олишинг мумкин.

– Лука, мен сенинг ғамхўрлигингни қадрлайман, аммо бу сандикча – айнан менга кераклиги. Ўзимнинг қари кўзларимга ишонгим келмайди-ку, аммо унинг кўриниши ўнта ўрам турган айнан олтмиш йилдан ошиқ илгари мен сарбонлик пайтимда олганга ўхшайди.

Луканинг юзларида сирли табассум пайдо бўлди.

– У ўша сандикчага ўхшаши учун етарли даражада эски ва тўзғиган.

Хафид сотувчига пул тўлади ва Лукага мурожаат қилиб деди:

– Сандиқчани айнан ҳозир топиб олишим шунчаки тасодиф эмас, Худо мен билан худди яна шахмат партиясини ўйнаяпти, бу яхши аломат. Энди мен ишимни тугатгач, ўрамларни қаерга қўйишни биламан.

Икки ҳафта ўтди ва “Муваффақият қарвони” ниҳоят Сидон портига кириб келди, бир кун ўтгач улардан бири шарққа – Дамашққа, бошқаси эса – Ермон тоғига борадиган йўллар кесишган ерга етиб келдилар.

Хафид унга ва ҳамроҳларига дунё бўйлаб сафар қилиш учун хизмат қилган катта аравадан тушди. Орқасида ёзув ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат ортилган кичик арава турарди. Уни бошқараётган киши Хафиднинг ёнига келдида, қамчисини бериб, “Ҳаммаси жойида, хоҷам”, деди. Эрасмус ва Гален ҳам хўжайиннинг ёнига келишди. Хафид ҳисобчига ўтирилди ва деди:

– Мен ўрамлар билан ишимни тугатгач дарров уйга қайтаман, эҳтимол икки ҳафта кейиндир.

Эрасмус ранжиганини яшира олмади.

– Хоҷам, ўтинаман, қарорингни ўзгартир ва мен сен билан боришимга ижозат бер. Биз сен билан бир неча йиллардан бери биргамиз.

– Ўзингдан кўрқувни ҳайда, Эрасмус. Мен дикқатимни жамлаб, бунини ёлғизликда бажаришим керак. Мен омон қоламан. Ҳаво илик, овқатим бир неча ҳафтага етади. Яқинда биз яна бирга бўламиз. Сен ҳали Ермондаги унинг уйигача борадиган, биз иккимизга Сергиус Павел берган харитани йўқотганинг йўқми?

Эрасмус ўзининг кийимини қоқиб қўйди.

– У шу ерда хоҷам.

Хафид бош кимириллатди ва ўзининг кадрдон дўстини кучоклаб қўйди.

– Агар бир ойдан кейин ўзингни ёлғиз сезсанг, мабодо у пайтгача мен қайтмасам, дадил мени кўргани келавер. Ҳозирча Дамашққа, уйга қайт. Ўзингга ҳамроҳ қилиб, гаплашиб олганимиздек, Галенни ҳам ол, шунингдек, у сенга карвонни тарқатиб юборишингда ёрдам беради. Ҳозир эса, хайр. Қачонлардир Худо буюрганидек, бугун кечкурун Исо билан суҳбатлашилган жойдаги уйда ёлғиз ўзим уйқуга кетаман.

Ермонэтагидаги йўл тепага қараб шундай қия бошланган эдики, Хафид кўтарилиш қачон бошланганини сезмай қолди. Қадам сари улкан тоғнинг чўккисига яқинлашиб борарди, узоқдан қараганда осмонга суяниб тургандек кўринарди. У ўзининг икки айғирини югуртирмасдан, дўлана, эрмон, бодом ва йўл бўйлаб қад кўтарган сунбул, бинафша ва айиктовонларнинг ифоридан нафас олиб, кўкрагинч кериб, шошмай борарди. Бир соатлардан сал ўтиб, элли қаричча тоғ жинсларидан иборат унча катта бўлмаган кўрғонлар ва оқ тошнинг ёнидан ўтди ва энди харитага биноан белгиланган жойга етгунича икки милча йўл қолган эди, холос.

Йўлнинг чап томонида олам худди ўз гўзаллигига мафтун этишга чақирарди. Узоқда Галилей денгизи ярқираб, товланиб турарди ва буюк савдогар денгиздан шарқ томонга – ўзига суюкли Дамашққа зўр бериб қаради. Аммо у томондаги чўлга куюқ туман тушган эди. Ўнг томонида бошининг тепасида тоғ чўккиси кўринарди ва унга қараб, узоқдан куёшда ярқираб, оқ чойшаб қоплаганидек кўринган қор, факатгина тоғ оралиғи ва тоғ камарларидагина бор эди.

Сергиус Павел битган хаританинг кўрсатишича, йўл барибир қалин ўсган ёввойи арчазор орқасида бегона кўздан яширинган ноибнинг уйига олиб келарди.

Хафид яшил шохларнинг осилган жойидан ўтган заҳоти аравани тўхтатди. Узок бўлмаган ерда унинг рўпарасида хурпайган шохлари уй томига ётиб олган дарахтлар орасида Сергиуснинг уйи турарди. Ҳайвон терисидан кийим кийган, кенг яғринли эркак аравадан тушган Хафидни қизиқиб кузатарди. Қатъиятсизликдан пайсалга солиб турарди ва Хафид кўлини кўтаргач, бакирди:

– Адашиб қолдингми, мусофир?

– Ўйлашимча йўқ, сен Стефанмисан?

– Ҳа.

– Сенинг дўстинг ва валинеъмагинг ўз саломини юборди ҳамда йўриқномали хат ҳам берди.

Стефан кичик пергаментни олиб муҳрни синдирди ва ёзилганни ўқишга шошилди. Сўнг Хафидга хурмат билан таъзим қилди-да, деди:

– Хуш келибсан, жаноб. Сенинг юкингни уйга олиб киришга рухсат эт ва сени буғаройиб уйда жойлашишингга ёрдам бераман.

Хафид ёш кишининг ўнг кўлини олди ва унинг қадокли кафтига икки олтин танга қўйди.

– Мен сени уйингни тарк этишга мажбур этаётганимдан афсусдаман. Лекин Сергиуснинг, бу ердан унча узок бўлмаган ерда оиланг бор, деган гапи мени анча тинчлантирди.

Стефан тасдиқлаб бош ирғади-да, ҳозиргина кўлга киритган бойлигига ишонқирамай қараб турарди.

– Бу ёзда ота-онамни кўргани бормаганимга ўзимни неча бор қойиётган эдим. Энди бу ишни қиладиган пайт келди.

Уй фақат тўрт хонадан иборат эди, аммо худди Сергиуснинг қасри ва вилласида ҳис қилинган дид билан

безатилган, жиҳозланган эди. Хафидга катта ёзув столи алоҳида қувонч бахш этди. Унга патлар, сиёҳ ва ўрамларни жойлаштирди. Римда олган эски сандиқчани эса столнинг тагига итариб қўйди. Юкни ташиб бўлиб, Стефан салобатли камин учун бир неча ғўлалар олиб келиб қўйди.

– Кетмасимдан олдин, жаноб, мендан бирор нарсани сўраб қолишни истамайсанми? Кўрсатишим керак бўлган яна нимадир бордир?

Шу вақтгача Хафид кўзини узмасдан очиқ эшикдан уйнинг орқасидаги салқин ўрмончага қараб турарди.

– Ҳа, – секин жавоб қайтарди у, – сен мени Худо билан гаплашилган ерга олиб бора оласанми?

– Юр, – деди Стефан ва ўзининг қари ҳамроҳини дасторгулдан беркилиб қолган йўлакча орқали бошлаб кетди. Ниҳоят тўхтаб, дарахтга суянди.

– Атиги бир неча йил аввал бу ерга Пётр яна бир бор Сергиус билан ҳамроҳликда келган эди ва у ҳамма нарса мана бу ерда содир бўлганини айтди. Кўрдингми, мен уни белгилаб қўйиш учун катта юмалоқ харсанглар билан айлана қилиб қўйдим. Афтидан, Пётр, Иаков, Иоанн Исо билан бирга Кесария Филиппдан шу ергача йўл босиб келганларида чарчаб, қояга чиқмасдан шу ерда ухлаб қолганлар. Пётрнинг айтишича, уларни кўр қилиб қўядиган ёрқин нурдан уйғониб кетганларида, нур Исо тиззасида ўтириб ҳали ҳам ибодат этаётган жойдан тараларди. Сўнгра порлаб турган булут уларнинг ёнларига тушган ва улар: “У – мен учун севимли, гапларига кулок солинглар”, деган овоз янграганини эшитганлар.

– Кейин нима бўлган? – сўради Хафид.

– Павелнинг гапига қараганида, ҳаммаси санокли онларда юз берган. Тезда булут тарқалиб кетган ва фақат кўкдаги юлдузларгина бунга гувоҳ бўлганлар.

Хафид катта харсангдан хатлаб ўтди ва секин нотекис ердан айлананинг ўртасида ўзига келгунича юрди. Ҳавонинг совуклигига қарамай, ўзининг юзида илиқ шабада урилганини сезди ва юрагининг дукиллаб ураётганлигини ҳис қилди. Стефаннинг овози уни чўчитди.

– Жаноб, агарда менинг хизматимга эҳтиёж бўлмаса, кун ботмасдан тоғдан тушиб олай.

Хафид узоқлашиб бораётган Стефаннинг орқасидан кораси кўринмай қолгунча қараб қолди. Сўнгра у энг катта харсанг ёнига тиз чўқди ва қўлларини тошнинг силлиқ юзасига қўйди. Ва яна ўзининг юзида ўша майин сирли шабадани ҳис этди, токи у шу ерда экан, ҳар тонгда шу жойга келиб, тиззаларини букиб, ўрамларни тугатиши учун ёрдам сўраб, тиловат қилишини тушунди.

У коронғиликка қараганча нима ёзишини ўйлаб, ўша куни мижжа қоқмади.

– Бу, – деди овоз чиқариб, – менинг ҳаётимдаги буюк синов. Мен нотиклик ва савдогарлик шуҳратини қозона олдим, аммо мен ёзган сўзлар уларни ўқиганларнинг келажак ҳаётини ўзгартиришига кучи етса, улкан зафар ва ҳақиқий мўъжиза бўлар эди. Мен биламан, якка ўзим бу амалга ошириб бўлмайдиган ишни бажара олмайман. Шунинг учун Худо, ўзингдан ёрдан сўрайман, менга ёрдам бер.

Эргалаб бўлганида, Хафид енгил нонушта қилди ва очик ҳавога чикди. Бир неча чуқур нафас олганидан сўнг айлана ҳосил қилган харсанглар ёнига кетди; у ерда чўкка тушди ва тиззасига ўтириб яна ёрдам сўраб тиловат қилди. Сўнг уйига қайтди, стол ёнига, чарм қопланган креслога яхшилаб ўрнашиб, тоза ўрамни очди ва перони қора сиёҳга ботириб ёза бошлади...

Кунига икки марта, эрталаб ва кечкурун, уйкудан олдин мен бу ўрамдаги сўзларни ўқийман. Кечкурун овоз чиқариб ўқишим керак. Етти кун давомида, шанба ҳам киради, кейинги ўрамга ўтгунича шундай қиламан. Шу тарзда, ўн ҳафта давомида мен янги ва яхши ҳаётнинг пойдеворини кураман. Агар мен бир ёки бир неча кундузги ўқишимни қолдириб юборсам, фойдаси бўлмаслигини биламан. Бу донишмандлигим туфайли мен эриша оладиган ҳаётдаги муваффақият – мақсадга эришиш йўлида бутун кучимни сарфлашга боғлиқ...



БОБ

**БИРИНЧИ
ЎРАМ**

Мен мағлублик учун эмас, муваффақият учун туғилганман.

Мен кийинчиликлар олдида маъёсона бош эгиб эмас, бошимни баланд кўтариб юришга туғилганман.

Мен йиглаб нолиш учун эмас, ғалаба таъмини билиш учун туғилганман.

Менга нима бўлди? Менинг орзуларим қаерга йўқолди? Истеъдодсизлар мақтовини ошириб юборгани каби, мен қачон манфаатпарастлик ёлғон мақтовларига ўралашиб қолдим?

Ҳеч ким одамни ўзи каби алдамайди. Кўрқок ўзини эҳтиёткорлигига ишонади, зикна ўзини тежамкор деб ҳисоблайди. Ўзини алдашдан осон нарса йўқ. Истаган нарсага ишонил осон. Ҳаётимда мени ўзимдек ҳеч ким алдамаган.

Нима учун мен доим ўзимнинг камтаргина ютуқларимни, ҳаммасини енгил ҳазил ёки менинг муваффақиятсизлигимни иқтидорим етишмаганлиги ҳақидаги сўзлар пардаси билан ўраб ташлашга ҳаракат қиламан. Ҳаммадан ҳам ёмони ўзим ҳам ўша тушунтиришларимга ишонаман, кунларимни жон деб чақага сотиб, бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди, деб ўзимга таскин бераман. Бошқа бундай бўлмайди! Токи ўзимнинг ёвуз душманним ўзим эканини тушунмагунимча – ойнада ўз аксимни кўриш пайти келди. Ниҳоят сеҳрли

он келди, менинг биринчи ўрамим ёрдамида хом хаёлларга берилиб кўзларимни қоплаган парда туша бошлади.

Энди мен оламда уч турли одамлар борлигини биламан. Биринчилари – ўз тажрибаларидан ўрганувчи – донишманд. Иккинчилари – бошқаларнинг тажрибаларида ўрганишади – бахтлилар. Учинчилари – ўзиникини ҳам, ўзганинг тажрибасини ҳам ўрганмайдиган тентаклар.

Мен тентак эмасман. Даҳшатли ачиниш қўлгиктаёғини ва ўзимга нафратни бутунлай улоктириб, бундан буён мен ўз оёқларимда тураман.

Энди мен ҳеч қачон ўзимга ачинмайман ва ўз қадримни ерга урмайман.

Ноумид кайфиятда йўл четида туриб, ёнимдан виқор билан ўтиб кетаётган бой ва омадли одамларга ҳасад билан қараб турган пайтимда қандай тентак эдим. Наҳотки уларга менда йўқ бўлган ғаройиб қобилият, ноёб ақл, қахрамонларнинг жасорати, ҳавас қилгудек мақсадга интилувчанлик берилган бўлса? Ёки меникидан фарқли ўлароқ қалблари муҳаббатга, юраклари ҳиссиётларга тўла бўлса? Йўк! Худонинг арзанда бандалари йўк. Биз ҳаммамиз бир хил лойдан қилинганмиз.

Мен энди англадимки, қайғулар фақат менинг ҳаётимгагина берилмаган. Ҳатто энг доно ва ақллиларда ҳам бизнинг оламда омадсизлик ва қайғу йўллари учрайди, аммо улар мендан фарқли ўлароқ тиришмасалар хотиржамлик, ишсиз ором, аламсиз кулгу, курашсиз ғалаба бўлмаслигини биладилар, яшаётганимизда ҳар бир нарса учун ҳақ тўлаш нима эканлигини тушунадилар. Шундай вақтлар бўлганки, бу ҳақни мен бажонидил тўлаганман, аммо доимий кўнгил совиши ва мағлубият аввалига

ишончимни заифлаштирган, сўнг эса жасоратимни – худди томчилаб тушган сув вақт ўтиши билан энг мустахкам тошни тешганидек. Энди буларнинг ҳаммаси узоқ ўтмишда қолди. Энди, йилларим чангга айлангунича, бошқаларнинг сояси ва ачинарли баҳоналар орқасида бекиниб юрадиган тирик мурда эмасман.

Энди мен ҳеч қачон ўзимга ачинмайман ва ўз қадримни ерга урмайман.

Энди мен сабр ва вақт, куч ва эҳтиросдан кўра кўпроқ нарсага қодирлигини биламан. Мен эришганларимнинг барчаси ва эришмоқчи бўлганларим бу – кадамма-кадам, бўлакма-бўлак, фикрма-фикр, секин, оғир, сабрли меҳнат туфайли, чумоли ини барпо бўлганидек пайдо бўлади.

Муваффақият тунда келса, кўпинча, тонг отиши билан кетиши мумкин. Энди мен узоқ муддатли бахтга тайёрман, нега деганда, мен ниҳоят буюк сирни англадим, йилларда яширинган сир менга қийинчилик билан келди. Муваффақиятсизлик – қандайдир маънода муваффақиятга етакловчи тўғри йўлга, ҳар қандай ёлғонни фош этиш бизни ҳақиқатни қидиришимизга олиб боради, ҳар қандай янги тажриба бизга у ёки бу хатони англашимизга сабаб бўлади, агар биз тажрибамизга эътиборли бўлсак, хатоларни четлаб ўтамиз. Уни асло такрорламаймиз. Мен босиб ўтган йўлимда кўз ёши тўқдим, лекин вақтим беҳуда кетмади.

Энди мен ҳеч қачон ўзимга ачинмайман ва ўз қадримни ерга урмайман.

Эй Худо, сен менга марҳамат қилган ўйинда иштирок этаётганимдан ва ҳикматлар ўрамини айнан менга берганингдан миннатдорман. Мен ўзимнинг бутун

ҳаётимни саёзликда ўтказишимга тўғри келади деб ўйлардим, аммо сувнинг ортга кетиши ва бостириб келиши борлигини ёдда тутишим керак.

Бундан кейин мен ўтмишимни эслаб йиғламайман. У ҳеч қачон қайтиб келмайди. Унинг ўрнига ўрамдаги ҳикматлар ёрдамида мен ўзимнинг ҳозирги қўрқувсиз, иккиланишсиз ёки умид билан сирли келажак сари кетаяпман.

Мен Худонинг ўзига ўхшайдиган тимсолида яратилганман. Агар ҳаракат қилсам, мен эриша олмайдиган ҳеч бир нарса йўқ.

Энди мен ҳеч қачон ўзимга ачинмайман ва ўз қадримни ерга урмайман.



БОБ

ИККИИНЧИ ЎРАМ

Мен энди бошқа одамман, аввалгидан яхшироқман.

Бу ўрамлар билан янги ҳаёт бошлаганимга атиги бир неча кун ўтди, лекин ҳаётимдан деярли йўқолиб кетган янги умиднинг улкан ғаройиб ҳиссиёти мустаҳкамланаётганини ва юрагимнинг ўсаётганини сезаяпман.

Ниҳоят мен умидсизлик чангалидан озод бўлдим ва қалбимни миннатдорлик тўлдираяпти. Гарчи менинг лабларимда биринчи ўрам сўзлари ҳали совимаган бўлса ҳам фикран ўсганимни сездим ва ишончим комилки, бу яқинда оламнинг менга бўлган муносабатида акс этади. Энди мен буюк ҳақиқатни биламан. Олам тан оладиган ягона баҳо – биз ўзимизга қўйган баҳодир. Агарда биз ўзимизга паст назар билан қарасак, олам бунга қарши эмас. Агар биз кадримизни қанча юқори қўйсак, олам худди шундай тайёргарлик билан бизнинг баҳомизни қабул қилади.

Қўлимга шу бебаҳо ўрамларни тутқазганинг учун Сендан миннатдорман, эй Худо. Бу – ҳаётимдаги бурилиш палласи ва мен ўтмишда кўп марта қилганимдек, бу синовдан кетишим керак эмас ва хоҳламайман ҳам. Энди мен ҳар бир одам бу ҳаёт сафарида муқаддас жойлардан ўтишига сабаб у ўзининг илоҳиёт билан яқинлик борлигини ҳис қилиши учунлигини биламан; осмон худди бизга яқиндек ва у жойда бизларни йўлни кўрсатувчи фаришталар кутиб оладилар. Бу қурбонлик келтирадиган жой ва абадият учрашадиган, инсоннинг ҳаёти синаладиган

жой. Ўтмишдаги омадсизлигим деярли унутилди. Ҳатто оғрик ва виждон азоби ҳам. Мен келажакда бахтли бўламан, агар мен бу ерда ва ниҳоят ғалаба тотини ҳис қилдим дея оладиган вақтгача яшай олсам, келажакда албатта, бахтли бўламан. Аммо аввалига мен омаднинг иккинчи қоидасини эслаб қолишим ва ҳаётга татбиқ этишим керак:

Энди ҳеч қачон тонгни эзгу режаларсиз кутиб олмайман.

Ўтмишда мен каттами, кичикми мақсадга эга бўлиш тентаклик, тентакликдан бошқа нарса эмас деб ўйлардим, ўзимнинг иқтидоримга бўлган ишончим шунчалик паст эди. Арзимас мақсадларнинг менга нима кераги бор, фақат ўзимнинг оддий иқтидоримни қониктириш учунми? Бу одатий нарсалар нимани ўзгартиради? Шундай тарзда ҳар куни мен ҳаёт денгизида рулсиз ва компассиз қуёш ботгунича тирик қолишга умид қилиб ўзимни ўзгартиришга қулай фурсат ёки имконият кутаяпман, деган ёлғонга ўзимни ишонтираман. Бир сония ҳам ўзим келажакимнинг ўтмишимдан озгина бўлса ҳам фарқ қилишига амин эмасдим. Кундан-кун оқим бўйлаб сузиш умуман қийин эмас эди. Алоҳида куч, билим ва интилиш талаб этилмасди. Кун, ҳафта ёки ойга режа тузиб, унга амал қилиш унчалик осон иш эмас. Ўзимга ўзим “эртага бошлайман” дердим. Ўшанда мен “эртага”ни фақат тентаклар календаридан топиш мумкин деб ўйлардим. Ўзимнинг ваъдаларимни қанчалик қулгили эканлигини сезмасдан, ҳали ҳам бирор нарсани ўзгартириш учун жуда кеч бўлмасидан аввал ҳаётимни қуруқ хом хаёлларга сарфлардим ва агар ўрамлар бўлмаганида бу яна узоқ давом этарди. “Кеч” билан “жуда кеч” ораси ўлчаб бўлмас масофа.

Энди ҳеч қачон тонгни эзгу режаларсиз кутиб олмайман.

Мен ҳаётимни бемаъни аҳволда ўтказардим. Доимо яхши ҳаётни бошлашни исташ ва буни қилиш учун ҳеч қачон вақт топмаслик; худди менинг ҳар сафар овқат ейиш, сув ичиш ёки ухлашга истагим бўлади-ю, ўлгунимга қадар уни бошка кун қилсам бўлади, дейишимга ўхшайди. Жуда узоқ вақт кўпчиликка ўхшаб, фақатгина мукофотига олтин, шуҳрат ва ҳокимият келтирадиган буюк мақсадларгина диққатга сазовор деб ўйлардим.

Мен қандай янглишган эканман. Энди мен ақлли одам ҳеч қачон номутаносиб мақсад қўймаслигини билдим. Бундай режаларни у орзу деб номлайди ва дилининг тўрида олиб юради, бировларнинг истехзоли назарларидан узоқроқда ушлайди. У ҳар тонгни нафақат бугунги мақсад билан кутиб олади, ҳамма режалаштирилган ишлари ётишидан аввал бажарилиши хақида ҳам қайғуради. Яқинда ҳар кунги эришганлари бир бутун бўлиб, тўпланиб худди чумолининг ини зарралардан йигилганидек, охиروқибатда улардан унга истаган орзуни сигдириб бўладиган етарли даражадаги кенг қаср пайдо бўлади. Ҳақиқатда буни амалга ошириш қийин эмас, фақат сабрсизлик қилмаслик ва ҳаётни бугунги кун билан ўлчаш керак. Мен эса буни қила оламан. Мен буни қилишни истаيمان.

Энди ҳеч қачон тонгни эзгу режаларсиз кутиб олмайман.

Муваффақиятнинг ярмига эришилди, энди қўйилган мақсадга қараб қатъий қадам ташлашни одат қилиб олиш керак. Қачонки, ҳар кунни мен ҳар қандай паст ва чарчатадиган меҳнат ҳам кўнглимдаги орзуларим сари бир қадам яқинлаштиради деб ишонсам, ҳатто энг мураккаб

вазифага ҳам кучим етади. Менинг ҳаётим янгича мазмун баҳшида этапти, негаки тонг ҳам, кеча ҳам янги қувончлар келтирмаса, умуман яшашга арзирмиди?

Кимки аниқ мақсад йўлида кетаяпман деб уйғонса, ҳаёти болаларча қувончга тўлишига имоним комил.

Энди мен қаерда эканимни биламан.

Шунингдек, ўз мақсадларимга эришиб, қаерда бўлиб қолишимни ҳам биламан. Бу йўлни босиб ўтиш учун, албатта, ҳозир менинг йўналишимдаги ҳамма бурилиш ва эгри-бугри йўллارни билишим шарт эмас. Мухими бошқа – мен биринчи ва иккинчи ўрамларни ҳаётимнинг қисми қилдим ва мен энди ўлим ва ҳалокатга рўпара келиш учун чўлда бесамар сарсон бўлган, кунларимнинг боши ва охири бўлмаган даҳшатли ўтмишимга ўгирилиб қарамайман.

Эртага менинг мақсадларим бўлади! Ундан кейинги кун ҳам! Бошқа ҳамма кунлар ҳам!

Энди ҳеч қачон тонгни эзгу режаларсиз кутиб олмайман.

Олдин ҳамма уринишларимни бир чақага тенглаштирдим, ундан катгароғига умид ҳам қилмасдим, аммо менинг кулларча ҳақ тўланадиган йилларим тугади. Энди мен ҳаётдан талаб қилган ҳақимни у бажонидил тўлашига ишонаман.

Кечаги қунимга қайғуриш учун қуёш менга нур сочиб турмайди. Ўтмишимни дафн қилдим, ўзимни ҳам у билан бирга кўмишимга оз қолди.

Мен энди кўз ёшларимга изн бермайман. Қуёш энди ўз ёруғлиги билан эртанги кун мақсадини ёритсин... ва мени ҳам.

Энди ҳеч қачон тонгни эзгу режаларсиз кутиб олмайман.



БОБ

УЧИНЧИ ЎРАМ

Мен уйғондим.

Мен қувонч-ла тонгни кутишга тайёрман. Мен ўз қалбимда ғалати севинчни ҳис қиляпман, энди ҳар бир янги кунимни қўрқув ва ўзимга ачиниш билан эмас, қувонч ва қатъият билан кутиб олмоқдаман.

Қийналган одам яхши билади. Энди менда бу ўрамлар бор экан, мен ўтмишдаги ҳаётимдаги омадсизликлар ва хатоларимни ҳеч қачон такрорламайман. Энди ҳар кун менга уч иттифоқчи йўлдош бўлади: ўз кучингга ишонч, мағрурлик, кўтаринки рух.

Инсоният тарихидаги ҳар қандай муҳим воқеа – ғайрат – зўр ғалаба.

Барча буюкликлар ғайрат туфайли содир бўлади, ҳар қандай кийин ва иложсиз синовларни енгиб ҳаётимга янги мазмун бахш этади. Кўтаринки рухсиз, ғайратсиз мен ҳаётимни ўрта даражада яшайман. Аммо улар билан мўъжизалар ярата оламан.

Менинг мавжудлигим янгича мазмун топмоқда. Бундан буён муваффақиятсизлик менинг доимий иттифоқчим эмас. Ўтмишнинг фойдасизлиги, заифлиги, ғам-гусса, жаҳлдорлиги ва умидсизлиги ўтмишда. Мен яна жилмайишни ўрганган кунимда йўқолди. Мана энди ўзгалар менинг жилмайишимга ва менинг хушмуомалигимга жавоб қайтаришяпти. Мен қувонч билан муҳаббат ва шодлик шами бўляпман.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.

Дунёда гайратдан кучлирок нарса йўк. У пул, хокимият, ташқи таъсирдан анча устун туради. Ўз ишининг ҳақлилигига ишонган одам ҳеч қандай бойлик ҳам қилолмайдиган жойда муваффақият қозонади. Иштиёқ қаршилиқ ва ланжликни енга олади, ҳаракатга чанқоқлик уйғотади, шиддатли ҳаракати билан ҳар қандай қалъани олади ва сел каби ўз йўлидаги ҳамма тўсикларни ютиб юборади. Мен буюк ҳақиқатни билиб олдим: иштиёқ (гайрат) – менинг ҳаракатдаги ишончим! Ишончим мустаҳкам экан, мен мағлуб бўлмайман.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.

Баъзи бирларимиз гоҳида кўтаринкилик сезамиз, баъзилар уни кун давомида ёки ҳафта давомида ушлаб тура оладилар. Бунинг барчаси яхши, аммо мен, кўтаринкилик менинг доимий ҳамроҳимга айланишига эришмоқчиман ва эришаман, шунда мен бугун, эртага, бир ҳафтадан кейин ва бир ойдан кейин лаззатланаётган муваффақиятни такрорлай оламан. Иштиёқ ҳар дамда мен шуғулланаётган ишимга завқ бериб, мўъжиза яратади. Мен ҳатто у нима сабабдан юз бераётганини билишим шарт эмас. Бу менинг мушакларим ва аклимга қўшимча ҳаёт кучини беришини билишимнинг ўзи кифоя.

Мен қатъиятли бўламан ва доимо илк қадам ташлашим билан кўтаринки руҳда бўламан ва бу менинг одатимга айланади. Бизнинг ўзимиз одатларимизни яратишимиз керак, ахир улар бизни яратадилар-ку. Иштиёқ мени яхши ҳаётга учуриб борадиган ғилдирагимга айланади. Мана мен истиқболдаги ўзгаришларни олдиндан сезиб, лаззатланыпман.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.

Иштиёқ тоғларни силжитиб, ёввойи ҳайвонларни тинчлантиради. Унда самимият руҳи бор, усиз ҳақиқат кам ҳолларда ғалабага эришади. Бошқаларга ўхшаб, мен ёлғон тасаввур билан ўз ҳаётимнинг мақсадини бойлик, ҳашамат, мукофотга интилиш асосида қурдим ва лекин бизни ростдан ҳам бахтли қила оладиган керакли нарса – бу бизнинг қалбимизда руҳан кўтаринкилик уйғотадиган ишлардир. Иштиёқ менинг келажагим буғдой нишларига баҳор ёмғири олиб келганидан кўпроғини беради. Шунинг учун менинг ҳаётим аввалгисидан ўзгача бўлади. Ҳеч қачон яшашим учун қилишим керак бўлган ишни оғир мажбурият деб ҳисобламайман, зарурат ташвишидан диққатим ошиб, ҳар куним абадийдек кўринади. Овқатланишим учун ишлашим шартлигини унутамаман ва ҳар куни ишга бор ғайратим ва завқ-шавқ билан киришаман. Шу тариқа мен яхши натижаларга эришаман, иш менга оғирлик қилишдан тўхтайдди, кунларим сезилмасдан ўтади ва агар кунма-кун шундай давом этишига ўзимда куч топа олсам, кадрим ўз кўзим ва олам кўзи ўнгида чексиз ошади. Менинг муносабатимни яхши томонга ўзгартира олмайдиган одам, машғулот, воқеанинг ўзи йўқ.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.

Бу ёркин олов туфайли ўша бесамар йиллар мендан яширин бўлган ҳаётдаги ҳамма яхши томонларни кўра оламан. Худди ёш ошиқ жуда катта таъсирчанликка ва ўткир кўзга эга бўлганидек, ўзининг жўшқин ҳиссиёт

объектида юзлаб фазилат, гўзал чизикларни кўра олганидек, мен ҳам иштиёққа тўлиб, бошқалар сеза олмайдиган гўзаллик ва жозибани кўра оламан. Ҳатто мухтожлик ва етишмовчиликларда, эҳтимол қувғинликда машаққатли меҳнатдан яхшироқ мукофот мавжудмикан? Иштиёқ менда ҳар қандай вазиятни ўз фойдамга айлантириб юборишга имкон беради, агар мен чекинсам, баъзи-баъзи пайтларда энг иқтидорлиларда ҳам бўлиб туради, тушкунликка тушмасдан ўз йўлимда давом этаман.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.

Ўз кунингни ва бутун ҳаётингни муносабатинг ёрдамида ўзгартириб юборишга қодир буюк кучга эга эканлигинг – бу улкан қувончдир.

Ичларида шундай куч борлигини фаҳмлай олмайдиган кўп одамларга жуда ачинаман. Таквимни оркага айлантираман ва ёшликнинг жуда кучли тароватини, худди тоғдаги битмас-туганмас булок суви жўшқинлиги билан бирга эгаллайман. Ёшлик олдиндаги зулматни ҳам, мушкул аҳволни ҳам тан олмайди. У оламда омадсизлик каби нарса борлигини билмайди ва айнан ёшлик одамзот учун узоқ кутилган ҳақиқатни, гўзаллик ва қудратни, амалга ошириладиган буюк ишларни яратиш учун тухфа этилган.

Бугун мен ўз шамчироғимни баланд кўтариб ҳаммага жилмаяман.

Мен доимо ўз қалбимдаги кўтаринкилик руҳи оловини қўллаб тураман.



БОБ

ТҮРТИНЧИ ЎРАМ

Мен сеҳрли кучга эгаман.

Мен атрофимни ўраб турган одамларнинг фикр ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш сирини биламан.

Ҳамма даврларда ўнлаб мақсадга йўналган одамлар шу билимлари туфайли шон-шуҳрат, бойлик ва қудрат мевалари самарасини кўрадилар.

Кўпчиликнинг бундай кучга эга эканлигини кўра билмаслиги ачинарлидир, аксар кишилар ўзининг ғафлатда бўлганлари учун даҳшатли азоб-уқубат ва кашшоқлик билан ҳақ тўлайдилар. Мана нима учун дўстлар йўқолади, эшиклар ёпилади ва орзулар поймол бўлади. Шу пайтгача мен шу кўпчилик орасида эдим ва ўз бахт, омад, имкониятларимни доимо барбод қилганман, чунки бундай кучга эга эканимни билмаганман, чунки ҳар қанақасига уни ёнимга йўлатмаганман.

Шу ўрамлар туфайли менинг кўзларим очилди. Уларнинг сири шунчалик оддий эдики, ҳар бир гўдак уни тушунади ва ўз манфаатида фойдалана олади. Биз бошқаларга, бизга нисбатан истаганимиздек муносабатда бўлишлари учун хушмуомала бўлиб, таъсир ўтказишимиз мумкин. Биз бир хил зуваладан қилинганмиз; бизларнинг барчамизда шундай ҳис-туйғу, умид ва кўрқув, ўша камчиликлар ва ўшандай қон оқади. Агар бири қичима сезса, бошқаси қашинади. Агар бири жилмайса, бошқаси ҳам жилмаяди.

Қандай нодон эканман! Мен ёлғизликда муваффақиятга эришиб бўлмаслигини биламан. Мен ҳар бир киши

муваффақияти учун фақатгина ўзидан миннатдор эмаслигини биламан. Шундай экан, ўз олдимга қўйилган мақсадларимга бошқаларнинг ёрдамисиз асло эриша олмаслигимни тушунаман, шунга қарамасдан, ўтмишга назар ташлаб, ўзгача йўл тутганимни, менинг ҳаракатларим менга пушаймондан бошқа ҳеч нима олиб келмаганини кўряпман.

Нима учун менга ҳеч ким ёрдам бергиси келмаган? Мен қовоғимни уйганман, жавобан менга ҳам қовоқ солишган. Мен ғазабдан қичқирганман ва жавобан ғазабли овозлар акс-садо бериб эшитилган.

Мен шикоят қилганман ва ғазабли нигоҳлар кўрганман.

Мен сўкканман ва бегона кўзлар менга нафрат билан қараган.

Менинг шахсий қилмишларим мени ҳеч ким жилмаймайдиган, омадсизлар оламига ҳукм қилган. Мен ўз бахтсизликларимда бошқаларни айблаганман, энди кўриб турибманки, ўзим айбдор эканман.

Ниҳоят кўзларим очилди.

Қолган умримнинг ҳаммасида муваффақиятнинг ушбу принципига доимо амал қилишга онт ичаман:

Бошқа ҳеч қачон душманлик ҳиссиётларига эрк бермайман.

Мен дўстга ҳам, душманга ҳам бир хилда жилмаяман ва душманимда мақтай оладиган фазилатни топишга ҳаракат қиламан. Ахир энди мен ҳар қандай одам мақтовга зор эканини тушунапман. Ҳақиқатан ҳам барчамизнинг хислатларимиз бор, шунинг учун мендан талаб этилаётган нарса – менинг мақтовим чин юракдан ва самимий бўлиши устида ўйлашим керак.

Мақтов, табассум, ҳамдардлик билан қизиқиш фақат мурожаат қилганларгагина роҳатбахш туйилмайди. Бу буюк куч атрофдагиларга шундай қудратли таъсир қиладики, менинг ҳаётимда ҳам у кўп сонли миннатдорлик тўйғулари тимсолида мисли кўрилмаган ўзгаришлар қилди. Табассумдек камхарж талаб қиладиган бошқа кучни билмайман, у қудратли салтанатларни ҳам бўйсундира олади. Яқин орада менинг мақтовимни ва муносабатимни қабул қилганларнинг ҳаммаси менда аввал сезмаган фазилатларини кўра бошлайдилар.

Бошқа ҳеч қачон душманлик ҳиссиётларига эрк бермайман.

Мендан атрофдагилар қаҳр ва норозилик уйғотган кунлар бадар кетди. Бошқаларнинг камчилигини топишдек осон иш йўқ. Вайсашни ҳамма билади, ахир бунинг учун на иктидор, на фидойилик, на ақл, на ирода керак. Менинг бу жирканч машғулотга энди бошқа вақтим йўқ. Бошқалар менда ўртамиёна одамни кўриб, мен билан ҳамкорлик қилмасликларини истамайман.

Олдинги ҳаётим шундай бўлган эди, эндиликда унга барҳам берилди.

Менга иккинчи имконият берилганидан миннатдорман.

Мен қанча йилларимни хўмрайиб юришга ва дарғазаб нигоҳларимни сочишга сарфладим, шукурки, табассум ва яхши сўз менинг олдимда кўп эшикларни очди ва менга ёрдам қўлини бермоқчи бўлганларнинг қалбларини юмшатди. Ҳозирги пайтда мен яшашнинг буюк санъатини тушуниб етдим: ёнингда бўлганлар билан яхшироқ муносабатда бўлиш имкониятини ўтказиб юборма.

Бошқа ҳеч қачон душманлик ҳиссиётларига эрк бермайман.

Табассум ва қўл сиқиш, агар яхшилаб ўйлаб қаралса, муҳаббатнинг намоён бўлишидир. Энди билишимча, ҳаёт буюк қаҳрамонликлар ва қурбонликлардангина иборат эмас, табассум қилиш ва ширин сўзлар орқали кичик муҳаббат пайдо бўлади ва режалаштирилмаган кичик ширин таассуротлар уйғотади: мана шулар юракларни забт этади ва бутун умрга хотирасида сақланиб қолади. Инсон ҳаётининг энг яхши онлари бу – ғамхўрлик ва эътиборнинг намоён бўлишидир. Эзгу сўзлар инсон қалбида ўзининг ҳам гўзал кифасини яратади ва бу гўзал кифадир. Бу тинглаётганларни тинчлантириб, хотиржам қилади. Унга ўзининг илгариги ёвуз, қора ҳислари уят бўлиб туйилади. Ҳозирча мен эзгу сўзларни етарли бўлган миқдорда ишлатганимча йўқ, аммо мен шуни бажараман ва ўзимни улуғлайман. Бахти шунга боғлиқ бўлиб турганида, қандай тентак бошқача йўл тутади.

Бошқа ҳеч қачон душманлик ҳиссиётларига эрк бермайман.

Энди мен аминманки, ҳар кунги ва ҳатто ҳар соатдаги яхшиликлар ва ғамхўрликлар, ширин сўзлар, имо-ишора, нутқ оҳанги ва нигоҳлар муҳаббат ва мукофотга сазовор бўлади, фақат шу йўсинда уларни бутунлай ушлаб туриш мумкин. Шунинг учун омма оқ кўнгил одамлар билан мулоқотни излайди, шунинг учун меҳрибон қалб ёнида табассум қилиш истаги пайдо бўлади. Ҳар куни кечқурун, уйкуга кетишдан олдин, ҳеч бўлмаса битта одамни озрок

бахтли ёки донорок қилганимга, ҳеч бўлмаганда ўзидан мамнунроқ этганимга умид қиламан.

Ахир ўрамдаги тамойиллар менинг бир қисмимга айланиб кетди, келажакда мен нафас оладиган ҳаво ҳам муҳаббат ва эзгу тилакларга тўйинган бўлади, наҳотки бундан кейин ҳам мен омадсизликка учрасам.

Бошқа ҳеч қачон душманлик ҳиссиётларига эрк бермайман.



БОБ

**БЕШИНЧИ
ЎРАМ**

Куёш ҳар доим ҳам порламайди.

Узум доим ҳам пишган бўлмайди.

Гўрковлар ҳар доим ҳам ишсиз эмас ва доимо тинчлик ҳукм сурмайди.

Эндиликда мен афсусланиб, яна бир ҳақиқатни тан олишим керак. Энди мен бу ўрамлар туфайли завқ-шавқдан маст бўлиш мазасини англаган бўлсам ҳам, тоғ чўкқиларидан қадам ташлаб, ўз умримнинг қолган кунларини бундай ўтказишга умид қилмайман. Қанчалик ҳаракат қилмай, танлаган мақсадимга эришиш йўлида қатъиятли бўлмай, барибир менинг уйимда ҳам кўрқув ва омадсизлик жойлашиб оладиган кунлар, ҳафталар ва ойлар келади. Бизнинг ҳаммамиз, ҳатто энг жасур ва кучлилар ҳам келаётган бало олдида ҳаётимизнинг жуда кўп кунларини кўрқувда ўтказамиз. Кўкқисдан қашшоқ бўлиб қолсак-чи? Балки касалликка чалинарман? Баногоҳ уйимга ўғри тушса-чи? Бизлардан дўстларимиз ва яқинларимиз юз ўгиришмасмикан? Уларнинг бизга бўлган муҳаббати қанчалик кучли экан?

У ёки бу кулфат бизга тўкнаш келиши мумкинлиги олдидаги кўрқув бизларни омадсизликка олиб келади ва бизнинг бутун ҳаётимизга ёвузона соя солади. Бу кўрқувнинг кўриниши турли ва ҳамманики ҳар хил. Ишчининг иш жойидан маҳрум бўлиш хавфи, оиласини боқиш ҳақида дуо қилаётган ота, ўз молини сота олишига умид қилаётган савдогар ўзининг кетидан адолат

жангига эргаштирадиган аскар... У ҳаммани ҳам бир хилда азоблайди: шоҳ ва гадо, донишманд ва тентак, авлиё ва жиноятчи. Олдин мен бу балоларга бас кела олмасдим ва қалбимда ҳасратлар қолдирган жароҳатлар шунчалик жиддий эдики, умидларимга соя солиб, менинг иззагталаблигимни барбод қиларди.

Аммо бунга барҳам бердим! Мен янги ҳаёт бошладим ва энди омадсизликлар ёғилиб келганида ҳам ўз омадсизликларимдан фойда олишни билиб олдим.

Энди мен доимо муваффақият уруғларини излайман.

Кулфатда синалганидан яхшироқ ҳаёт мактаби йўқ. Ҳар қандай мағлубликда, ҳар қандай фожиа, ҳар қандай йўқотишларда истиқболнинг куртаклари яширинган бўлади. Мен энди ҳеч қачон ҳақиқатни кўришдан бош тортиб, ўтмишдаги хатоларимдан хулоса чиқармай таслим бўлмайман. Тажриба – азоб-укубатлардан олиш мумкин бўлган энг қимматли нарса, аммо ҳаёт шундай бешафқат тузилганки, бу донишмандликни бошқа бировга бериб юбориб бўлмайди. Ҳар бир одам ўз мактабини ўташи керак, ҳаммага ҳаёт ўз сабоқларини тақдим этади. Бошқа йўли йўқ. Синов – бу доим ҳақиқатга биринчи қадам ва мен ўз ҳаётимни яхши томонга ўзгартиришим учун у орқали англашга тайёрман. Ва шунинг учун мен доимо келажакга келадиган муваффақият уруғларини истаган кулфатдан ҳам излайман.

Энди мен кулфат билан учрашувга маънан тайёрман. Мен биринчи марта ҳамма хатти-ҳаракатлар ва воқеалар, яхшими ё ёмонми, буюкми ё оддийми, табиат томонидан ёки одам қўллари томонидан бажарилганми, астойдил

меҳнат қилсангиз ўтиб кетади, вақт ўтиши билан асорати қолмаслигини тушундим. Ҳаётда ҳамма нарса нафақат ўзгаради, ўзгаришларнинг чексиз кетма-кетлиги сабабчиси бўлиб ҳам қолади. Ҳар куни мен жар ёқасида тураман. Менинг ортимда ўтмишнинг тубсиз жари. Олдинда мени бугун муаммо туғдираётган қийинчиликлар эриб кетадиган ойдин келажак кутмоқда. Тақдир мен учун нимани асраб қўйгани муҳим эмас, мен ундан лаззат олишимни ёки жуда қисқа вақт азоб чекишимни биламан. Жуда кам одам бу чин ҳақиқатни тушунади, фожиа юз бериши билан кўпчилик умидини йўқотади ва интилишларини тўхтатади. Бу фожиалар ўз кетидан кўркувлар юкланганларидан аравани тортиб юришади ва ҳар куни атрофдагилардан шафқат ва мадад истаб ўтинч билан назар ташлашга мажбур этади. Бахтсизликлар жасур ва эътиқодли одамни ҳеч қачон енга олмайди. Ҳаммамизни синов қозонида мустаҳкамлигимизни текширишади ва синовга озчилик чидайди. Мен чидайман. Олтин оловда бир ой туриб, вазнидан бир грамм ҳам йўқотмаслиги мумкин, мен эса ҳар қандай олтиндан чидамлиман.

Ҳаммаси ўтади, ҳаммаси ўтиб кетади.

Ва мен доимо ҳар ҳандай фожиадан муваффақият уруғларини излайман.

Энди мен бахтсизлик ўзи билан биз камдан-кам англайдиган кўплаб афзалликлар келтиришини билиб олдим. Бу ўзини менинг дўстим деб таъкидлайдиганларнинг сўзларини тўғрилигини аниқлашнинг ягона имкониятидир. Бу яна ўзинг билан ўзингни яқиндан танишга яхши сабаб, қулай фурсатдир. Эҳтимол, ҳеч қачон уйғонмаган одамга ўз иқтидорини аниқлашга ажойиб имконият.

Бахтсизлик бизни туғилганимиздан то ўлгунимизча таъкиб қилади. Қимматбаҳо тош ишқаланмай сайқаланмайди, мен синовларда мукамалликка эришаман.

Мени синов олови куйдириб ва ҳаёт ёмғири ипимгача шалаббо қилгани кўп фойда келтирганини тан оламан ва тан олишим керакки, менга келган ҳар қандай синовни мен самога араз ва қаҳр-ғазаб билан бақириб кутиб олмаганман. “Нима учун Худо менга шафқатсизлик қилди? Нима учун Худо мен учун муҳим бўлган нарсадан маҳрум қиляпти?” дея нолимаганман.

Энди мен энг оғир бахтсизликлар вақтида ҳам бахтли ҳаёт кечиришга ва ҳаракат қилишимга омад яқинлигини биламан. Ҳаммаси мен бошимни кўтараманми ёки ёрдам кутиб, янада паст кетишимга боғлиқ. Агар мен ғирромлик ва айёрликка ўтсам, омад мендан бутунлай юз ўгиради, бойиб шон-шухратга эришмайман, аксинча, менга жазо сифатида қайғу, қашшоқлик ва номаълумлик келади. Агар мен Худога илтижо қилиб, энди мен олдинда фақат шундай қиламан деб иш бошласам ҳар қандай синов мен учун зафар келтиради.

Ва мен ҳар қандай бахтсизликда муваффақият уруғларини излайман.

Менга келажакда қандай бўлмасин оғриқ озгина қолгач, бу бахтсизликдан ўзим учун қандай фойдалана олишимни сўрайман.

Ҳозирги вазият менга қандай бахтли имконият беради... шунда кўлимдаги аччиқ пўчоқ муаттар ҳидли гулзорга айланади!

Шу сабабли мен ҳар қандай бахтсизликда ҳам муваффақият уруғларини излайман.



БОБ

**ОЛТИНЧИ
ЎРАМ**

Мен ўзимни жуда кўп вақт алдадим.

Менга иш берганлардан миннатдор бўлдим, аслида эса бундай қисматга лойиқ эмасман деб ҳисоблаб, бу оғир меҳнатнинг ҳар бир соатида лаънатлар эдим. Меҳнат менинг яшашим учун тўлашим керак бўлган оғир мажбурият эди, чунки туғилганимда Худолар оёғим остига олтин ва менинг бошимга олтин тож кийдиришни лозим топмаганлар. Қандай тентак бўлган эканман?

Эндиликда мен биламан: меваларнинг энг ширини – бу меҳнат билан топилгани ва буюк ишлар даҳонинг миясида пайдо бўлса ҳам уларни меҳнатгина ниҳоясига етказди. Агар мен ишимга нисбатан бўлган виждонсиз муносабатимга сарфлаган кучимни, ишимни яхшироқ бажаришга сарфлаганимда, ишим анча енгил бўларди.

Мукаддас қоидалар ичида бошқаларидан устун жуда оддий қоида бор. Усиз келажакдаги юз, минг йиллар давомида ҳам яхши ҳаётга йўлни четлаб ўтиб бўлмайди ва шундай бўлса ҳам кўп одамлар яна ва яна унинг бажарилишини жуда қийин деб ўйлаб, инкор қилишади. Агар мен уни кўпроқ ва яхшироқ бажаришга қаттиқ қарор қилсам, бойлик, жамиятдаги нуфуз, шон-шухрат ва ҳатто қўлдан чикиб кетган бахт ҳам албатта, ёнимга қайтиб келади. Бу ҳаётнинг анча оддий бўлган қоидасини эслаб қолишнинг бошка самаралироқ усули бор: агар сендан бир миля босиб ўтишни сўрашса, сен бажонидил икки миля босиб ўт. Ҳатто юз йиллар ўтиб ҳам бу буюк қоидага

амал қилишга камчиликнинг қатъияти етади, айнан уларни ғалаба кутади.

Мен бугундан бошлайман!

Бундан буён мен ҳар қандай ишни иложи борича яхшироқ бажараман.

Энди мен муваффақиятга ва унинг ривожига эришиш учун ўз ишимга кунт билан киришаман ва уни талаб қилинганидан кўра кўпроқ бажараман. Ахир айнан ўз мажбуриятларини бажариш билан қаноатланмайдиганларгина чўққига эришади. Улар бир миля йўл босадилар. Сўнгра яна. Улар сарфланган кучларини ҳисоблаш учун қийналмайдилар. Улар эртами, кечми мукофотланишларини биладилар.

Ўз мақсадига эришишнинг яна бир аниқ усули бор ва бу – астойдил меҳнат қилишдир. Агар мен буни қабул қилишни истамасам, мен ҳаётнинг кераксизлигидан, қувончсизлигидан, адолатсизлигидан ўпқаласам, мен ўзимни кўз ёши тўкадиган келажакка маҳкум қилганимга тайёр туришим керак.

Бундан буён мен ҳар қандай ишда иложи борича ўзимни аямайман. Мен ҳеч қачон олиб бормайдиган йўлни тарк этаман.

Бундан буён мен ҳар қандай ишни иложи борича яхшироқ бажараман.

Мен ўз ишимга занжирлар билан кишанлаб қўйилмаганман, мен қул эмасман. Мен бажаришим керак бўлган ишимдан ҳатто нафратлансам ҳам, агар ўз қобилиятларимни намоён қилмоқчи бўлсам, унинг зарурлигини тушунаман, уларсиз ўз тақдиримни яхшилаш олмайман, – ҳосил олиш учун олдин ер ҳайдаб, экин экиш

керак. Агар мендан Худонинг ғалаба учун туғилган бандаси эканимни ёдда тутсам, эндиликда мен талаб қилинганидан бир миля ортиқ боса оламан.

Қандай ишни бажаришимдан қатъи назар, уни мухаббат билан бажараман ва менга омад келади.

Бугун менинг меҳнатим ҳиссаси унча катта бўлмаса ҳам, бу меҳнатим бўлгани учун уни бебаҳо қилади. Дунё факат қаҳрамонларимизнинг қудратли кучларидангина ҳаракатланмайди, шунингдек, ҳалол меҳнаткашларнинг биргаликдаги тиришиб қилган меҳнатлари туфайли ҳаракатланади. Меҳнатга бўлган ҳақиқий мухаббатнинг сири муваффақият умидини ўз ичига олишида, у пулли мукофот, кетган вақт ёки кучи билан ўлчанмайди, иш якунланишининг ўзигина катта қониқиш ҳиссини беради.

Бошлаганни якунлаш – бу ўз-ўзича яхши бажарилган иш учун мукофотдир.

Бундан буён мен ҳар қандай ишни иложи борича яхшироқ бажараман.

Энди иш кунининг якунида мен оламини ҳайратлантираман. Мен ўз ишимга кўпроқ вақтимни ажратаман ва бу эртанги куним муваффақияти асосига айланади. Бу худбин оламимизда шундай муносабат камёб мен ғолиб бўлмай қолмайман.

Хуллас, мен шундай тарзда меҳнат қилиб, агар ортиқча миляни бардош билан енгиб ўтсам, шундай масофани босмайдиганлар устимдан кулишига тайёр бўлиб туришим керак. Бу қисқа ҳаётда бирор буюк иш қилиш учун, бор имкониятим билан шундай жамланишим керакки, бемаъни ҳаёт кечираётганлар кўзига мен тентак бўлиб кўринишим мумкин. Майли, шундай бўлсин.

Бундан буён мен ҳар қандай ишни иложси борича яхшироқ бажараман.

Майли, менинг муҳаббатим ва ишим бўлсин. Фақат шуларнинг ўзи билан мен ҳаётимни бахтлироқ қиламан.

Мен овқат, кийим ва бошпанасиз қисқа вақт бахтли бўла оламан, аммо менда ҳаммаси мўл-кўл бўлса ҳам бахт мени четлаб ўтиши мумкин. Дарё учун нима муҳим? Ҳаракат. Агар у тўхтаб қолса, ботқоққа айланади. Мен ўзимни ботқоққа айланишимга йўл қўймаганим муҳимроқ. Кўп одамлар уларнинг бахти, туриб қолишга йўл қўймайдиган ишига боғлиқ эканлигини англамайдилар. Мен – ишсиз ҳеч ким эмасман. Бахтнинг биринчи сирини – бирор нима билан шуғулланиш.

Эндиликда мен ҳар қандай ишни яхшироқ бажараман.

Эндиликда мен сусткашлик қилмайман ва иккиланмайман – мен яна қўшимча бир миля юришим керак.

Шу вақтдан бошлаб ўз ишимни бунга қодир бўлган ғайратим билан бажараман ва бу озлик қилса, мен озгина кўпроқ ғайрат қиламан ва бу “озгина кўпроқ” ҳаммасидан устун чиқади. Мен жабр кўришимга тўғри келиб қолса, бу кўпинча бўлади, кучимдан шубҳаланганимда ўз-ўзимга вақти-вақти билан бу ҳам зарур дейман ва ишимни давом эттиравераман. Мен унга бор қалбимни бағишласам, осмон ҳам ёришади, шубҳа ва азоблар ҳам охир-оқибат ҳаётнинг юксак кувончига айланади.

Шундай бўлсинки, мен бу муваффақиятнинг қондасини ҳеч қачон бузмай!

Эндиликда мен ҳар қандай ишни яхшироқ бажараман.



ЕТТИНЧИ ЎРАМ

Мен ўз кучимни ҳар тарафга сочибман.

Жуда ҳам кўп бора мен бир камалакдан иккинчисига югуриб ўтганман.

Қанча йиллар давомида мен бўш челақларни бўш кудуқларга ташлаганман.

Аммо мен омад, бахт, бойлик қачондир менга қайтиб келишига умид қилишда давом этардим.

Мен бекор кутган эканман. Агар бу сеҳрли ўрамлар бўлмаганида, абадий кутишим мумкин эди. Ачинарли ҳолат. Кимда-ким беҳуда кутар экан, охир-оқибат ҳеч қаерга бора олмайди.

Аммо энди мен учун бунинг ҳаммаси ортда қолди. Энди эса, омад мени нима учун четлаб ўтганини тушунаман. Кимки доим мақсад танлашда иккиланса, ҳеч нарсага эришмайди. Агар мен режадан режага елиб югурсам, бир мақсаднинг у ёғидан бу ёғига чопсам, даладаги гул каби йўналишимни шамол билан биргаликда ўзгартирсам, ҳеч қачон бирор-бир буюк ва фойдали иш қила олмайман.

Фақатгина бир мақсадга диққатини жамлашни билганлар бу оламда муваффақиятга эриша оладилар. Буюк одам асло ўз касбига доир ишлардан ташқарига чиқмайди ва иқтидорини бемаъни ишларга сарфламайди. Эндиликда мен доимо кўз ўнгимда бўлган, аммо уни кўра олмаган, илғамаган сирни биламан.

Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга етишишда боримни бераман.

Муваффақиятга эришадиган ва мағлубиятга чидайдиганлар орасидаги ягона фарқ улар ёки буларнинг кучларнинг сони билан эмас, мақсадга йўналтирилган кучлар миқдоридадир. Шармандали муваффақиятсизликка учраганларнинг кўпчилиги энг катта муваффақиятга эришишга етадиган куч сарфлашади. Уларнинг беқарорликлари ўзларини муваффақиятдан маҳрум қиладилар, бир қўллари билан бошқаси яратганини барбод қиладилар. Улар тасодифларни имкониятга айлантиришни ўргана олишмаган. Улар изтиробли мағлубиятни машхур ғалабага айлантиришни билмайдилар. Муваффақиятга эришиш учун улар йиллар давомида дарёнинг сувини ҳовончада туйишдек бемаъни иш билан шуғулланишади, қизиғи, бунга бутун куч-иродасини бағишлашади.

Йўқ, энди мен ҳеч қачон ўз ҳаётимни вазиятларга ишониб қўймайман. Менинг кўзларим ниҳоят очилди. Мен ўзимнинг ишимни дунёда ундан муҳимроқ ҳеч нарса йўқдек бажараман.

Бир эман ёнғоғидан минглаб ўрмонлар ўсиб чиқади.

Мақсадга йўналганлик ва қатъият Мисрнинг буюк пирамидаларини бунёд этган. Ўз ишида илғор бўлган одам ҳамма нарсада илғор бўлади. Кимки ҳамма нарсада илғор бўлишни истаса, ҳеч нарсада муваффақиятга эришмайди. Шамол қаерга йўл олганини билмаган денгизчига ҳеч қачон раҳмдил бўлмайди.

Эндиликда мен аниқ манзилимни ва унга қандай боришни биламан.

Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришишда боримни бераман.

Ўйламасдан бир неча ишга бараварига қўл уриш мумкин эмас, ҳолбуки, биз яшаётган оламнинг талаби – битта

ишнинг бошини тутиш. Ўз кучини бекорчи нарсаларга сарфлайдиган кимсалар ҳеч нарсага улгурмайдилар.

Агар калтакесакни иккига бўлиб ташласа, олдинги қисми олдинга, орқаси орқага қараб чошиб кетади. Бир неча йўналишда ҳаракат қилаётганларни ҳам худди шундай ҳолат кутади. Ўз қувватини бекорга сарфлайдиганларни омад ёмон кўради.

Мен ўз ҳаётимдаги буюк ўзгаришларга тайёрман. Олам яқинда мен катъий йўналиш бўйича кетаётганимни кўради. Аниқ мақсадларга эга бўлиш – бу қандай буюк куч!

Менинг ҳаётимда мақсад бўлганида – менинг овозим, менинг кийимим, менинг қиёфам, ҳатто менинг ҳаракат ва имо-ишораларим – ҳаммаси ўзгаради.

Бошқалар сингари нега мен ҳам бу буюк ҳақиқатни сезмаган эканман?

Ўз ишини биладиган ва уни бошқалардан яхши қиладиганлар, ҳатто ясмиқ донини ўстирса ҳам лойиқ бўлган мукофотини олади. Агар унинг ясмиғи яхши бўлиб, унга бутун борлиғини беролса, у одамзотга наф келтиради ва инсоният уни унутмайди.

Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришишда боримни бераман.

Мен ўзимга аниқ мақсад танлайман ва чарчамай у ҳақида ўйлайман. Биз бутун қалбимиз билан интилган нарсага эришамиз. Агар мен бугун ҳаётдан нима олишимни билмасам, эртага менга ҳаёт нима беришини билмайди. Асалари атиргул япроқларига қўнадиган ягона ҳашарот эмас, аммо фақат у ўзи билан асал олиб кетади. Ҳаёт йўлига ўзимиз билан бирга олишимизга, ёшликда биз қанча тажриба ва билим тўплаганимиз муҳим эмас. Агар ҳаёт йўлидан келажак ҳақида аниқ тасаввурсиз йўл олсак,

бизнинг ҳаракатларимиз буюк ишларга айланмаслиги мумкин.

Бизни ҳаётда ҳаммадан буюк мақсадларни кўйиб яшашга ўргатишган, аслида эса биз кўлимиздан келадиган нишонни мўлжаллашимиз керак.

Баъзан мақсадга эришиш етарли эмас. Камондан отилган ўқ бошқаларидан ўтиб, яккаю ягона мақсадга учиши керак.

Ҳеч қандай момақалдирок дарахтни кулата олмайди. Аммо бунга йўналган чакмоқнинг кучи етади. Эндиликда мен ўзининг бор куч, қатъият ва тиришқоклигини кўзланган бир мақсадга йўналтирган одам мағлуб бўлмаслигини биламан. Ҳатто қишнинг энг совуқ кунларида агар куёш нурларини кучайтирувчи шиша ёрдамида тўпласам, осонлик билан олов ёқа оламан.

Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришишда боримни бераман.

Ягона мақсадга ўз кучини жамлай олса, кучсиз ҳам яхши натижага эришади, агар кучлининг ҳаракатлари мингта томонга тарқалиб кетса, ҳатто кучли ҳам мағлуб бўлади.

Кунма-кун қатъият билан томаётган сув томчилари энг мустаҳкам қоялар қалинлиги орасидан ҳам йўл очадилар, тоғнинг шиддатли сели эса гумбурлаб, шошиб, ўзининг кетидан из қолдирмайди.

Мен ўз олдимга қўйган мақсадимга эришишда боримни бераман.



XVI БОБ

САККИЗИНЧИ ЎРАМ

Илгари кўзларим кўр экан.

Бирор марта ҳам менга тақдим этилган бахтли тасодифни билмаганман, чунки у доимо оғир меҳнат ниқоби остида ўтган. Мен ҳаётнинг ташландик йўлларида дайдиб юрганимда яхши ҳаётга олиб бориш учун кутиб турган олтин аравани бирор марта ҳам сезмадим, чунки ўзимга ачиниб юрганимдан доимо кўзларим ёшларга тўла бўлган.

Менинг кўриш қобилиятим энди муносабатимни буза олмайди, чунки менинг муносабатим ўзгарган.

Энди шуни тушуниб етдимки, бахтли тасодиф бойлик, шон-шуҳрат ва омад ҳақида қаттиқ жар солиб келмас экан. Мен киришган ҳар қандай ишни ўзимнинг бор кучимни сарфлаб қилишим керак, йўқса мен уларнинг кўнғироқлари жарангини эшита олмасдан, ҳатто энг бахтли имкониятларни ҳам бой бераман. Ахир сенга ўз ҳаётингни ўзгартириш учун берилган имкониятни қайси кун ва соатда бўлишини ҳеч қачон билмайсан. У билан учрашишга тайёр бўлишнинг энг яхши усули, у оркестр садолари остида келадими ёки одатдагидек яширинчами, бу ҳар бир вазифани қанчалик мураккаб бўлмасин, ғайрат ва қатъият билан бажаришга киришишингга боғлиқ.

Авваллари кундалик меҳнатдан ич-ичимдан нафратланардим ва тақдирдан ўпкалардим, ҳеч қачон каттароқ муваффақиятга эриша олмасдим. Энди бу ўрамлар ёрдамида мен ўз ҳаётимни бошидан қурыпман ва бундан буён бошимни юқори кўтариб, худди оч шер ўлжасини пойлаганидек, омадни пойлаб юраман.

*Энди ҳеч қачон қўлларимни қовуштириб,
омаднинг ўзи мени топиб олишига умид қилмайман.*

Мен ўтмиш ҳокимиятини ағдариб ташлайман. Менинг аввалги мағлубликларимдан бирортаси ҳам қолган умримни ўтказадиган омад ва бахт мамлакатига қатъий олға силжишдан секинлаштиролмайди. Энди мен агар кўшиқ айтишни истасам, доимо кўшиқ топа оламан.

Мен ўтмишимни фақат эслаш учун олиб қоламан. Ўзимни қандай қилиб аянчли омадсиз бўлишимга йўл қўйдим? Қадимги мақолда айтилишича: “Сен бор оз нарса билан қаноатлан; тентакка каттасининг ортидан қувишни қўйиб бер”, – дейилган. Мен олдин худди шундай йўл тутганман ёки қадимги мақоллар алдаши мумкинми? Мумкин! Мен янги ҳаёт бошляпман ва бу мақолни худди ўз ўтмишимни қайта кўриб чиққандай, мағзини чақиб кўрдим. Бу мақол энди бундай янграйди: “Тентак борига, камига қаноатланганида, мен кўпроғига эришишга ҳаракат қиламан”.

*Энди ҳеч қачон қўлларимни қовуштириб,
омаднинг ўзи мени топиб олишига умид қилмайман.*

Бир неча ҳафта давомида мен ўз феъл-атворимни яхши томонга ўзгартирдим ва энди омад нелигини англадим, ундан ўз улушимни талаб қилиб олмоқчиман. Бу ўрамлардаги тамойилларни ҳар куни такрорлаш орқали мени орқага тортаётган ёмон одатларни илдизи билан суғуриб ташладим, бу атиги бошланиши. Менда ҳали-ҳамон ўзимдан-ўзим нафратланиш фазилати қолган бўлса-да, олдинга қараб юришга имконият берилган. Худонинг ёрдами билан ўз камчиликларимнинг ҳаммасини бирин-

кетин енгишга имконият берилган. Агар менда тўхтаб қолмасликка жасоратим етса ва ким бўлишим керак бўлса, ўша бўлишимга ишонч қолса, нимага эришмай, илгаридан кўра яхшироқ бўламан.

Илгари мен шунчалик калтафаҳм бўлганманки, омадсизликлар ва дилсиёхликларни менинг қалбимга оғир юк бўлиб ётишига имкон берганман, шу боис мен бошимни куйи солиб, кўзларимни пастга қаратиб юрганман.

Энди ўтмишнинг оғир юкини ташлаб юборганимда қаёққа қарамай яхши ҳаёт учун менга эшиклар очилди.

Энди ҳеч қачон қўлларимни қовуштириб, омаднинг ўзи мени топиб олишига умид қилмайман.

Ҳар куни ўз олдимга янги мақсадлар қўйиб, биринчи галда омад билан учрашувга тайёр туришим керак. Ҳар тонгда уйғониб, олдимда қандай қийин масалалар турмасин, янги кунга жилмаяман. Омадни муҳаббат сингари қайғу ва ноумидлик кўрқитади. Энди мен биламанки, ҳаётида омад ёр бўладиган кимсаларни доимо шодлик ва истикбол нурлантиради, юзида табассум билан ўз ишига киришади ва ҳаётнинг ҳар қандай бурилишини қувонч ва миннатдорлик билан кутиб олади, тўсиқ ва омадни бир хилда очик чеҳра билан кутиб олади. Бу донишмандлар ўзлари ўзларига бахтли имкониятлар яратишади.

Мен шунча йил яшаб, қандай қилиб ҳозирда кўриниб турган ҳақиқатни сезмадим экан?

Нима учун ҳаммамиз шунчалик сўқирмизки, ёнимиздаги ҳаётнинг жўшқин оқимида сузиб кетаётган бахтимизни сезмаймиз? Лекин оқим лойқаланган вақтда эътиборни қаратамиз. Нима учун фариштани бизни тарк этмасидан илгари танишга қодир эмасмиз?

Бахтли имконият кўпинча арзимасдек бўлиб кўринади, ҳатто унга эътибор ҳам бермаймиз, лекин унда баъзан буюк ишлар даври бошланади. Бахтли имконият ҳар қандай сувда ҳам яшайди. Шунинг учун балиқчилик анжомлари доимо тайёр туриши керак, ахир йирик балиқ уни ҳаммадан кўра кам кутаётган вақтда пайдо бўлиши мумкин.

Энди ҳеч ҳачон қўлларимни қовуштириб, омаднинг ўзи мени топиб олишига умид қилмайман.

Энди мен бир неча ҳафта илгариги одам эмасман.

Омад энди ҳеч қачон менинг қўлларимдан чиқиб кетмайди.

Мен энди ҳеч қачон йиғлаб, ўзимдаги кийимларимни йиртиб ташламайман ва ҳаёт кувончларидан маҳрум бўлганим учун оламни ҳам коймайман. Мен аввалгидек ўз тақдиримдан рози эмасман, аммо энди бу норозилик ёмғир томчилари орасидан зангори осмон ва юлдузларни кўришга интиляпти. Оламда норозиларнинг икки тури бор: бири ишлайди, иккинчилари аламдан қўлларини синдиради. Биринчилари истаган нарсани оладилар, иккинчилари борларини ҳам йўқотадилар. Биринчиларига омаддан бўлак дори йўқ, иккинчилари учун оламда ҳеч қандай дори йўқ.

Мен кимлигимни биламан. Менга шундай бўлиш ёқади. Сендан миннатдорман, Худойим. Энди мен омад эшигимни қоқиб келмаслигини ва мен омад эшигини тақиллатишим кераклигини биламан. Мен бунни кунт, матонат билан қатъий туриб бажараман.

Энди ҳеч ҳачон қўлларимни қовуштириб, омаднинг ўзи мени топиб олишига умид қилмайман.



XVII БОБ | ТЎҚҚИЗИНЧИ ЎРАМ

Мен ўзимга нисбатан жуда кўнгилчан бўлганман.

Менинг кун варағини варақлашга сабрим чидамаган.

Ухлашдан илгари мен ҳеч қачон кун давомида қилган яхши ва ёмон ишларимни баҳолашга уринмаганман. Ҳеч қачон ўтган кунимдаги ўз фикр, сўзларим ва хатти-ҳаракатларимни мардона ва виждонан, эртанги кунга яхшироқ тайёргарлик кўриш учун таҳлил қилмаганман.

Ахир менга қандай қилиб омадга эришиш йўли ҳеч қачон аён бўлмаган. Чунки мен яшаш учун курашга шунчалик боғланиб қолган эдимки, омадга борадиган йўлни пайқай олмаганман. Кун тугарди ва мен уни хотирамдан ўчириб ташлардим. Омадсизлик ва хатоларни оқлаш учун тезда баҳона топиларди. “Эртага бошқача бўлади, ваъда берардим ўзимга, балки ҳаёт менга меҳрибонроқ бўлар” Қандай ноҳақ эканман!

Ниҳоят зийрак қараш ва кўриш қобилиятига эга бўлдим

Энди бу олам ҳамма нарсанинг ўзига қўйилган нархи бор бозор эканлигини кўряпман ва нима бўлса ҳам - бойликми, эркинликми, шон-шуҳратми, виждонми ёки билимними харид қила туриб сарфлаган вақтим, меҳнатим ва ғайратимдан ачинмайдиган, қароримдан чекинмайдиган бўлишим керак. Бир нарсани олиб, бошқасига эга эмаслигига ачинадиган бола каби ўзимни тутмаслигим керак. Бу кундалик битим-ишлар менинг бутун ҳаётимда намоён бўлиб, уларни бекор қилиш унчалик осон эмас оғир меҳнатим билан эришган нарса келажакда ҳеч қачон

кадрсизланмаслигига ишончим комил бўлиши керак. Менга шундай ишонч берадиган ягона нарса – кечкурун ўтган ҳар кунимда қилган ишимни кўриб чиқиш.

Шунинг учун мен ҳар кеча ўтган кунимдаги ишларимни таҳлил қиламан.

Ҳар куни баҳолангани учун ёмон одатларим ва иллатларим камаяди. Шундан кейин мен қандай қувонч билан ва қалбан енгил тартиб уйқуга кетаман!

Ўз-ўзидан менинг бошимда қуйидаги саволлар туғилади:

Бугун мен қандай камчилигимни тузатдим?

Қандай ёмон одатларга қаршилик кўрсатдим?

Қандай нафс балосига берилмадим?

Қандай яхши фазилатга эга бўлдим?

Бу ўрамлар ёрдамида мен ҳар янги кунни кутиб олишни бошладим, тоғ чўққиларига олиб борадиган йўл ҳеч қачон кўзимдан йўқолиб қолмаслиги учун харитани кўпайтираман. Энди кун охирида мен ўзимнинг саёҳатимдаги кийинчилик ва муваффақиятни ўлчайман, мен орттирган эзгу одатларни кундалигимга ёзиб қўяман ва улар эртанги ҳаракат дастуримга айланади.

Шунинг учун мен ҳар кеча ўтган кунимдаги ишларимни таҳлил қиламан.

Кечкурун, шамни ўчиришим билан мен ўтган кунимдаги ҳар бир ҳаракат ва сўзимни кўриб чиқаман, ҳеч нима менинг назаримдан қочиб кетолмайди, менда ўзимга танбеҳ бериб, кечириш имконияти бўлганида, нега ўз хатоларимдан кўрқув ҳис қилишим керак.

Эҳтимол, мен қандайдир баҳсда жуда кескин бўлгандирман, ўзимни тийишим, фикримни билдирмаслигим мумкин эди, негаки у қалтис ва фойда

келтирмас эди. Унда ҳақ бўлсам ҳам барибир ҳар қандай тўғри гапни доим ҳам гапириб бўлмайди. Мен тилимни тишлаб туришим даркор эди, негаки баҳс эмас, ҳақиқат ҳаммасидан афзал.

Мен ўйламасдан гапириб юбордим, аммо энди ҳеч қачон бундай бўлмайди.

Тажриба – одамзот ўзининг ақлсизлиги ёки кайғусини шундай атайди. Аммо бундай бўлиши шарт эмас. Бугунги дарслар, агар мен улардан сабоқ олишга муваффақ бўлсам, эртанги яхши ҳаёт учун асос бўлади, менда эса шундай ҳислат бор.

Шунинг учун мен ҳар кеча ўтган кунимдаги ишларимни таҳлил қиламан.

Ўз ҳаракатларимни тўғри баҳолаш насиб этсин, ўзимга энг ашаддий душманимга қарагандек қарайман ва ўзимнинг энг яхши дўстимга айланаман.

Ҳозирнинг ўзида келгусида орзу қилган одамга айланаман. Зулмат тушса ҳам токи ўтган кунимдаги воқеаларни тўлиқ кўриб чиқмагунимча уйқуни кўзларимга йўлатмайман.

Тугатишим керак бўлган нарсаларимдан қай бирини қолдириб кетдим?

Қилган ишларимдан қайси бирини яхшироқ бажаришим мумкин эди?

Одамзот нима қилса ҳам ҳаммасини бор кучини сарфлаб қилиши ва онгли равишда гаштини тотиб кўриши бу ҳаётнинг энг буюк қувончларидан биридир. Ўз меҳнатинг мевасига назар ташлар экансан, унинг ҳар бир қисми, ҳар бир детали яқунланган ва аниқлигидан чақнаб турганини кўрсанг алоҳида мамнунлик ҳисси, алоҳида фахрланиш ҳиссини туясан, агар ишингни ўлда-жўлда қилган бўлсанг, қалбингда ғашлик пайдо бўлади.

Айнан бошлаган ишини яхшироқ якунлашга интилиш, ҳар қандай ишни санъатга айлантиради. Шунинг учун ўртамиёна иш ҳам муносиб равишда бажарилса, катта ютукка айланади. Бугунги иш кечагисидан афзал чиқади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Таҳлил қилиш ва баҳолаш билан яхши томонга ўзгартириш керак, шунда бугунинг кечагидан донороқ бўлади.

Шунинг учун мен ҳар кеча ўтган кунимдаги ишларимни таҳлил қиламан.

Мен кунни ўзимга ачинишсиз ўтказдимми?

Мен тонгни аниқ режа ва мақсад билан олқишлаб қарши олдимми?

Мен ҳар бир учратган кимсага меҳрибонлик ҳисси ила разм сола оламанми?

Менинг ҳаттоки туришга мадорим етмаганида яна бир қадам ташлашга ҳаракат қилдимми?

Омад билан учрашишга тайёр эдимми?

Ҳар қандай қийинчиликда яхшилик уруғини изладимми?

Қаҳр-ғазаб ва нафратга жавобан мулойим жилмайганманми?

Мен мақсадга эришиш учун қатъиятли бўлдимми?

Ҳаётимнинг кундалик таҳлили, уни мамнуният ва қониқиш ҳисси билан яшашимга ёрдам беради, ундан нима фойдалироқ бўлиши мумкин? Энди ҳеч қачон менинг куним қуёш ботиши билан тугамайди. Мени яна муҳим бир иш кутади.

Шунинг учун мен ҳар кеча ўтган кунимдаги ишларимни таҳлил қиламан.



ОХИРГИ ЎНИНЧИ ЎРАМ

Мен ваъда бераман.

Мен қасам ичаман.

Менга Худо томонидан берилган бу – ибодат қилиш имконияти ва буюк тухфасини ёдда тутишга онт ичаман. Зўр ғалабада ва мағлубликда ҳам, муҳаббат ва омадсиз севгида ҳам, шодлик ва қайғуда ҳам, шуҳрат ва овлоқда қолган дамда ҳам, парвоз ва қулашда ҳам – доимо мен чин дилдан ибодат қилиб, имон оловини ёқа оламан, у мени гумон туманидан, беҳаловатликнинг тим қоронғи, касалликнинг эгри-бугри, аламларнинг тор йўлаклари ва маккор йўлдан урадиган нарсалардан олиб чиқиб кетади. Энди Худо фақат менинг қалбим овозини эшитишини биламан.

Тонгда ибодат туфайли мен Худонинг марҳаматини козонаман, кечкурун унинг ишончли ҳимоясида бўламан.

Мен ибодат қилар эканман, мендаги умид ва мардлик яшайди. Ибодатсиз мен ҳеч нарсага эриша олмайман; у билан мен учун иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Бу ўнинчими ва охиргисими, бу муқаддас бурч мени бутун умрим давомида ҳамроҳим бўлсин.

Мен доимо ибодат қилган вақтимда Яратган билан гаплашаман.

Дуода қанча сўзлар кам бўлса, шунча яхши.

Менинг дуоларимда фақат оддий сўзлар бўлади.

ПИНХОН ДЎСТИМГА ИБОДАТ

Менинг ўзгача Дўстим, Сен мени тинглаганинг учун Сендан миннатдорман. Сен менинг ишончингни оқлаш учун қанча куч сарфлаб, тиришганимни биласан!

Сендан ҳаёт кечиришим учун менга берган шу оламдан миннатдорман. Иш, ўйин-кулги қанчалик қувончли бўлмасин ва қандай мамнунлик келтирмасин, мени кўп вақтга муҳаббатга тўла оиламдан айира олмайди.

Ҳаёт менга инъом этган ўйиндан обрў мардлик, матонат ва ишонч билан ғолиб бўлиб чиқишни ўргат.

Менга мени яхши биладиган ва ҳар қандай дамда ҳам содиқ дўст бўлиб қоладиган дўстларни юбор.

Менга агар йўл туманли бўлса ҳам олдинга қараб юриш учун кечиримли юрак ва кўркмас руҳ ато эт.

Менга меҳнатларимдан ором олиш учун ҳазил-мутойиба туйғуси ва бўш вақт инъом эт.

Менинг буюк интилишларим ва бунинг эвазига йўлимда учраган ҳақли мукофотларга сазовор бўлишим учун ёрдам бер; далда бериш ва қўллашга муҳтож бўлганларга қўлларимни узатишни ёддан чиқаришимга йўл қўйма.

Менинг йўлимда учраган қалтис вазиятлар билан тўкнашганимда – хавф олдида дадиллик, ғазабда босиқлик бер ва ҳаётнинг ҳар қандай бурилишларига тайёр туришга, ҳаммасидан чиқиб кетишимга куч ато эт.

Юзимдаги хўмрайиб қарашимни жилмайишга алмаштир, тилимга кўпол, жароҳатлайдиган сўзлар ўрнига яхши, ёқимли сўзларни жойла.

Мени яқинимнинг қайғусига ҳамдард эт, қандай мартабага эга бўлмасин ҳар бир одамнинг ҳаётида дардли дамлар бўлади.

Менга ҳар бир ишимда тинчлик, хотиржамлик ато эт, чунки мени ҳаддан ташқари мақтанчоклик ва ундан оғирроқ гуноҳдан – ўзимни-ўзим йўқ қилишдан асра.

Қайғуда булутли кунларсиз куёшли кунлар келмасди деган фикр менинг кўнглимни кўтарсин.

Мағлубликдан руҳан тушган вақтимда ҳам менинг ишончим сўнмасин.

Ғалаба чўккисида мен Ўзингга шукрона келтирай.

Ҳамма ўйлаган нарсаларимни энг яхши тарзда ниҳоясига етказишим учун иродамни мустаҳкам қил ва ҳаммаси бажарилгач, ўзинг лозим топганингдек, мени мукофотла ва бутун қалбим билан шукрона келтиришимга ва “Омин” дейишимга имконият бер.

олди Гален то Эрасмус Хафиднинг мармар дахмасига яқинлашиб, унинг сеvimли ўриндиғига ўтираётган вақтда.

– Қандай ғайриоддий атиргул! – хитоб қилди Гален, кутилмаганда дахманинг бир табақали эшигини қўриқловчи яшил тиканли буток олдида тиз чўкаркан.

– Оддий оқ атиргулнинг қандай ғайриоддийлиги бўлиши мумкин? – хўрсинди Эрасмус. У Лишанинг сеvimли бутаси бўлгани учун шу ерда ўсади. Хафид, ниҳоят улар ёнмаён бўлганларида, биз Лишанинг бутоғи ёнига қизил атиргул бутоғини ўтказишни буюрди.

– Эрасмус! – кичқирди Гален. Бу ерга кел! Тезроқ!

Меҳмоннинг кескин овозидан чўчиб тушган Эрасмус дик этиб турди ва ерда ўтириб олиб, оғзини очиб ва қалтираётган бармоқлари билан гуллаб турган атиргул бутоғини кўрсатиб турган Галеннинг ёнига шошилди.

– Қара, Эрасмус!

Баланд бўйли, текис буток деярли гунчалар ва оқ атиргуллар билан қопланган эди, аммо Гален фақат бир гулни кўрсатарди.

– Бўлиши мумкин эмас, – йиғлаб юборди Эрасмус ва тиззаси билан ўтириб қолди. Бўлиши мумкин эмас!

– Аммо шундай, – кичқирди Гален, лекин кўзларига ишонмасди, оқ атиргул бутоғида чиройли қизил атиргул ўсарди.

– Хафидга бир нима содир бўлган, – ингради Эрасмус, – биз унинг ёнига ҳозирнинг ўзида боришимиз керак!

Бир соатдан камроқ вақт ичида қасрнинг отхонасидан Гален бошқараётган, катта бўлмаган арава йўлга чиқди ва кун ярмида Ермон тоғи ён бағрига етиб келишди. Тезда юқорига кўтарилди бошлашди, улар хазонли йўлнинг уч турли томонга айрилиш жойига келганида, Эрасмус харитага қараб Галенга ўнг томонни кўрсатди. Бирмунча

вакт ўтгач, улар катта палахса тош ёнидан ўтишди ва Эрасмус деди: “Биз тезда ўша жойда бўламиз. Сергиус қачондир унинг уйчаси катта бўлмаган ўрмон ичида эканини айтганди”.

– Мана у, – қичқирди Гален. Қумли қатлам ва оқ қоялар атрофидаги қора арчалар ўсган томонга қамчисини йўналтириб.

Улар ўрмонга кириб келишлари билан Гален аравани тўхтатди. Бир неча қадам нарида Хафиднинг араваси турарди, эшик олдидаги устунга жиловни боғланган эди.

– У, эхтимол, Дамашкка жўнаб кетишга отланаётгандир, – таъкидлади Эрасмус Гален билан аравадан тушар экан. Балки Хафид ниҳоят ўрамлар устидаги ишини яқунлаб уйга отланаётгандир. Менимча, биз бекорга хавотир олганмиз.

Гален эшикни бир неча бор тақиллатди, аммо жавоб бўлмади. У Эрасмусга қайрилди. Эрасмус иккиланмай аста, эҳтиёткорлик билан эшикни итарди ва чақирди:

– Хафид! Хафид! Мен Эрасмусман. Илтимос, жавоб бер!

Жавоб бўлмади. Улар уйга кирдилар. Эрасмуснинг назари кенг ёзув столи ва ундаги таниш ғоз патлари ҳамда сиёҳ солинган идишга тушди.

Ўша ерда яна бир таниш нарсани кўрди.

– Қара, Хафид Римда сотиб олган эски сандиқ, ана!

Сандиқ очиқ ва ўрамлар билан тўлган эди.

– Гален, қара, Хафид ҳар бир ўрамнинг орқа томонидан рақамлаб чиқибди. Унга кўп йиллар олдин инъом этилган ўрамлар худди шундай белгиланган эди. Агар мен билмаганимда у туялар сарбони эканлигида, Патрос хўжайинимга берган сандиқча ва ўрамлар деб қасам ичган бўлардим. Ҳақиқатан бугун мўъжизалар қуни.

Эрасмус сандикча томонга чўзилиб, у ердан рим рақами билан “X” деб белгиланган ўрамни олди. Сўнг ингичка яшил боғични ечди ва секин ўрамни очди.

– Худога шукроналар, бўлсин! – жилмайди ва пергаментни Гален Хафиднинг хатини кўра оладиган қилиб айлангирди. Хўжайин вазифани бажарибди. Бу якуний ўрам. Энди уни топамиз ва уйга ҳаммамиз жўнаймиз. У қаердадир, яқин атрофда.

Хафиднинг исмини чақириб, улар дарвоза ёнига чикдилар ва уйни айланиб чиқишди. Уларнинг кўзлари катта бўлмаган майдон ва оқ тошларга тушди.

– Ана у, – бақирди Эрасмус. Худога шукур. Хафид! Хафид!

Эрасмус ўзидан ёшроқ ҳамроҳи сингари чаккон ҳаракатлана олмасди.

У тошгача чоғиб борганида Гален тиз чўқиб, сўзсиз осмонга қўлларини ёзарди. Кўз ёшлари юзидан оқиб тушарди, у йиғларди.

– Эрасмус, бизнинг дўстимиз вафот этибди. Хафид ниҳоятда ўзининг азизаси Лиша билан бирлашибди.

Эрасмус ингради ва дами қайтиб хожасининг жонсиз жасадини кўкрагига босиб, ерга кулаб тушди.

– У ҳали совимабди. Агар биз сал вақтлироқ келганимизда уни кутқариб қолардик. У ёлғизликда ўлибди. О, Хафид, илтимос, мени кечир. Сени асраб қололмаганим учун кечир. Мен сени шундай яхши кўраманки.

Кутилмаганда тоғнинг чўққисида илиқ шамол эсди. Гален Эрасмус ёнига тиз чўқди ва деди:

– Кўз ёшларингни арт, ҳисобчи. Сенинг хўжайининг ёлғизликда ўлмади.

– Сен нима демокчисан? – бақирди Эрасмус Хафиднинг жасадини майин силашда давом этиб.

– У ёлғизликда ўлмади, – қайтарди Гален. – Қара!

Улар тўсатдан бошига тушган оғир қайғудан дунёнинг энг буюк савдогари елкаси ўша титилган қизил ёпинчик билан ўралганига эътибор беришмаган экан...

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Муқаддима.....	3
<i>Биринчи боб.</i> Саховатдан саховатгача.....	10
<i>Иккинчи боб.</i> Сандиқчадаги сир.....	15
<i>Учинчи боб.</i> Хафиднинг болалиги.....	22
<i>Тўртинчи боб.</i> Байт-Лахмга қилинган сафар.....	32
<i>Бешинчи боб.</i> Эҳсон қилинган ёпинчиқ.....	37
<i>Олтинчи боб.</i> Сирли номалар.....	42
<i>Еттинчи боб.</i> Орзулар сари илк қадам.....	48
<i>Саккизинчи боб.</i> Биринчи нома.....	52
<i>Тўққизинчи боб.</i> Иккинчи нома.....	57
<i>Ўнинчи боб.</i> Учинчи нома.....	62
<i>Ўн биринчи боб.</i> Тўртинчи нома.....	66
<i>Ўн иккинчи боб.</i> Бешинчи нома.....	70
<i>Ўн учинчи боб.</i> Олтинчи нома.....	74
<i>Ўн тўртинчи боб.</i> Еттинчи нома.....	79
<i>Ўн бешинчи боб.</i> Саккизинчи нома.....	83
<i>Ўн олтинчи боб.</i> Тўққизинчи нома.....	87
<i>Ўн еттинчи боб.</i> Ўнинчи нома.....	91
<i>Ўн саккизинчи боб.</i> Узоқ қутилган меҳмон.....	95

ИККИНЧИ БЎЛИМ

<i>Биринчи боб</i>	108
<i>Иккинчи боб</i>	115
<i>Учинчи боб</i>	123

<i>Тўртинчи боб</i>	132
<i>Бешинчи боб</i>	140
<i>Олтинчи боб</i>	148
<i>Еттинчи боб</i>	160
<i>Саккизинчи боб</i>	169
<i>Тўққизинчи боб. Биринчи ўрам</i>	177
<i>Ўнинчи боб. Иккинчи ўрам</i>	181
<i>Ўн биринчи боб. Учинчи ўрам</i>	185
<i>Ўн иккинчи боб. Тўртинчи ўрам</i>	189
<i>Ўн учинчи боб. Бешинчи ўрам</i>	194
<i>Ўн тўртинчи боб. Олтинчи ўрам</i>	198
<i>Ўн бешинчи боб. Еттинчи ўрам</i>	202
<i>Ўн олтинчи боб. Саккизинчи ўрам</i>	206
<i>Ўн еттинчи боб. Тўққизинчи ўрам</i>	210
<i>Ўн саккизинчи боб. Охирги ўнинчи ўрам</i>	214
<i>Ўн тўққизинчи боб</i>	217

УЎК 821.111(73)-3

КБК 84(7AQSH)

М 24

Мандино, От.

Дунёнинг энг буюк савдогари / От Мандино.
Таржимон М. Убайдуллаева. – “DAVR PRESS”
НМУ 2020. – 224 б.

ISBN 978-9943-6292-3-3

УЎК 821.111(73)-3

КБК 84(7AQSH)

Оммабон нашр

ДУНЁНИНГ ЭНГ БУЮК САВДОГАРИ

Мухаррир

Муҳайё Рихсибекова

Бадий муҳаррир

Александра Журавлёва

Саҳифаловчи

Шаҳбоз Сирожидинов

Техник муҳаррир

Жавоҳир Нетьматов

Лицензия рақами: АІ № 014, 20.07.2018

Босишга 07.02.2020 да рухсат этилди

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$

Босма табағи 5,28. Шартли босма табағи 7,56

Гарнитура «BalticaAPP». Офсет қоғози

Адади 2000 нусха. Буюртма № 25/15

«DAVR PRESS» МЧЖ нашриёт-матбаа уйида
тайёрланиб, чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, 20-А мавзе 42 уй.

Маркетинг бўлими: (+99894) 665-83-06